

Хизматда фойдаланиш учун

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси



ТЕРГОВ АМАЛИЁТИ



00: 99/2/91
22-96


Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси
тергов Бош бошқармаси

Хизмат доирасида
фойдаланиш учун
тартиб рақами 0473

ТЕРГОВ АМАЛИЁТИ

22-сони

Тошкент шаҳри
2001 йил



Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори ўринбосари
тергов Бош бошқармаси бошлиғи
адлия катта маслаҳатчиси
Э. Т. Жўраевнинг
таҳрири остида

Нашрга тайёрловчи ва масъул

Республика прокуратураси
криминалистика бўлими бошлиғи
адлия маслаҳатчиси
Х.Ў.Абдувоҳидов

Таҳририят ҳайъати аъзоси

«Қонун ҳимоясида» бирлашган
таҳририятининг бўлим
муҳаррири
Н.Н.Усанов

Криминалистика ҳақиқат ва адолат тантанаси хизмати йўлида

Ушбу мавзунини лирик чекиниш билан бошласак. Ўзингизча бир тасаввур қилинг, аҳоли истиқомат қиладиган катта шаҳар ёки қишлоқдан четда, ҳеч ким қадам босмайдиган ва яшамайдиган далада, тоғ ёки адирли жойда номаълум бир фуқаронинг таниб бўлмайдиган даражада чириб кетган, ёввойи ҳайвонлар томонидан баданининг тери соҳаси еб кетилган, қушлар томонидан эса чўқиб ташланган **мурдаси топилди, деб фараз қилайлик.** Ҳали терговчи ва бошқа тезкор ходимлар учун жиноят қурбони бўлган фуқаронинг ким эканлиги, унинг қандай усулда, қандай жиноят қуроли қўлланган ҳолда ўлдирилганлиги ноаниқ. Балки бу ҳолатда у қотиллик жиноятининг қурбони бўлмагандир. Унинг ўлими сабаблари ҳам номаълум.

Ҳодиса жойига етиб келган прокуратура идорасининг терговчиси, ички ишлар органларининг тезкор ходимлари, суд тиббий эксперти ва бошқа тегишли мутахассислар олдида **мана шундай мураккаб муаммони одилона ҳал қилиш вазифаси туради.**

Жиноятчининг изидан қувиш ва уни ушлаш, жиноятчи билан яккама—якка олишув, ўқ отар қуроллари қўллаган ҳолда ўзаро отишмалар ва бошқа қизиқарли тафсилотларга бой бўлган ҳолатларни севадиган «романтика»

деб аталмиш саргуштларнинг ашаддий мухлислари ҳисобланган баъзи шахслар бу муаммони осон ва тезда ҳал этиладиган вазифа деб ўйлашлари мумкин. Бунинг қанчалик қийин иш эканлигини, унинг одилона ҳал этилиши учун қанчалик машаққатли меҳнат талаб қилинишини фақат шу соҳада ишлаган, шу соҳа ходимларининг хизмат фаолиятидан хабардор бўлган кишиларгина тўғри тушуниши мумкин.

Бу мураккаб вазифани, таъбир жоиз бўлса, жумбоқли муаммони тўғри ва одилона ҳал этишлик бевосита ҳар бир прокурор ёки тергов ходимларининг, ички ишлар идоралари тезкор вакилларининг, суд тиббий экспертларининг ва бошқа тегишли мутахассисларнинг криминалистика фанини қанчалик яхши билишига, пухта ўзлаштириб олганлигига ҳамда бу соҳа бўйича етарли даражада тажрибага ва касб малакасига эга эканлигига бевосита боғлиқ десак ҳеч бир муболаға бўлмаса керак.

Криминалистика бу жиноятларнинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларни фош этиш мақсадида далилларни топиб аниқлаш, процессуал мустаҳкамлаш ва текшириш учун олиш жараёнида қўлланиладиган усул ва услублар ҳақидаги, криминалистика техника воситалари ва уларни тергов амалиётида қўллаш, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилиги билан белгиланган тегишли тергов ҳаракатларини ўтказиш ва бажариш усулларини ўргатиш,

экспертизалар тайинлаш ва ўтказиш усулларини тадқиқ қилиш тўғрисидаги фандир.

Криминалистика фани трасология, баллистика, криминалистик фотография, криминалистика техника воситалари, антропоскопия (одам излари), габитология (шахснинг ташқи қиёфаси белгилари), одорология, ҳужжатларнинг криминалистик текшируви, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш усули ва услублари каби бир қатор соҳаларни ўргатади.

Криминалистика фанининг қандай юзага келганлиги, унинг ривожланиш давлари қандай кечганлиги кўпчиликни қизиқтирса керак деган фикрдамиз. Криминалистиканинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланган жиноятларни ва жиноятчиларни рўйхатга олиш, дактилоскопия соҳалари мавзуси тўғрисида тўхталиб, айнан шу мавзулар ҳақида ўзаро фикрлашсак.

Америкалик буюк детектив ёзувчи **Эдгар По** томонидан яратилган «Морг кўчасидаги қотиллик», «Ўғирланган хат» каби детектив асарларда криминалистика фанига оид ибораларни жуда кўп ва ўринли ишлатилган эди.

Ўтган XIX асрда ижод қилган машҳур Франциялик ёзувчи **Эмиль Габарю** ўзининг «Лекок» деб номланган романида асар қаҳрамони томонидан қотиллик жинояти содир этилган жойни кўздан кечириш, ҳодиса жойидаги изларнинг ҳолатини бузмаслик учун

ҳодиса жойини қўриқлаш каби кўплаб криминалистика фанига тааллуқли бўлган вазифалар усталик билан бажарилганлигини жуда чиройли ёритиб бера олган эди.

Кўпчилик Англиялик машҳур детектив ёзувчи **Артур Конан Дойлнинг** ҳаёлий «изқувар» қаҳрамони Шерлок Холмсни яхши билади. Унинг бу асарларини севиб ўқимаган, у ҳақдаги кинофильмларни қизиқиб кўрмаган одамлар жуда кам бўлса керак. Айнан шу қаҳрамонимиз, яъни Шерлок Холмс криминалистиканинг адабиёт соҳасидаги асосчиси бўлган эди.

«Криминалистика» иборасини биринчи марта Австриянинг Граце шаҳрида суд терговчиси лавозимида ишлаган, кейинчалик Вена университетининг профессори бўлган **Ганс Гросс** (1847—1915) ўзининг «**Суд терговчилари учун қўлланма**» номли асарида ишлатган эди. Ушбу асарда жинойтни фош этиш ва жинойтчини аниқлаш учун А.Бертильоннинг антропометрик усулидан фойдаланиш, суд тиббий экспертизаси ўтказиш, ўқ отар қуроларини, заҳарли моддаларни, қон ва бошқа биологик ажралмаларни текшириш лозимлиги ҳақидаги ва бошқа тегишли тавсиялар батафсил ёритилган эди.

Бундан ташқари, мазкур асарда «химик мутахассисни жалб этиш», «зоология, ботаника, минерология соҳаси бўйича мутахассисларни жалб қилиш» деб номланган алоҳида боблар тушунарли тарзда ёритилган эди. Терговчилар

ботаника ва химия соҳаси бўйича мутахассисларни тергов ўтказиш жараёнида кам жалб этишаётганлиги танқид қилиниб, уларнинг терговни олиб боришда иштирок этиши жуда фойдали ва самарали эканлиги қайд этилган эди. Оёқ кийимидаги мавжуд тупроқ намунасини ботаника соҳасидаги мутахассис текшириб, унинг эгаси ҳодиса жойида бўлган ёки бўлмаганлиги тўғрисида хулоса бериши мумкинлиги таъкидлаб ўтилган эди.

Суд терговчиси Ганс Гросснинг бу асари 1893 йилда босмадан чиқди, сўнгра эса кейинги 10 йил давомида 5 марта қайтадан нашр қилинди. Бу асар бевосита жиноятларни тергов қилиш билан шуғулланувчи кўпчилик терговчиларда, полиция ходимларида, хусусий «изқувар»ларда катта қизиқиш уйғотди. Айнан шу «Суд терговчилари учун қўлланма» номли асарда амалиётда кенг қўлланилган жиноятни фош этиш усуллари ва услублари биринчи марта тўлиқ умумлаштирилиб, бир тизимга келтирилган ҳолда атрофлича ёритилган эди. Мазкур асарда ёритилган илмий тавсиялардан бевосита тергов амалиётида, полиция ишини ташкил этишда фойдаланила бошланди. **Шу тариқа илмий криминалистика фанига асос солинган эди.**

Франциянинг Париж шаҳар полиция префектурасининг котиби лавозимида ишлаган **Альфонс Бертильон** эса криминалистика фанининг жуда тез ривожланиши учун туртки берди. Бу вақтда А.Бертильон 26 ёшда,

Франциянинг криминал полицияси эса 70 ёшда эди.

1810 йилда Париж шаҳар полиция префектураси хизмати таркибида 28 та судья ва саноқли инспекторлар бўлиб, улар жиноятчиликка қарши кураш ишида кучсизлик қилишаётган эдилар. Айнан шу йили Париж шаҳрида қотиллик, номусга тегиш, босқинчилик, талончилик, ўғрилик каби жиноятлар жуда кўпайиб кетган эди. Жиноятчиликка қарши кураш вазифасини муқаддам бир неча марта ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун судланган **Эжен Француа Видок** ўз зиммасига олди ва у томондан айнан шу йили Парижда «Сюртэ» («Хавфсизлик») деб ном олган криминал полицияга асос солинди. У ўз фаолиятини муқаддам судланиб, жазони ўтаб келган «кўнгилли»лар ёрдамида амалга оширди. У «кўнгилли» ходимларини жиноятчилар тўдасига қўшиш, қамоқ жойларига қамалган жиноятчи сифатида киритиш каби усулларни қўллаган ҳолда вазифасини бажариб, жиноятларни усталик билан жуда тез фош этар эди.

Э.Ф.Видок ва унинг «кўнгилли» ходимлари тез — тез қамоқ жойларига боришиб, қамоқда сақланаётган «**маҳбуслар паради**» деб ном олган тадбирни ўтказишиб, маҳбусларнинг ташқи кўриниши ва алоҳида белгилари билан танишиб, уларни эслаб қолишар ва бу тўғрида махсус «карточка»ни расмийлаштиришар эди. Улар томонидан бир йил давомида 812 та қотиллик, ўғрилик,

босқинчилик каби ўта оғир жиноятлар фош этилди. Шаҳар полиция префектураси судьяси ёки полиция инспектори боришга журъат эта олмаган фоҳишахоналарнинг жуда кўпчилиги йўқотилишига эришилди.

1833 йилда эса Э.Ф.Видок истеъфога чиқди, унинг бу услубдаги иши издошлари томонидан давом эттирилди.

1840 йил бошларида Париж шаҳар полицияси префектурасида **5 млн.дан** ошиқ жиноятчига нисбатан юритилган махсус «карточка»лар тўпланди. Жиноят содир этган шахсларни фотосуратга олиш ҳам жорий қилинган бўлиб, натижада **80 мингдан ошиқ** жиноятчиларнинг фотосуратлари ҳам йиғилган эди.

Париж шаҳрида криминал полиция ишини айнан шу услубда юритиш 1879 йилгача давом этди. Бу даврга келиб жиноятчилик анча кўпайган, Франциянинг қамоқхоналарида минг — минглаб жиноятчилар жазо ўтаётган эди. Э.Ф. Видок томонидан жорий этилган жиноятчига нисбатан «картотека» юритиш системаси нисбатан маънавий жиҳатдан эскирган эди. 80 минг фотосуратларни ўзаро таққослаб текшириб чиқиш эса кўп вақтни ва анча меҳнат сарфлашни талаб қиларди.

Париж полиция префектураси котиби **А.Бертильон** 1879 йил эрта баҳорида ўзининг хизмат хонасида жиноятчиларнинг шахсига оид маълумотлар тўғрисидаги «карточка»ларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритаётган вақтда ундаги маълумотлар кўп такрорланаётганлигига

алоҳида эътибор берди. Унда жиноятчиларни идентификация қилишнинг янги усулини топиш гоёси пайдо бўлди ва буни бир одамни иккинчи одамдан баъзи кўрсаткичлари, яъни антропометрик белгилари бўйича ажратиш мумкинлиги ҳақидаги усулдан фойдаланиш мумкин деган фикрга келди. У шу мақсадда кўпинча Париж шаҳридаги «Ла Сантэ» қамоқхонасига бориб, шу жойда сақланаётган маҳбусларнинг бўйи, боши, оёқлари, қўллари, кўкрак қафаси узунликларини ўлчаш ва улар ҳақидаги маълумотларни ўзаро таққослаш билан машғул бўлди.

Сўнгра эса у «карточка»ларни ҳисобга олиш услубини ҳам ишлаб чиқди. **Шу тариқа А. Бертильоннинг антропометрик услубига асос солинди.**

Энди бу услубни амалиётга жорий этиш муаммоси турарди, бу вазифани ҳал этиш эса осон кечмади. Чунки А.Бертильоннинг бу янгилик тўғрисидаги биринчи ва иккинчи мурожаатлари Париж шаҳар полиция префектураси шефи томонидан рад қилинган эди. А. Бертильон эса ўзининг севимли бу ишини ҳар куни давом эттираётган эди. У ўз кашфиётининг самарали эканлигини амалда исботлаши лозим эди.

Орадан 3 йил вақт ўтди. 1893 йил февраль ойининг бошида у томондан расмийлаштирилган «карточка»лар сони 1600 тага етди. Февраль ойи охириги кунларининг бирида А. Бертильон қамоқхонада ўзини Дюпон деб таништирган маҳбусни ўлчовдан

ўтказди. Унинг боши айланаси 157 мм., боши эни 156 мм., ўрта бармоғи 114 мм., кичик бармоғи 89 мм. ... эканлиги аниқланди. У шу маҳбуснинг тана тузилиши белгиларини муқаддам текширгандек ва аввал ўқигандек бўлди. У зудлик билан ўзининг «картотека»сини текширишга ўтирди, бир зумда худди юқорида кўрсатилгандек кўрсаткичларга эга бўлган «карточка»ни топди, бу «карточка»да маҳбуснинг фамилияси Мартин деб белгиланган эди ва у 1882 йил 15 декабрь куни ўғрилиқ жиноятини содир этганлиги учун қамалганлиги қайд этилган эди. А. Бертильон хотиржамлик билан маҳбусга «Мен сизни аввал кўрганман, сиз 1882 йил 15 декабрь куни ўғрилиқ жинояти учун қамалган эдингиз, шунда ўзингизни Мартин деб таништирган эдингиз. Сиз Мартинмисиз ёки Дюпон?»—деб сўради. Шунда ўзининг фош этилганлигидан дарғазаб бўлган маҳбус «мен Мартинман, Мартин!»—деб жавоб берди. Эртаси куни эса Париж газеталарида Дюпон (Мартин) иши ҳақидаги эълон ва А. Бертильоннинг янги кашфиёти, яъни антропометрик белгилар бўйича шахсни идентификация қилиш услуги тўғрисидаги хабарлар чоп этилди.

1884 йил давомида А. Бертильон томонидан жами 300 та муқаддам судланган маҳбус идентификация қилинди. **1885 йилда эса бутун Франция бўйича «Бертильонаж» деб шартли ном олган антропометрия услуги амалиётга жорий этилди.** Кейинчалик эса

Бертильон томонидан маҳбусларни фотосуратга олиб, уни маҳбуснинг «карточка»сига елимлаб қўйиш услуги, сўнгра кўрсатувлар бўйича оғзаки портрет тайёрлаш услуги йўлга қўйилди.

А. Бертильон ўзи яратган шу услублардан фойдаланган ҳолда 1891 йил 16 май куни Париж шаҳридаги қабристонлардан бирида кўмилган баронессанинг қабрини очиб, қимматбаҳо буюмларини талон – тарож қилиб олиб кетган, 19 июнь куни эса қария Жак Брюкелни қасддан ўлдириб, 35 минг франк нақд пулини талон – тарож қилган ва бошқа бир нечта ўта оғир жиноятларни содир этган Кёнигштайн – Равашоль деган жиноятчини аниқлаб берганлиги сабабли унинг номи ва услублари бутун дунёга машҳур бўлди.

Шундан сўнг «Бертильонаж» ва кўрсатувлар бўйича оғзаки портрет тайёрлаш услубларидан фойдаланиш бошқа давлатларнинг полицияси хизмат фаолиятига ҳам тўлиқ жорий этилди.

Англиянинг колонияси ҳисобланган Бенгалия (Ҳиндистон) нинг Хутли деб ном олган тоғли туманида Буюк Британия маъмурияти хизматчиси лавозимида ишлаган **Вильям Хершель** томонидан биринчи марта қўл бармоқ изларидан шахсни идентификация қилиш мумкинлиги ғоясига асос солинган эди. У 20 йил давомида хазиначи сифатида ишлаб, Бенгалиялик ёлланган солдатларга ойлик маошларини бериш жараёнида ойлик маошини олганлигини тасдиқловчи далил сифатида бармоқ изларини пул тўлов ведомостларида

бостириб олар эди. Кейинчалик у ҳар бир шахснинг бармоқ излари ўзига хос белгиларга эга эканлигини, бир кишининг бармоқ излари иккинчисининг бармоқ изларига мос келмаслигини билиб олди. Муқаддам судланган жиноятчининг шахсини бармоқ излари бўйича аниқлаш мумкинлиги тўғрисидаги унинг таклифи дастлаб қабул қилинмади.

Худди шу вақтларда Япониянинг Токио шаҳридаги касалхоналардан бирида врач лавозимида ишлаган Шотландиялик **Генри Фульдс** маҳаллий аҳоли томонидан бармоқ излари имзо сифатида қўлланилаётганлигини ўрганиб, бармоқ излари бўйича катта тўплам яратди. Кейинчалик эса полиция ишида бармоқ изларидан фойдаланишни йўлга қўйди. Англияда чоп этилаётган «Табиат» деб номланган журналда бармоқ излари бўйича шахсни идентификация қилиш мумкинлиги тўғрисида мақола билан чиқди.

1891 йилда Лондон халқаро кўргазмасининг асосчиси ҳисобланган **Фрэнсис Гальтон** ҳам ушбу ғояни қўллаб – қувватлаб чиқди ва 1892 йилда «Бармоқ излари» номли асарини чоп этди. 1896 йилда Бенгалияда полиция инспектори бўлиб ишлаган **Эдвард Генри** томонидан бармоқ изларини рўйхатга олиш услуги ишлаб чиқилди.

Шундай қилиб, 1900 йил ноябрь ойида бутун Англияда дактилоскопия услуги амалиётга жорий этилди. 1902 йилда 1700 дан ошиқ рецидив жиноятчилар идентификация қилинди. Шу йилнинг август ойида Лондон

шаҳрида ўғрилиқ содир этилган ҳодиса жойидан бармоқ изи топиб олинди ва дактилоскопия бўлимида ўтказилган текшириш давомида бу бармоқ изи муқаддам судланган Джексонга тегишли эканлиги исботланди. Суд жиноятчи Джексон томонидан ҳодиса жойида қолдирилган бармоқ изини ашъвий далил деб ҳисоблаб, айблов ҳукмини қабул қилишда уни айблов учун асос сифатида кўрсатди.

1905 йил март ойида Лондон газеталарида чоп этилган **«Депфорд кўчасидаги қотиллик»** деб номланган мақола кўпчилиكنинг эътиборини ўзига жалб этди. Номалум жиноятчилар томонидан ўз уйида қария Фарров ва унинг рафиқаси ўта шафқатсизлик билан қасдан пичоқлаб ўлдирилган эди. Лондон шаҳар жиний полиция инспекторлари томонидан ҳодиса жойини кўздан кечириш давомида пул сақланадиган қутичанинг устки силлиқ қисми соҳасида бармоқ изи топилиб, текшириб кўриш учун олинади. Биринчи марта жиноят қурбони бўлган Фарров ва унинг рафиқаси қўлларидан ҳам текшириш учун бармоқ излари намуналари олинган эди. Дактилоскопия бўлимида ўтказилган текшириш давомида ушбу бармоқ изи идентификация қилиш учун яроқли эканлиги, бу из катта бармоқнинг изи эканлиги, жабрланган шахслар томонидан қолдирилмаганлиги аниқланади. Бу бармоқ изи суд тергови жараёнида қотиллик жиноятининг ака — ука Альфред ва Альберт Страттон

томонидан содир қилинганлигини исботлашда муҳим далил сифатида хизмат қилди.

Шундан сўнг дактилоскопия бошқа кўпгина давлатларнинг полиция хизмати томонидан тан олинди ва амалиётда кенг қўлланила бошланди.

Ҳозирги кунда Америка Қўшма Штатлари, Япония, Германия, Англия, Франция, Россия каби ривожланган давлатларда яшовчи аҳоли учун умуммажбурий дактилоскопия жорий этилган бўлиб, полиция идоралари томонидан замонавий компьютер техника воситалари қўлланилиб, автоматлаштирилган дактилоскопик идентификация системасидан кенг қўламда фойдаланилмоқда.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг тезкор—излов ва қидирув соҳасида, тергов идораларининг хизмат фаолиятида, суд амалиётида А.Бертильон томонидан асос солинган услублардан ва дактилоскопиядан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, бедарак йўқолган фуқарони, шахси номаълум мурдани, қидирувда бўлган жиноятчини, шахси номаълум касални, шахси номаълум ёш болани таниб олиш картаси айнан шу услубларга асосланган ҳолда юритилмоқда.

Шунингдек, кўрсатувлар бўйича оғзаки портрет тайёрлаш, компьютерда махсус программа асосида фоторобот яшаш услублари кенг қўлланилмоқда.

Дактилоскопия шахсни идентификация қилишнинг энг самарали ва қулай услуб

эканлигини тергов ва суд амалиёти тўлиқ исботлади. Ўз навбатида, бу услублар қисқа вақт ичида тегишли маълумотларни тўлиқ текшириб кўриб хулоса қилиш имкониятини бермоқда, ўта оғир ва оғир жиноятларни ўз вақтида фош этишда кўмаклашмоқда.

Бир неча йиллардан буён Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси, Қашқадарё, Андижон, Наманган ва Фаргона вилоятлари ИИБ криминалист экспертлари томонидан **«СОНДА»** русумли **автоматлаштирилган дактилоскопик идентификация системаси** («АДИС») дан самарали равишда фойдаланиб келинаётганлиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Яқин келажақда эса бутун Республикамиз бўйича жиноятчиликка қарши кураш билан шуғулланувчи идораларда **Германиянинг «Siemens» фирмаси** томонидан ишлаб чиқилган, замонавий компьютер техника воситаларини қўллаган ҳолда юқорида кўрсатиб ўтилган автоматлаштирилган дактилоскопик идентификация системаси («АДИС») ни жорий этиш ҳамда улардан тергов ва оператив хизмат фаолиятида кенг фойдаланиш режалаштирилган.

Бу эса ички ишлар идоралари жиноят — қидирув тезкор вакилларининг ҳамда тергов ходимларининг ишини янада яхшилаш, хизмат фаолиятларининг янада самаралироқ бўлиши учун хизмат қилади деган умиддамиз.

**Абдувохидов
Холмўмин
Ўроқович**



**Ўзбекистон Республикаси прокуратураси
криминалистика бўлими бошлиғи
адлия маслаҳатчиси**

Қисқача таржимаи ҳоли

Х.У.Абдувохидов 1959 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, олий маълумотли ҳуқуқшунос.

Прокуратура идораларида хизмат фаолиятини 1986 йилда туман прокуратурасининг иш ўрганувчи терговчиси сифатида бошлаган. 1987–1989 йилларда Гагарин тумани прокуратураси терговчиси, 1989–1992 йилларда Сурхондарё вилояти прокуратурасининг криминалист прокурори, 1993–1995 йилларда тергов бошқармаси бошлиғи ўринбосари – жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи, 1995–1998 йилларда Музработ тумани прокурори, 1998 йилда вилоят прокуратурасининг криминалист прокурори, 1999–2000 йилларда Республика прокуратураси криминалистика бўлими прокурори бўлиб ишлаган.

2001 йил апрель ойидан бошлаб криминалистика бўлими бошлиғи лавозимида ишда келмоқда.

Криминалистика бўлими ишини ташкил этишнинг хусусиятлари

Ўзбекистон Республика прокуратураси тергов Бош бошқармасининг криминалистика бўлими 1993 йил октябрь ойида ташкил этилган эди. Бўлим ходимларининг хизмат фаолияти Республика Бош прокурорининг 1994 йил 31 январь кунги «Ўзбекистон Республика прокуратураси криминалистика бўлими ва қуйи тармоқ криминалист прокурорлари фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги 14-сонли буйруғи ҳамда «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси криминалистика бўлими ва қуйи тармоқ криминалист прокурорлари тўғрисида»ги Низом талаблари бўйича тартибга солинади. Криминалистика бўлимининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Прокурор — тергов ходимларининг касб маҳорати ва малакасини ошириш юзасидан жиноятларни тергов қилиш бўйича тегишли услубий тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш учун қуйи тармоқ криминалист прокурорларига юбориш.

2. Замонавий фан ва техника ютуқларини, республикамиз ҳамда хорижий давлатлардаги тергов юритишнинг илғор тажрибаларини мунтазам равишда ўрганиш

ҳамда уларни амалиётда кенг қўллаш учун жорий этиш.

3. Прокуратура идораларидаги мавжуд криминалистика техника воситаларининг ҳисобини юритиш ҳамда уларни зарур техника воситалари билан таъминлаш чораларини кўриш.

4. Прокуратура идораларида тергов амалиётида қўллаш учун зарур бўлган криминалистика техника воситалари билан таъминлаш хусусида таклифлар киритиш, уларни сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш устидан назорат олиб бориш.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар, Ўзбекистон транспорт ва ҳарбий прокуратуралар криминалист прокурорларининг иш фаолиятини уларга амалий ва услубий ёрдам берган ҳолда текшириб, назорат қилиб бориш.

6. Республика прокуратураси марказий маҳкамаси томонидан юритилаётган жиноят ишлари бўйича услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш.

7. Прокуратура идораларида компьютер қўлланилишини кенг жорий қилиш ҳамда прокурорлик назорати ва дастлабки терговга оид махсус компьютер дастурларини ишлаб чиқиш, уларни амалиётга жорий этиш.

8. Х.Сулаймонова номидаги Республика илмий – тадқиқот криминалистика маркази ва бошқа суд экспертизаси муассасалари билан ўзаро ишчан ҳамкорликда бўлиб, улар билан биргаликда экспертиза тайинлаш ва ўтказиш

масалаларига оид янгиликлар асосида илмий тавсия ва қўлланмалар ишлаб чиқиб, уларни тергов амалиётига жорий этиш.

9. Тергов жараёнида криминалистика техника воситаларини ва илмий тавсияларни қўллашга оид, криминалист прокурорлар фаолияти билан боғлиқ масалаларни Республика прокуратурасининг ҳайъат мажлисига муҳокама қилиш учун киритиш ҳамда тегишли чора – тадбирлар кўриш.

10. Жиноятчиликнинг тегишли турлари бўйича аҳволини таҳлил қилиш, айрим туркум масалалар бўйича умумлаштириш ўтказиш ҳамда тегишли ахборотларни тайёрлаш. Жиноятларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни белгилаш таклифи билан чиқиш.

11. Республика прокуратурасининг қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор – тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази билан ҳамкорликда бўлиб, ишлаб чиқилган илмий тавсия ва қўлланмаларни амалиётга жорий қилиш чораларини кўриш.

Бўлим бошлиғи ҳамда бўлимнинг катта прокурори ва прокурори юқорида кўрсатилган, ўзларига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ваколатларга эга:

1. Терговнинг аҳволини ўрганиш ва уни йўналтириш юзасидан ёзма кўрсатмалар бериш ва умумлаштириш ўтказиш мақсадида қуйи прокуратура идораларидан жиноят ишларини, жиноят иши қўзғатиш рад қилинган

материалларни, текшириш ҳужжатларини талаб қилиб олади.

2. Қуйи прокуратура идораларидан жиноятчилик ва унинг олдини олиш аҳволи, тергов юритиш ҳамда криминалистика техника воситаларидан фойдаланиш, баъзи жиноят ишларининг терговига оид маълумотларни ва ахборотларни олиб тўплайди.

3. Прокуратура идораларида криминалистика техника воситалари, илмий тавсиялардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиб боради, уларни сақлашга доир ҳисоботларни юритади ва назорат қилиб боради.

4. Янги тайинланган криминалист прокурорларни ва мутахассисларни бўлимда иш ўрганишдан ўтказган ҳолда уларга ишни ташкил этиш юзасидан амалий ва услубий ёрдам кўрсатади.

5. Қуйи прокуратураларга тергов амалиёти, криминалистика техника воситалари, илмий тавсия ва қўлланмалардан фойдаланишга оид масалаларни таҳлил қилиш, ўрганиш ва умумлаштириш хусусида топшириқлар беради.

6. Қонунчиликни такомиллаштириш ва ҳуқуқ тарғиботи ишида иштирок этади.

7. Қуйи тармоқ криминалист прокурорлари ва мутахассисларнинг фаолиятига оид Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва ўринбосарлари буйруқ ва кўрсатмаларининг бажарилишини жойларда амалий ёрдам кўрсатган ҳолда текширади.

8. Жиноят ишлари бўйича қонунсиз

қарор қабул қилинганлигини аниқлаган ҳолларда «Прокуратура тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонуни бўйича тергов Бош бошқармаси прокурорларига берилган ваколатлардан тўла фойдаланган ҳолда тегишли қонуний чоралар кўради.

Ҳозирги кунда криминалистика бўлимида бўлим бошлиғи, бўлим катта прокурори ва прокурори, бўлимнинг етакчи мутахассиси, 1-даражали мутахассис ва хизмат автомашинаси ҳайдовчисидан иборат **6 нафар ходим** фаолият кўрсатмоқдалар. Уларнинг фаолияти юқорида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 14-сонли буйруғи ва Низом талабларига кўра, республика прокуратураси, тергов Бош бошқармаси ва бўлимнинг иш режалари, вазифалар тақсимооти бўйича соҳа – минтақавий иш услуби асосида тўғри ташкил этилган. Бўлим ўз ишини марказий маҳкаманинг барча таркибий тармоқлари, ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлири, судга оид экспертиза муассасалари, республика Ички ишлар ва Адлия вазирликлари ҳамда бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликда, мувофиқлаштирилган ҳолда юритмоқда.

Криминалистика бўлими томонидан 2000 йилда ва 2001 йилнинг 6 ойида республика прокуратурасининг ҳайъат йиғилиши қарорлари, иш режалари, «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ва ички ишлар идораларининг қасддан одам ўлдириш ва номусга тегиш жиноятларининг олдини олиш,

фош этиш ва дастлабки терговнинг самарадорлигини яхшилаш юзасидан 1996—2000 йилларга мўлжалланган ҳамкорликдаги ҳаракат «Дастури»нинг ижроси тўлиқ таъминланган.

Бўлим ходимлари томонидан Республика прокуратураси тергов Бош бошқармасининг режаси асосида 2000 йил 1—ярмида прокурор—тергов ходимлари томонидан криминалистика техника воситаларини қўллаш, экспертизалар тайинлаш ва ўтказиш амалиёти Андижон, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларига чиққан ҳолда ҳамда 2000 йил 2—ярмида эса ЎзР Бош прокурорининг «Тергов амалиёти» тўпламини чоп этиш ҳақидаги 1994 йил 26 август кунги 22—5 сонли Кўрсатмаси ижроси юзасидан Сирдарё ва Навоий вилоятларига чиқиб текширишлар ўтказилган. 2001 йилнинг февраль—март ойларида «Қасддан одам ўлдириш ва номусга тегиш жиноятларининг олдини олиш, фош этиш ҳамда тергов самарадорлигини яхшилаш юзасидан 1996—2000 йилларга мўлжалланган Дастур» ижроси ўрганилган.

Мазкур масалалар Республика бўйича умумлаштирилиб, уларнинг натижаси юзасидан эса **2 та ахборот хати ва 1 та йўналтирувчи хат** тайёрланиб, жойларга юборилиб, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилган.

Юборилган топшириқлар криминалист прокурорлар томонидан ўз вақтида, сифатли ижро этилган. Улар томонидан ижро ва меҳнат

интизомларини бузиш ҳолатларига йўл қўйилмаган. Бўлим катта прокурори ва бўлим прокурори белгиланган режавий тадбирларни, раҳбарият топшириқларини ҳамда вазифалар тақсимоти бўйича соҳа – минтақавий иш услуби бўйича юкланган вазифаларни бажаришда алоҳида фаоллик кўрсатдилар. Улар бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи билан рағбатлантирилганлар.

Шу даврда республикаси прокуратураси ҳайъат мажлисларининг ижроси бўлим ходимлари томонидан тўлиқ таъминланган.

Фош этилмаган қотиллик ва зўрлаб номусга тегиш жиноятлари юзасидан мунтазам таҳлилий статистик ҳисоботлар юритиб борилмоқда, жойлардан келиб тушаётган маълумотлар тегишли тартибда йиғма жилдларда тикиб борилган.

Амалга оширилган тегишли чора – тадбирлар натижасида 2000 йилда ва 2001 йилнинг 1 – ярми қасддан одам ўлдириш жиноятларининг фош этилиши кўрсаткичлари аввалги йилларга нисбатан яхшиланишига эришилди. Жумладан, 1996 йилда 1166 тадан 107 **(9,1 фоизи)** та, 1997 йилда 1063 тадан 94 **(8,8 фоизи)** та, 1998 йилда 1083 тадан 113 **(10,4 фоизи)** та, 1999 йилда 1038 тадан 98 **(9,4 фоизи)** та қотиллик жиноятлари фош этилмасдан қолган бўлса, 2000 йилда эса 1080 тадан 97 **(8,9 фоизи)** та қотиллик жинояти фош этилмасдан қолган.

2001 йилнинг 1 – ярмида 503 та қасддан одам ўлдириш жиноятлари содир этилган бўлиб, шундан 36 таси, яъни **7,1 фоизи** (2000 йил 1 – ярмида 494 та қотилликнинг 51 таси ёки **10,3 фоизи**) фош этилмасдан қолган. Бу даврда мазкур соҳадаги кўрсаткичларнинг нисбатан яхшиланишига эришилган.

Жорий йилнинг 6 ойида 248 та номусга тегиш жинояти содир этилиб, бу кўрсаткич 2000 йилнинг шу даврига (230 та) нисбатан кўпайган. Бу даврда 3 та номусга тегиш (2000 йил 1 – ярмида 4 та) жинояти фош этилмаган.

Бўлимда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари томонидан 2000 йил 26 январь куни тасдиқланган Кўрсатма талаблари бўйича Республикамизда содир этилган ва фош этилмасдан қолаётган қасддан одам ўлдириш ва номусга тегиш жиноятлари ҳақидаги тезкор маълумотларнинг ҳар чорақда қуйи тармоқ криминалист прокурорларидан олинishi таъминланган. Бу тезкор маълумотлар махсус компьютер хотирасида жойланиб, **маълумотлар базаси** яратилган. Натижада Республикамиз бўйича содир этилган қасддан одам ўлдириш ва номусга тегиш жиноятлари бўйича ўз вақтида тегишли ташкилий чора – тадбирлар кўриш, икки ёки ундан ортиқ фуқаролар жиноят қурбони бўлган ҳолатларда бўлим ходимларининг ҳодиса жойига чиққан ҳолда амалий – услубий ёрдам беришини ташкил этиш, фош этилмасдан қолаётган ўта оғир жиноятлар ҳақида қисқа вақт давомида

тезкор маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш имкониятлари яратилган.

Республика прокуратураси раҳбарияти томонидан криминалист прокурорларни замонавий криминалистика техника воситалари билан таъминлаш чора — тадбирлари кўрилмоқда.

Хусусан, вилоят ва унга тенглаштирилган прокуратуралар криминалист прокурорлари ихтиёрида Германияда ишлаб чиқарилган «**Мерседес-Бенц**» русумли хизмат автомашинаси негизида кўчма криминалистика лабораториялари, видеотасвирга олиш учун мўлжалланган замонавий видеотехника аппаратуралари мавжуд бўлиб, улардан тергов амалиётида кенг фойдаланилмоқда.

2000 йил июнь ойида республика прокуратураси раҳбарияти ташаббуси билан криминалистика бўлими ва барча қуйи тармоқ криминалист прокурорлари 2 та портфелдан иборат бўлган, Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган «**Следопыт-6**» русумли универсал криминалистика комплекти, «**Сони-М 88**» русумли кичик ҳажмли диктофон, «**Зенит-6**» русумли фотокомплект, аккумуляторли прожектор, автомобилда фойдаланиш учун мўлжалланган прожектор ва фонардан иборат бўлган ёритиш фоситалари тўплами билан таъминландилар.

Бундан ташқари, республика прокуратура идораларидаги криминалистика техника воситаларининг ҳисобларини юритишни осонлаштириш мақсадида улар

тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар бўлимдаги махсус компьютернинг хотирасида жойланган.

Бўлим ходимлари томонидан 2000 йил давомида **жами 31 марта**, 2001 йил 6 ойида эса 29 марта ҳодиса жойларига чиққан ҳолда ҳодиса жойини кўздан кечириш ва бошқа муҳим тергов ҳаракатларини ўтказишда, тезкор – қидирув ишларини малакали ташкил этишда, дастлабки тергов жараёнида криминалистика техника воситаларини қўллашда жойлардаги терговчиларга амалий ва услубий ёрдамлар кўрсатилган. **Натижада 2000 йилда 10 та, 2001 йил 6 ойида эса 13 та қотиллик жиноятлари фош этилган.** Жумладан, шу даврда бўлим бошлиғи томонидан Тошкент, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳри прокуратураларига чиққан ҳолда, бўлим катта прокурори ва прокурори томонидан Андижон, Фарғона, Хоразм, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё, Андижон вилоятларига, Тошкент шаҳрига чиққан ҳолда тегишли прокурор – тергов ходимларига амалий ва услубий ёрдамлар кўрсатилган.

Бўлим ходимларининг фаол иштирокида 17.02.2000 йилда Андижон шаҳрида опа – сингил Мамажоноваларнинг қасддан ўлдирилганлиги ва 20.02.2000 йилда Андижон шаҳрида эри – хотин Холдаровларнинг қасддан ўлдирилганлиги ҳақидаги жиноятлар, 26.02.2000 йилда Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида фуқаро О.Абдурахимованинг босқинчилик йўли билан қасддан

ўлдирилганлиги, Н.Абдурахимов ва М.Абдурахимовага нисбатан қасддан ўлдиришга суиқасд қилинганлиги тўғрисидаги жиноятлар, Самарқанд шаҳрида «Шарифбобо» хусусий дўкони ер тўласида табиий газ портлаши туфайли 7 кишининг ўлганлиги ҳақидаги жиноят, Самарқанд вилояти Ургут туманида фуқаро А. Умурзақов ва С.Эргашеванинг қасддан ўлдирилганлиги ҳақидаги жиноятлар, Тошкент вилоятида М.Садиковнинг қасддан ўлдирилганлиги ва М.Садиковнинг ҳаётига суиқасд қилинганлиги ҳақидаги жиноят, Тошкент шаҳри Сирғали туманида фуқаро Солиева ва ўғлининг қасддан ўлдирилганлиги, М.Улуғбек туманида Мирзаевлар оила аъзоларининг қасддан ўлдирилганлиги, Андижон вилояти Хўжаобод туманида Абдувоҳидовлар оила аъзоларининг қасддан ўлдирилганлиги, Бухоро шаҳрида 6 та номаълум шахсларнинг мурдалари қисмларга ажратилиб бўлакланган ҳолда топилганлиги ҳақидаги, **2001 йилнинг 1-ярмида эса** Тошкент шаҳрида эри – хотин Калашниковларнинг қасддан ўлдирилганлиги, Хоразм вилоятида Абдуллаевлар оила аъзолари қасддан ўлдирилганлиги, Қашқадарё вилоятида 4 та қотиллик жинояти ва бошқа бир нечта мавҳум ҳолатларда содир этилган ўта оғир жиноятлар фош этилган.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2000 йил июль ойидан бошлаб бўлим ходимлари томонидан Тошкент вилояти ҳудудида содир этилган 5 та хотин – қизларнинг

қотиллиги жинояти бўйича амалий ёрдам бериш ташкил этилган. Бўлим ходимларининг ташаббуси билан бу қотиллик жиноятларининг ўз вақтида фош этилиши таъминланган.

Фош этилмаган қасддан одам ўлдириш ва номусга тегишга тааллуқли жиноят ишлари тезкор—излов йиғма жилдлари билан биргаликда доимий равишда ўрганилиб, бу турдаги жиноятларни фош этишга қаратилган тегишли чора—тадбирлар кўриб борилмоқда. Жумладан, 2000 йилда бўлим ходимлари томонидан **46 та** жиноят иши тезкор—излов йиғма жилди билан биргаликда ўрганилиб, уларнинг **9 таси** бўйича терговни тўхтатиш ҳақидаги асоссиз қарорлар бекор қилинган, **37 таси** бўйича ёзма кўрсатмалар берилган. Тезкор—излов йиғма жилдлари юзасидан эса **28 та** кўрсатма берилиши таъминланган. **2 та** материал ўрганилиб, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги қарорлар бекор қилиниб, қўшимча текшириш учун юборилган.

2001 йилнинг 1—ярмида эса жами **63 та** жиноят иши тезкор—излов йиғма жилди билан биргаликда ўрганилиб, **62 та** жиноят иши бўйича ва **46 та** тезкор—излов йиғма жилди бўйича ёзма кўрсатма берилган, **1 та** асоссиз қарор бекор қилинган. Асосли ва тўғри берилган ёзма кўрсатмалар асосида **9 та** қотиллик жинояти фош этилган.

Хусусан, бўлим томонидан 2001 йил 11 январь куни берилган ёзма кўрсатма асосида Зангиота туманида 2000 йил 27 сентябрь куни шахси номаълум аёлнинг

мурдаси топилганлиги ҳолати юзасидан қўзғатилган жиноят иши бўйича жиноят қурбони бўлган аёлнинг шахси аниқланиб, бу ўта оғир жиноят фош этилган.

Фош этилмаган қасддан одам ўлдириш ва номусга тегишга тааллуқли жиноят ишлари тезкор — излов йиғма жилдлари билан биргаликда доимий равишда ўрганилиб, бу турдаги жиноятларни фош этишга қаратилган тегишли чора — тадбирлар кўриб борилмоқда. Жумладан, 2001 йил 20 январь куни Тошкент вилоятида, 23 январь куни Қорақалпоғистон Республикасида, 17 апрель куни Қашқадарё вилоятида, 27 апрель куни Фарғона вилоятида содир этилиб, фош этилмасдан қолаётган қотилликка оид жиноят ишлари ва тезкор излов йиғма жилдлари бўлимда ва прокуратура идораларида терговни назорат қилиш бошқармасида биргаликда ўрганилиб, шу бошқарма бошлиғи ҳузуридаги тезкор йиғилишда муҳокама қилинган. Бажарилиши лозим бўлган тергов ҳаракатларини ўтказиш ва тегишли тезкор — излов ишларини амалга оширишни ташкил этиш ҳақида ёзма кўрсатмалар берилган.

Бўлимнинг мутахассислари 2000 йилда 235 марта, 2001 йилнинг 1 — ярмида эса 112 марта тергов ҳаракатлари ўтказилишида фаол иштирок этишиб, улар томонидан 171 (61) марта видеокамера ва 116 (58) марта фотоаппарат қўлланилган ҳолда марказий маҳкаманинг жиноятларни тергов қилиш бошқармаси, иқтисодий жиноятчилик ва

коррупцияга қарши кураш Бош бошқармаси ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятда коррупция, талон — тарож ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш бошқармаси терговчиларига амалий ёрдамлар кўрсатилган. Улар томонидан жами **1225 (748) дона** фотосуратлар тайёрланган.

Республика прокуратураси идораларида дастлабки терговнинг сифати ва самарадорлигини ошириш криминалистика бўлимининг **энг асосий вазифаларидан бири** сифатида қаралмоқда.

Бўлим ходимлари томонидан прокурор — тергов ходимларининг касб билими ва маҳоратини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлган **«Тергов амалиёти»** тўпламининг **20 ва 21-сонлари** тайёрланиб, хизмат доирасида фойдаланиш учун жойларга юборилган. Мазкур тўпламларда тергов юритишнинг илғор тажрибалари, амалга оширилган ижобий ишлар, айрим тергов ҳаракатларини ўтказишнинг усул ва услублари, криминалистика техника воситаларини қўллаш усуллари, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш масалалари доимий равишда ёритиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Республика прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор — тергов ходимлари малакасини ошириш Марказида тегишли прокурор — тергов ходимларининг касб билими ва маҳоратини, малакасини ошириш юзасидан тасдиқланган режалар асосида белгиланган

мавзуларда жами 12 та ўқув – амалий машғулотлари ўтказилган. Бўлим катта прокурорлари томонидан Республика ҳарбий прокуратураси криминалист прокурорлари иштирокида, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари прокуратуралари идоралари терговчилари иштирокида терговнинг долзарб мавзуларида ўқув – амалий машғулотлари ўтказиш ташкил этилган.

Бўлим ходимлари томонидан шу даврда жами 5 та услубий қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, улардан Республика прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор – тергов ходимлари малакасини ошириш Марказида тингловчиларнинг касб билими ва маҳоратларини ошириш бўйича ўқув – амалий машғулотларини ўтказишда фойдаланиш йўлга қўйилган. Булар қуйидагилардир:

1. «Терговчининг криминалистика комплекти»дан фойдаланиш юзасидан қўлланма.

2. Қасддан одам ўлдириш ва номуста тегиш жиноятлари содир этилган ҳодиса жойини кўздан кечиришга тайёргарлик кўриш бўйича терговчи учун эслатма.

3. «Одам ДНК бўйича суд биология экспертизаси ўтказишни тайинлаш тактикаси юзасидан услубий қўлланма».

4. «Мавҳум ҳолатларда содир этилган қасддан одам ўлдириш жиноятлари бўйича видеокамера қўлланган ҳолда ҳодиса жойини

ва мурдани куздан кечириш юзасидан қўлланма».

5. «Фуқаронинг бедарак йўқолганлик ҳолати билан боғлиқ ариза ва хабарларни текширишда қонунийликни таъминлаш юзасидан услубий тавсиялар».

Бундан ташқари, малака ошириш Маркази ва прокуратура идораларида терговни назорат қилиш бошқармаси билан ўзаро ҳамкорликда «Ўқув – амалий машғулотларининг намунавий матнлари» деб номланган китоб тайёрланиб чоп этилди ва жойларга хизмат доирасида фойдаланиш учун тарқатиб берилди.

Шу даврда бўлим ходимлари ҳодиса жойини кўздан кечириш мавзусига оид **1 та** ўқув – амалий ҳужжатли фильмни тайёрладилар.

2000 йил давомида криминалистика бўлимида **6 та** криминалист прокурорлар, 2001 йил 1–ярмида эса **6 та** криминалист прокурорлар иш ўрганишдан ўтказилиб, улардан синов қабул қилинган.

Шу даврда бўлим бошлиғи томонидан жами **6 та**, 2001 йил 1–ярмида эса **5 та** криминалист прокурорларга яқка тартибда касб билими ва маҳоратини ошириш юзасидан шахсий топшириқ юборилиб, бўлимда улардан синов қабул қилиш ташкил этилган.

Бўлим бошлиғи ва бўлим прокурори 2000 йилнинг февраль – март ойларида АҚШнинг Луизиана штатидаги полиция академиясида 2 хафта хизмат сафариди

бўлишиб, ўз касб билимлари ва маҳоратларини оширдилар.

2000 йилда бўлим ходимлари марказий маҳкаманинг прокуратура идораларида терговни назорат қилиш бошқармаси ходимлари билан биргаликда «**Прокурор тергов ходимлари кун**и ўтказилишини ташкил этиш тўғрисида»ги **Кўрсатмаси лойиҳасини** ишлаб чиқишда фаол иштирок этдилар. Мазкур Кўрсатма Республика Бош прокурори томонидан 2000 йил 15 сентябрь кун

и қабул қилиниб, жойларга ижро этишлик учун юборилди.

Ушбу Кўрсатманинг ижросини таъминлаш борасида эса 2000 йилда бўлим ходимлари томонидан **4 та** ўқув – амалий машғулотларининг намунавий матнлари ишлаб чиқилди ва тергов амалиётида фойдаланиш учун жойларга тарқатилди.

Криминалистика бўлими ходимлари томонидан шу даврда қонунларни тушунтириш ва ҳуқуқ тарғиботи борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, бўлим ходимлари томонидан одамлар ўлимига сабаб бўлган фавқулодда ҳодисалар ва воқеалар бўйича, қасддан одам ўлдириш жиноятлари юзасидан амалий ёрдам бериш учун жойларга чиқилган ҳолатларда фуқаролар билан 2000 йилда **5 та**, 2001 йил 1 – ярмида **12 та суҳбат** ўтказилиб, қонунларни тушунтириш ишлари олиб борилган.

2000 йилнинг июль ойида Республика телевидениесининг «Қонун ҳимоясида»

кўрсатуви учун бўлим ходимлари томонидан вилоят ва унга тенглаштирилган прокуратура идораларига хизмат фаолиятида фойдаланиш учун тарқатиб берилган янги криминалистика техника воситалари ва уларнинг аҳамияти тўғрисида махсус кўрсатув тайёрланди ва намойиш қилинди. Шунингдек, бўлим бошлиғи томонидан «Терроризмга қарши кураш» мавзусида ЎзР телевидениесининг «Ахборот» ва «Таҳлилнома» кўрсатувларида ва РТР телевидениесининг «Вести» ва Панорама» кўрсатувларида **4 та**, жами эса **5 марта** телевидение орқали чиқишлар ташкил этилган. Бўлим ходимлари «Тажовуз» номли ҳужжатли фильмни тайёрлашда фаол иштирок этдилар.

2000 йилнинг 2-ярмидан бошлаб ҳар ойда бир марта ЎзР телевидениеси орқали «Қонун ҳимоясида» кўрсатувини бўлимдаги махсус «видеомонтаж» техника воситалари ёрдамида тайёрлаш йўлга қўйилди. Ушбу махсус кўрсатувни тайёрлашда бўлим ходимлари фаол иштирок этмоқдалар.

Ҳисобот даврида бўлим ходимлари томонидан рўзнома ва журналларда 2000 йилда жами **9 та**, 2001 йилнинг 1-ярмида эса **2 та** мақолалар эълон қилиниши ташкил этилди. Жумладан, бўлим ходимлари томонидан тайёрланиб, «Ҳуқуқ» рўзномасида чоп этилган «Ёлланган қотил», «Ихтилоф» номли мақолалари, «Қонун ҳимоясида» журналарида чоп этилган «Криминалистика ҳақиқат ва адолат тантанаси хизмати йўлида», «Содир қилинган жиноят учун жазо муқаррардир» номли

мақолалари катта қизиқиш билан ўқилмоқда. Бўлим бошлигининг эса «Время и мы» рўзномасида «Ҳаётни янгидан бошлаш имкониятлари», «Одам ДНКси бўйича суд биология экспертизаси», «Халқ сўзи» рўзномасида «Прокуратура айбномаси», «Ҳуқуқ» рўзномасида «Терроризм — умуминсоният душмани», «Молодёжь Узбекистана» рўзномасида эса «Роковой билет» номли бир қатор мақолалари эълон қилинган. Шунингдек, «РИА Новости» агентлигининг мухбири билан биргаликда «Ўзбекистонда терроризмга қарши кураш» мавзусида жаҳоннинг **123 та** давлатидаги рўзномаларда мақола эълон қилиниши ташкил этилган.

Бўлим бошлиғи «Диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг айрим хусусиятлари» сарлавҳали амалий қўлланмани тайёрлашда фаол иштирок этди.

Бўлим ходимлари «Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги» ва «Прокуратура тўғрисидаги», «ЎзР ЖПК, ФПК, ХПКга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги» ва бошқа бир нечта ЎзРнинг янги таҳрирдаги қонунлари лойиҳаларини тайёрлашда фаол иштирок этишганлар.

Сўнгги пайтларда ваҳҳобийлик, «Ҳизбут — таҳрир» ва бошқа диний — сиёсий экстремистик оқимлар тарафдорлари томонидан мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган жиноий ҳаракатлар содир этилаётганлиги

муносабати билан, раҳбарият топшириги асосида уларга оид барча жиноят ишлари, айбланувчилар тўғрисидаги маълумотлар ва ахборотлар ўрганилиб, тўлиқ умумлаштирилган. Улар тўғрисидаги барча керакли маълумотлар фотосуратлари билан биргаликда доимий равишда бўлимдаги махсус компьютер хотирасида жойланиб борилмоқда. Ҳозирги кунда бўлимда бу соҳа бўйича **махсус компьютер дастури** ишлаб чиқилган. Шунингдек, бўлим ходимлари томонидан бир нечта махсус масштабли схемалар, рангли фотожадваллар, диний террористик оқим тарафдорларининг анкета маълумотлари ҳам тайёрланган.

Республика миқёсида кенг жамоатчилик диққат марказида бўлган Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудларида диний экстремистлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича қўзғатилган жиноят ишлари юзасидан, Самарқанд шаҳридаги «Зарафшон – Калифорния» қўшма корхонаси раҳбарларига тегишли бўлган, «Ўзнефтваз» концерни раҳбар ходимларига тегишли бўлган, Бухорода содир этилган 6 та фуқаронинг қотиллиги жинояти бўйича жами **8 та** жиноят ишлари бўйича ишни ташкил этиш учун бўлим ходимлари жорий йилнинг бошидан буён жалб этилганлар. Улар Республика прокуратураси раҳбарияти томонидан ташкил этилган штабда доимий равишда фаолият кўрсатмоқдалар.

Республика прокуратураси раҳбарияти топшириғи асосида Тошкент вилояти ҳудудида содир этилган фуқаро Т.Н.Наджаева ва 4 та хотин – қизларнинг қасддан ўлдирилганлиги билан боғлиқ **жиноят ишининг** мураккаблиги ва ўта долзарблиги ҳисобга олиниб, бу жиноятларни фош этишлик бўлим ходимларига топширилган. Бу иш юзасидан 3 ой давомида дастлабки тергов олиб борилган. Тергов жараёнида **214 та** бедарак йўқолган шахсларга нисбатан қидирув иши, **66 та** шахси номаълум мурда топилганлиги бўйича жиноят иши қўзғатиш рад этилган материал, **86 та** тезкор – излов йиғма жилдлари, фош этилмасдан қолган **32 та** қотиллик ва **18 та** номуста тегиш билан боғлиқ жиноят ишлари, **1313 та** Тошкент вилояти бўйича, **476 та** Тошкент шаҳри бўйича суд тиббий экспертиза хулосалари ўрганилган. Тергов жараёнида **7 та** эксгумация ўтказилиши таъминланган. **200 та** наркоман, **150 та** муқаддам судланган, **40 та** руҳий касал, **30 та** қўшмачи, **30 та** гомосексуалист ва **2300 та** шахсларнинг, **500 та** киракашлик билан шуғулланувчи автомашина ҳайдовчиларининг, **202 та** операция бўлган аёлларнинг, уяли телефонлар бўйича **410 та** шахснинг, жабрланувчилар телефонлари бўйича **290 та** шахсларнинг мазкур жиноятларга алоқаси бор – йўқлиги текшириб кўрилган.

Жуда кўп ҳажмли тергов ҳаракатлари ва тезкор – излов ишларининг ўтказилиши, барча ишлар биргалиқда ишлаб чиқилиб, тасдиқланган режа асосида амалга

оширилганлиги натижасида узоқ вақт давомида очилмасдан қолган **6 та** қотиллик жиноятлари ҳамда фуқаро В.Максимова, Л.Кузнецова ва Бектемир туманида шахси номаълум аёлнинг ўлими ҳолати билан боғлиқ жиноят иши қўзғатиш рад қилинган материаллар юзасидан қарорлар бекор қилиниб, бу **3 та** қотиллик жиноятларининг ҳам фош этилиши таъминланди. Тергов ва тергов гуруҳлари томонидан кўп серияли номусга тегиш ва қотиллик жиноятларини содир этиш билан доимий равишда шуғулланган фуқаро Б.Эгамбердиев аниқланиб, у ишда айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортилган.

Дастлабки тергов давомида унинг бу ўта оғир жиноятларни содир этганлигини тасдиқловчи, жиноят қурбони бўлган фуқароларга тегишли бўлган сумка, тилло тақинчоқлар, бошқа буюмлар топилиб, текшириб кўришлик учун олинган.

Тергов жараёнида **200 га** яқин турли хилдаги экспертизаларнинг ўтказилиши ва сифатли хулосалар олинishi таъминланган.

Шунингдек, тергов жараёнида **21 млн.** сўмлик товарлар божхона қоидалари бузилган ҳолда қонунсиз равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кирилганлиги жинояти аниқланиб, алоҳида иш юритишликка ажратилган ва жиноят иши қўзғатилган.

Тергов натижаси бўйича жами **9 та** ўта оғир жиноятлар фош этилган. 2001 йил 2 январь куни мазкур жиноят иши Республика прокуратураси раҳбарияти топшириғи билан

кейинги терговни олиб бориш учун жиноятларни тергов қилиш бошқармасига ўтказиб берилган.

Мазкур жиноят иши айблов хулосаси билан мазмунан кўриш учун Тошкент вилояти судига юборилган. Суднинг айблов ҳукми билан Б.Эгамбердиев **9 та** қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганликда айбдор деб топилиб, унга ўлим жазоси берилган.

Қуйи прокуратураларда фаолият кўрсатаётган криминалист прокурорларнинг олдига қўйилган вазифаларни лозим даражада бажарилиши юзасидан уларга амалий ва услубий ёрдамлар кўрсатилган ҳолда ишларни буйруқ ва Низом талаблари даражасида ташкил этиш талаб этилмоқда. Шу даврда улар томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган.

Жумладан, қуйи тармоқ криминалист прокурорлар томонидан ўтган 2000 йилда **421 марта** ҳодиса жойига чиқиш, **414 та** жиноят иши юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатиш, **202 марта** ўқув – амалий машғулотлари ўтказиш, **237 та** терговчиларга шахсий топшириқ бериш ва синов қабул қилиш, **108 та** терговчини иш ўрганишдан ўтказиш ташкил этилган.

Шу даврда улар томонидан **270 та** жиноят ишлари ўрганилиб, терговни тўхтатиш ҳақидаги **63 та** асоссиз қарорлар бекор қилинган, **217 та** иш юзасидан тегишли ёзма кўрсатмалар берилган. Жами **32 та** жиноят иши қўзғатиш рад этилган материаллар

ўрганилиб, **5 та** асоссиз қарорлар бекор қилинган, **26 та** ёзма кўрсатма берилиши таъминланган.

Республика прокуратура идораларининг прокурор – тергов ходимлари томонидан жами **17415 та** судга оид экспертизалар ўтказилган. Тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида **7809 та** ҳолатларда тегишли мутахассислар жалб этилган. **9167 та** ҳолатда фотосуратга олиш, **2481 та** ҳолатда видеотасвирга олиш, **1699 та** ҳолатларда изларни олиш таъминланиб, жами **13004 та** тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида тегишли криминалистика техника воситаларини қўллаш таъминланган.

Қуйи тармоқ криминалист прокурорларнинг фаол иштирокида мавҳум ҳолатларда содир этилган юзлаб қасддан одам ўлдириш, номусга тегиш каби жиноятларнинг фош этилиши таъминланган.

Айниқса, ўтган йилларда содир этилиб, фош этилмасдан қолган ўнлаб қасддан одам ўлдириш жиноятларининг фош этилиши таъминланганлиги мақтовга сазовардир. 2000 йилда **11 та**, 2001 йилнинг 1 – ярмида эса **6 та** ана шундай қотиллик жиноятлари фош этилган.

Хусусан, жорий йилнинг 1 – ярмида Қашқадарё вилоятида номаълум шахслар томонидан 1997 йилда содир этилган фуқаро В.Алексеевнинг қасддан ўлдирилганлиги жинояти фош этилди.

Тошкент вилояти прокуратураси тергов бошқармаси ходимларининг ташаббуси билан эса фуқаро Г.Фармонова ва унинг жиной

шериклари томонидан бир нечта қасддан одам ўлдириш жиноятларининг фош этилиши таъминланди.

Бу соҳада Жиззах вилояти ва Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганлиги намуналидир.

Юқорида кўрсатилган самарали натижаларга ва муваффақиятларга криминалистика бўлимнинг ва қуйи тармоқ криминалист прокурорларининг иши тўғри ташкил қилинганлиги натижасида эришилган. Криминалистика бўлими ва қуйи тармоқ криминалист прокурорларнинг хизмат фаолиятида баъзи жузъий камчиликлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни ўз вақтида бартараф этиш чора — тадбирлари кўриб борилмоқда.

**Баймуханов
Зайнула
Биянович**



**Ўзбекистон Республика прокуратураси
криминалистика бўлими
катта прокурори
адлия катта маслаҳатчиси**

Қисқача таржимаи ҳоли

З.Б. Баймуханов 1950 йилда Россияда туғилган, миллати қозоқ, олий маълумотли ҳуқуқшунос.

Прокуратура идораларида хизмат фаолиятини 1974 йилдан туман прокурорининг ёрдамчиси, терговчиси, катта терговчиси, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси, тергов бошқармасининг прокурори, Тошкент шаҳар прокуратураси тергов бўлими бошлиғининг ўринбосари, катта криминалист прокурори бўлиб ишлаган.

1996 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси прокуратураси криминалистика бўлими катта прокурори лавозимида ишлаб келмоқда.

Жиноятларни фош этишда жиной рўйхатдан фойдаланиш

Жиноий рўйхат бу жиноят содир этган шахсларни, шунингдек, жиноят билан боғлиқ бўлган ҳолатлар, нарсалар, изларнинг тегишли белгиларига қараб, уларнинг ҳисобини олиб борувчи **махсус тизим** ҳисобланади.

Ҳозирги кунда **жиной рўйхатдан** тергов ва суд амалиётида кенг фойдаланилмоқда.

Жиноий рўйхат жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш чораларини кўришда катта аҳамиятга эга бўлиб хизмат қилмоқда. Унинг муҳим томонларидан яна бири жиноятчининг шахси ҳақидаги тегишли маълумот олиш ва тўплашдан иборат.

Жиноий рўйхат мазкур жиноятчи муқаддам жиноий жавобгарликка тортилган ёки тортилмаганлиги ҳолатини ёки айрим сабабларга кўра фош этилмасдан қолаётган жиноятларни фош этишда, жиноятчининг айрим ҳолат, нарса, белги ва изларига қараб шахсини аниқлашда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Айрим объектлар ўзларининг тузилиши ва белгиларига қараб криминалистика ҳисоби бўйича бир неча «картотека»ларда ҳисобга қўйилади. Булар қуйидагилардир:

— ўн бармоқли, дактилоскопик ҳисоб;

– беш бармоқ бўйича ҳисоб (рецидивист, хавfli жинойтчиларга нисбатан);

– бир бармоқ бўйича ҳисоб (қасддан одам ўлдириш каби ўта оғир жинойтларни содир этган хавfli жинойтчиларга нисбатан);

– одат ёки қилиқлар бўйича ҳисоб;

– яшаш жойи бўйича ҳисоб ва бошқалар;

Жиноий рўйхат, яъни **криминалистик ҳисобни олиб бориш вазифаси** Республика Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Ўзбекистон транспорт ИИБнинг ахборот марказлари томонидан амалга оширилади. Улар республика бўйича криминалистик ҳисоб ишларини олиб борадилар.

Содир қилинган жинойтлар ҳақидаги ҳамда дастлабки тергов жараёнида фош этилган ва фош этилмаган жинойтлар ҳақида тўпланган маълумотлар **жиноий рўйхат учун асосий манба** бўлиб хизмат қилади.

Жиноий ҳодиса ёки жинойт билан боғлиқ бўлган ҳар қандай хабар ва маълумотларни рўйхатга олиш ҳамда улар ҳақидаги барча маълумотларни тегишли ахборот марказларига етказиш барча тергов идоралари учун мажбурий ҳисобланади.

Суд, прокуратура ва тергов идоралари тегишли маълумотларни ўз навбатида тегишли ахборот марказларидан **сўровнома юбориш йўли билан** олиш ваколатига эгадирлар. Улар ўзларини қизиқтирган тегишли маълумотларни

мунтазам равишда олиб турмоқдалар ҳамда улардан тергов ва суд амалиётида фойдаланиш тўғри йўлга қўйилган.

Жумладан, тергов ва суд идоралари жиноят процесси иштирокчиларининг шахсини текшириш жараёнида у ёки бу шахснинг судланган ёки судланмаганлиги, белгиланган жазони айнан қаерда, қайси жазони ижро этиш муассасасида ёки ахлоқ тузатиш иши нозирлиги ҳисобида ўтаганлиги, тегишли ички ишлар идораларидаги вақтинча сақлаш ёки тергов ҳибсхоналарида ушланган ёки ушланмаганлиги, қабул қилиш ва тақсимлаш муассасаларида сақланган ёки сақланмаганлиги тўғрисидаги маълумотларни аниқлашда юқорида қайд этилган жинойий рўйхатдан, аниқроғи ички ишлар идораларининг ахборот марказларидаги мавжуд криминалистик ҳисобдан кўпроқ фойдаланмоқдалар.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ички ишлар идораларида фаолият юритаётган ахборот марказларининг иши маълумотнома бериш билангина чекланиб қолмасдан, балки рўйхатга олинган маълумотларни ўзаро солиштириш жараёнида шу идора ходимларининг ўзлари ҳам жиноятнинг олдини олишга ёрдам берадиган маълумотларни аниқламоқдалар.

Жинойий рўйхат ягона тамойил асосида, марказлашган ҳолда, республика миқёсида амалга оширилади.

Рўйхатга олинадиган объектлар доираси, шунингдек, уларни рўйхатлаш тартиби ва

техникаси, ҳисобот маълумотларини ҳудудий белгиларига қараб бирлаштириш, ахборот марказларидан тергов органларига маълумотлар бериш тартиби Республика Ички ишлар вазири томонидан қабул қилинган махсус Йўриқнома билан тартибга солинган.

Ҳозирги кунда жиноий рўйхатга олиш анчагина такомиллашган бўлиб, уларнинг ишларини бажаришда замонавий компьютер техникаларидан кенг фойдаланилмоқда. Рўйхатга олинадиган объектларнинг характериға қараб, криминалистик ҳисоб қуйидаги турларға бўлинади:

а) жиноятчиларни рўйхатга олиш;

б) бедарак йўқолганларни ва шахси номаълум мурдаларни рўйхатга олиш;

в) жиноят содир этилган ҳодиса жойида қолдирилган нарсаларни рўйхатга олиш;

г) ҳодиса жойидан талон — тарож қилиб олиб кетилган нарсаларни рўйхатга олиш.

Жиноятчини рўйхатга олиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Жиноий рўйхатнинг ушбу бўлими муҳим ҳисобланиб, унинг асосий вазифаларидан бири тергов идораларини керакли маълумотлар билан таъминлаш ва жиноятчининг шахси ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумотлар тўплаш ва тергов ёки суд идораларининг ёхуд бошқа жиноятчиликка қарши кураш билан шуғулланувчи идораларнинг тегишли сўровномалари асосида аниқланган маълумотларни беришдан иборат.

Терговчи бу маълумотлар орқали жиноятчининг муқаддам жиноят содир қилганлигини аниқлаш билан бирга унга тегишли бўлган аввалги жиноят ишини ўрганиш ишини ташкил этиш ҳақида ўз режаларини тузиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Бинобарин, жиноий рўйхат тергов олиб борилаётган жиноятни фош этиш ва жиноятни фош қилишда унинг иштирокчиларини ва уларнинг ўзаро жиноий алоқаларини аниқлашда, шу билан бирга, жиноятчини хавфли рецидивист ёки алоҳида хавфли рецидивист деб топишда, судлар томонидан судланувчиларга нисбатан одилona жазо тайинлаш масаласини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Тергов ҳибсхоналаридан ёки жазони ижро этиш жойларидан қочганлар, суд ва терговга келмасдан яшириниб юрган шахслар ҳам жиноий рўйхатдан ўрин оладилар. Айниқса, рецидивистлар ва алоҳида хавфли рецидивистлар томонидан жиноят содир қилинганда жиноий рўйхатда мавжуд бўлган маълумотлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб хизмат қилади.

Жиноий рўйхат асосан икки хил бўлади:

1. Номларини кўрсатиш (алфавит) усулида.
2. Ўн бармоқли дактилоскопик усули билан олиб борилади.

Бу усулдаги рўйхатга олиш бири иккинчиси билан боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради. Номларини кўрсатиш рўйхатида ҳисоб белгилари мавжуд бўлиб, жинойтчининг исми, фамилияси, отасининг исми ҳисобга олинади.

Рўйхатга олиш карталари алфавит бўйича тахланади. Номларини кўрсатиш картаси жинойтчини рўйхатга олишда асосий ҳисобот ҳужжати ҳисобланади. У ўз ичига қўйидаги маълумотларни олади:

а) рўйхатга олинган шахс ҳақидаги маълумотда унинг исми, фамилияси, агар мавжуд бўлса сохта исми, фамилияси, отасининг исми, кўчада ва жинойтчилар орасидаги лақаби; туғилган жойи, миллати, доимий яшаш жойи, иш жойи, касби, оилавий аҳволи ёзиб қўйилади;

б) рўйхатга олиш учун асос бўлган ҳолатлар қачон, қайси тергов органи томонидан, ЎзР ЖКнинг қайси моддаси билан жавобгарликка тортилганлиги, айбловнинг таърифи, даражаси ва тергов натижаси, судда иш кўрилгандан кейин эса картага қачон судланганлиги, қайси суд томонидан, ЖКнинг қайси моддаси билан, нима учун ва қандай жазо тайинланганлиги ёзиб қўйилади.

Кейинчалик рўйхатга олинган шахснинг картаси янги маълумотлар билан тўлдирилиб борилади. Агар жинойтчи қочса, унинг қачон ва қаердан қочганлиги ҳам ёзилади.

Агар рўйхатга олинувчининг бир неча фамилияси, исми ва отасининг исми бўлса,

ҳамма маълумотларни ўз ичига олувчи тўлиқ, ягона фамилия ва исм билан битта карта тузилади (бошқа исм, фамилиялари ҳам ҳавола қилинади).

Жиноий рўйхатда жиноятнинг характериға қараб, рўйхатға олинувчи ҳақида тўлиқ маълумот ҳамда жиноят иштирокчилари, жиноий шериклари, бирга жиноят содир этиши мумкин бўлган шахслар ҳам рўйхатдан жой олишлари мумкин.

Номларини кўрсатиш картасига ҳам махсус усулда олинган фотосуратларнинг қўшилиши келажақда таниб олиш учун кўрсатиш ёки мазкур суратлар билан айнан ўзи эканлигини идентификация қилишда муҳим объект бўлиб хизмат қилади.

Номларини кўрсатиш алфавит усулида рўйхатға олиш гарчи асосий ҳисоблансада, бироқ жиноят содир қилиш билан баъзи шахслар фамилия ва исмларини ўзгартириб кўрсатадилар. Уларнинг кимлигини аниқлаш учун рўйхатға олишнинг иккинчи туриға, яъни ўн бармоқли рўйхатлаш усулиға мурожаат қилинади.

Дактилоскопик (ўн бармоқли) рўйхатлашнинг ҳисоб белгилари бўлиб одам қўли бармоқлари биринчи бўғимининг юз томонида жойлашган папилляр нақшлар (кашталар) ҳисобланади. Бу нақшларнинг ўзгармаслиги, уларни батафсил туркумлаш техникасининг ниҳоятда осонлиги бу туркумдаги рўйхатлашнинг амалий аҳамиятини янада оширади. Агар фақат алфавит

картасигина бўлганда, жиноятчи ўз исми ўрнига бошқа исмни айтганда, у бундан илгари рўйхатга олинган ёки олинмаганлигини аниқлаш анча қийин бўлар эди. Дактилоскопик рўйхатлаш эса бунга йўл қўймайди. Дактилоскопия («дактилос» бармоқ ва «скопес» қарайман) бармоқ изларини қарайман деган маънони билдиради.

Дактилоскопия ёрдамида қўл бармоқларининг охириги бўғини юзасидаги безаклари ёрдамида кишиларнинг шахсини аниқлаш мумкин.

Қўл бармоқларининг безаклари бўрттириб ишланган расмга ўхшаб, жўяклар билан ажралиб турувчи лупасимон тери чизиқларидан иборат. Бўрттирмалар тери юқори қаватида тароққа ўхшаб жойлашган бўлиб, пастки қисми эса унинг асосини ташкил этади.

Дактилоскопик карта рўйхатга олиш ҳужжатли бўлиб ҳисобланади. Карта типографик бўёқ орқали рўйхатга олинувчининг қўл панжаларини, бармоқлари биринчи бўғинларининг юз безакларини тегишли усулда, маълум карталарга навбат билан туширилади. Карталар группа тартибда ўнта бармоқдаги безакларга асосланган ҳолда тахланади. Мазкур гуруҳлар дактилоскопик формула билан белгиланади, карталар шу формула рақамлари асосида соннинг муфассал ўсишига қараб тахланади. Дактилоскопик формула икки қисмдан, яъни асосий ва қўшимча формуладан иборат бўлади.

Асосий формула инсоннинг 10 та бармоғининг қайси бирида айланма кашта мавжудлигига қараб умумий қабул қилинган шартли кодекслар (сонлар) билан белгиланади. Булар қўйидагилардир: биринчи жуфт бармоқлар—ўнг қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари бўлиб уларга «16» сони, иккинчи жуфти—ўрта ва номсиз бармоқларга 8 рақами, учинчи жуфти ўнг қўлнинг жимжилоғи ва чап қўлнинг бош бармоғи—уларга 2 рақами ва бешинчи жуфти чап қўлининг номсиз ва жимжилоғи бўлиб, уларга 1 рақами берилади.

Шартли рақамлар (индекслар) оддий каср шаклида ёзилиб, жуфт бармоқларнинг индекси суратга, чап бармоқники эса махражда кўрсатилади.

Асосий формула билан бир қаторда қўшимча формула ҳам чиқарилади. Шартли индекслар рақами папилляр кашталарнинг қайси қўлнинг бармоғида бўлишига қараб, қўйидагича белгиланади:

Ёйсимон кашталар 1 рақами, сиртмоқсимон кашталарнинг радиал шаклига 2, улар кўринишига сиртмоқнинг марказидан дельта чизигигача бўлган сонига қараб 3, 4, 5, 6 рақамлари ва айланма каштанинг пастки қисмидаги дельта шаклининг ўзаро нисбий жойлашувига қараб 7, 8, 9 рақамлари берилади. Сиртмоқсимон каштанинг пастки йўналиш чизиқлари жимжилоқ бармоқ томонга йўналган бўлса улар, бош бармоқ томонга қараган бўлса радиал деб номланади.

Юқорида кўрсатилган қўшимча формула индекслари ўнг қўл бармоқлариники касрнинг суратига, чап қўл бармоқлар рақами махражига ёзилади.

Ҳозирги кунда рўйхатга олинган жиноятчиларга оид алфавит ва дактилоскопик маълумотлар махсус компьютер воситаларида ўрнатилган ҳолда Республика Ички ишлар вазирлигининг тегишли бўлимларида сақланади.

Бу тўғридаги маълумотлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг сўровномаларига биноан тегишли тартибда маълумотномалар тақдим қилинади.

Дактилоскопик картанинг орқа тарафида рўйхатга олинган шахснинг ташқи тузилишининг умумий ва алоҳида белгилари кўрсатилади. Тезкор — излов ва қидирув чора — тадбирларини амалга оширишда алоҳида кўзга ташланадиган одам ташқи кўриниши белгиларининг аҳамияти каттадир. Булар юз тузилишидаги баъзи бир жисмоний камчиликлар, жароҳатнинг ўрни, излари, чандиқлар, татуировка (қўл ва бошқа жойлардаги ёзувлар ва чизмалар) ва шу каби аломатлар кўрсатилади.

Рўйхатга олинган шахс ЎзР ЖКнинг қайси моддаси билан судланганлиги, тайинланган жазо тури, муддати каби бошқа маълумотлар ҳам ёзилади.

Шахси номаълум мурда ва бедарак йўқолган шахсни рўйхатга олиш учун махсус карта юритилади. Ушбу карта таниб

олинмаган мурдаларнинг кимлигини аниқлаш, бедарак йўқолган фуқароларнинг шахсини аниқлаб, излаб топиш учун хизмат қилишга мўлжалланган.

Тергов амалиётида қасддан одам ўлдириш аломатлари билан мурда топилса — ю, бироқ унинг шахси аниқланмаса, жиноят қурбони бўлган шахс рўйхатга олинади ва бедарак йўқолган фуқаролар ҳақидаги маълумотлар билан солиштирилади. Рўйхатнинг бу тури шахси номаълум мурдаларни ҳам ўз ичига олади.

Таниб олинмаган мурдани рўйхатга олиш терговчи ва тегишли шаҳар ёки туман ИИБнинг жиноят — қидирув бўлинмаси тезкор вакилига юклатилади. Терговчи томонидан мурданинг қачон топилганлиги, ўлим вақти ва сабаби (суд тиббий экспертиза хулосасига асосан), иложи бўлса, миллати ва ташқи белгиларига қараб касби, кийимлари, бош кийими, мурданинг топилган жойи, мурданинг ташқи ва алоҳида белгилари батафсил ёзилади.

Картага мурданинг ўнта бармоғи излари кўчирилиб илова қилинади. Мурданинг бармоқ излари олинганда мумкин қадар икки нусхада олиниши керак бўлади.

Мурда топилиши билан қачон ва қаерда тергов олиб борилиб, мурданинг шахси аниқланганлиги ҳақидаги маълумотлар қайд қилинади.

Бедарак йўқолган фуқароларнинг рўйхатларини ички ишлар идоралари берилган ариза ва хабарларга асосан юритадилар.

Рўйхатда қачон ва қаерда йўқолганлиги, бедарак йўқолган фуқаронинг шахси ҳақидаги маълумотлар, ташқи томондан кўзга ташланадиган алоҳида белгилари қайд қилиниб, батафсил ёзилиши керак.

Картага бедарак йўқолган фуқаронинг яқин қариндошлари томонидан берилган фотосурати, иложи бўлса йўқолган шахснинг бедарак йўқолишидан аввал охириги марта тушган рангли фотосуратини олиб картотеканинг олдинги юза томонига ёпиштирилади. Ариза ким томонидан берилганлиги ва бедарак йўқолган шахс ҳақида ким, қаерда ва қачон тергов олиб борганлиги қайд этилади.

Бедарак йўқолган фуқаролар ва таниб олинмаган мурдаларни рўйхатга олиш картаси алоҳида юритилади, бироқ бири иккинчиси билан боғлиқ бўлади. Карталар шахси номаълум мурданинг топилган вақти ва бедарак йўқолган фуқаро қачон йўқолганлигига қараб тартибли равишда қўйилади.

Шахси номаълум мурда ҳақидаги маълумотларни рўйхатга олган тегишли ички ишлар идорасининг бўлимига карта келтирилса, аввало унинг дактилоскопик картаси муқаддам жинойтчи сифатида рўйхатдан ўтган ёки ўтмаганлиги текшириб кўрилади. Кейинчалик эса бедарак йўқолган фуқароларни рўйхатга олиш картаси билан солиштирилиб борилади. Кўпгина ҳолатларда бу иш ўзининг ижобий натижаларини беради.

Жумладан, криминалистика бўлими томонидан олиб борилган дастлабки тергов давомида Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани ҳудудида мурдаси топилган номаълум аёлнинг шахсини аниқлаш борасида криминалистик рўйхатдан самарали фойдаланилган эди. Тергов давомида белгиланган тартибда шахси номаълум аёл тўғрисидаги маълумотлар расмийлаштирилиб, терговчининг топиши билан юқорида кўрсатиб ўтилган карта илова қилинган ҳолда Тошкент вилояти ИИБнинг ва Республика ИИВнинг ахборот марказларига юборилди. Текширишлар давомида жиноят қурбони бўлган бу аёл киши 1999 йилда бедарак йўқолган, Юқоричирчиқ тумани марказида яшаган **фуқаро Л.С. Кузнецова** эканлиги аниқланган.

Агар бедарак йўқолганлар рўйхатида у ҳақда ҳеч қандай маълумот бўлмаса, таниб олинмаган мурда то у топилмагунча таниб олинмаган мурдалар картотекасидаги рўйхатда тураверади.

Маълумки, баъзи бир жиноят ишлари бўйича ўғирланган буюм ёки йўқолган нарса топилади, лекин унинг эгасини топишда қийинчилик бўлиб, уни аниқлаш учун кўп вақт сарфланади.

Ўғирланган нарсалар кейинчалик тергов жараёнида топилган, яъни жиноятчилардан олинган буюмларнинг эгалари аниқланмаган тақдирда, шу буюмлар ҳақидаги маълумотлар ички ишлар ходимлари томонидан махсус

карточкага киритилиб, улар тегишли жойга рўйхатга олиш учун юборилади. Мазкур карточкада буюмнинг ранги, нархи, миқдори ва ўзига хос бошқа алоҳида белгилари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ ёзилган бўлиши лозим. Криминалистик ҳисобда ўғирланган нарса, буюмлар гуруҳ — гуруҳи бўйича тизимга солинади. Бу эса уларни ўз вақтида қидириб топишни осонлаштиради.

Деярли кўпчилик ҳолларда барча излар ичида ҳодиса жойида қолдирилган қўл ва бармоқ излари муҳим ҳисобланади. Чунки бармоқ излари билан агар жиноятчи олдин рўйхатга олинган бўлса, унинг шахсини аниқлаш осонроқ бўлади. Ҳодиса жойидан бирор бармоқ изи топилган тақдирда шу издан махсус плёнкада нусха олиниб, плёнкадаги из суратга туширилиб, олинган якка бармоқ изининг сурати ёки кўчириб олинган плёнка бир бармоқли рўйхатловчи бланка карточкасига ёпиштирилади, сўнгра бир бармоқли формула чиқарилиб, картотека бўйича муқаддам рўйхатга тушган ёки тушмаганлиги текширилади. Текшириш ижобий ҳал бўлса, унинг кимлигини аниқлаш осон бўлади. Бу усулдан тергов амалиётида кенг фойдаланиб келинмоқда ва кўп ижобий натижаларга эришилмоқда.

Чунончи, 1999 йилда Андижон шаҳрида номаълум шахслар томонидан опа — сингил Мамажонова Гулнора, Эльмира ва Азиза қасдан ўлдирилган эди. Бу ҳолат бўйича ҳодиса жойини кўздан кечириш давомида

шаҳар прокуратураси терговчиси томонидан бир нечта қўл бармоқларининг излари топилиб, текшириб кўришлик учун олинган. Натижада дактилоскопия экспертизаси ўтказилиб, унинг хулосаси бўйича шу излардан 2 таси идентификация қилиш учун яроқли эканлиги тасдиқланган. Дастлабки тергов давомида мазкур қотиллик жиноятлари Л.Абдуллаев томонидан содир қилинганлиги аниқланиб, унинг бармоқ излари билан таққослаб текшириб кўрилган пайтда ҳодиса жойида бармоқ излари **Л.Абдуллаев** томонидан қолдирилганлиги тасдиқланиб, юқорида кўрсатиб ўтилган ўта оғир жиноятлар айнан у томонидан содир этилганлиги исботланган.

Айрим ҳолларда жиноят содир этилган ҳодиса жойидан топилган айрим ашёвий далиллар, яъни пойафзал, транспорт, бузиш қуроли излари ҳам рўйхатга олинади. Илгари жиноят жойидан топилган бундай изларни мазкур излар билан солиштириш орқали идентификация қилинади. Идентификация ижобий натижа берса, муқаддам содир қилинган ва фош этилмасдан келинаётган жиноятни очиш учун имконият яратилади.

Жиноятни очиш ва жиноятчини фош қилишда жиноят содир бўлган жойда жиноятчи томонидан қолдирилган нарсаларни рўйхатга олиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки айрим буюмлар тергов жараёнида ҳам жиноятчининг шахсини аниқлашда ёрдам бериши мумкин.

Бундан ташқари, айрим буюмларнинг ўзи муайян кишилардагина бўлиши ёки

уларни фақат маълум кишиларгина қўллаши мумкин бўлади. Шу туфайли айрим буюм ва нарсаларнинг рўйхатга олиниши, уларнинг кимга тегишли эканлиги ва тайёрланиш усуллари, жиноятчини қаерда ва кимлар орасидан қидириш учун қўлланма бўлса, иккинчи томондан тергови тўхтатиб қўйилган жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказишни тиклашда ва ниҳоят, мавҳум ҳолатларда содир этилган жиноятларни фош этишда ҳамда жиноятчига нисбатан тегишли жазо тайинлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Очилмаган жиноятлар юзасидан ҳодиса жойидан талон – тарож қилиниб, жиноятчилар томонидан олиб кетилган нарса ва буюмларни рўйхатга олиш келажақда уларни қидириб топиш учун асос бўлади. Қидириш натижасида топилган нарсалар жиноятчиларни фош қилишда муҳим ашъвий далил бўлиб хизмат қилади. Бунга ўзимнинг тажрибамда бўлиб ўтган бир мисолни келтирсам.

Криминалистика бўлими ходимлари томонидан бир нечта қасддан одам ўлдириш жиноятларини содир қилган **Б.Эгамбердиевга** тегишли жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатларини олиб бориш жараёнида унинг автомашинаси кўздан кечирилган вақтда шу автомашинанинг юкхонасида бир дона аёллар сумкаси топилган эди. Кейинги тергов ҳаракатларини ўтказиш давомида ушбу сумка **Б.Эгамбердиев** томонидан содир қилинган жиноят натижасида жабрланган хотин –

қизлардан бирига тегишли бўлиши мумкин деган хулосага келиниб, ушбу тергов тахмини батафсил текшириб бошланди. Дастлабки тергов давомида кўрсатиб ўтилган бу тахмин тўғри бўлиб чиқди, яъни ушбу аёллар сумкаси Б.Эгамбердиев томонидан қасдан ўлдирилган фуқаро Т.Н.Наджаевага тегишли эканлиги исботланди. Дастлабки тергов давомида Т.Н.Наджаева бедарак йўқолиши арафасида бўйнида тилло занжир таққан ҳолда бўлганлиги, лекин унинг мурдаси кўздан кечирилган вақтда бу тақинчоқ ўз ўрнида йўқлиги аниқланган эди. Ушбу тилло занжир номаълум жиноятчи томонидан эгаллаб олиниб, талон – тарож қилиб олиб кетилган бўлиши мумкин деган тергов тахмини ҳам илгари сурилган эди. Айбланувчи Б.Эгамбердиевнинг яшаш жойида ўтказилган тинтув жараёнида ушбу тилло тақинчоқ ҳам қидириб топиб олинди. Жиноят қурбони бўлган Т.Н.Наджаевага тегишли бўлган бу мол – мулклар иш бўйича **ашёвий далил** деб эътироф этилди ва ишга қўшилди. Бу ашёвий далиллар айбланувчининг ўта оғир жиноятларини фош этишда муҳим далил бўлиб хизмат қилдилар.

Ҳодиса жойидан талон – тарож қилиниб, жиноятчилар томонидан олиб кетилган (ўғирланган) нарса ва буюмларни қидириб топиш ва эгаларига қайтариш тергов идораларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жиноий рўйхат ўз навбатида бу вазифани бажаришга ҳам катта ёрдам беради.

Ҳодиса жойидан талон – тарож қилиниб, жиноятчилар томонидан олиб кетилган (ўғирланган) нарса ва буюмлар нимадан ишланганлиги, миқдори ва бошқа алоҳида белгилари, яъни тартиб рақамлари, тамгалари билан ажралиб туради. Улар ашёвий далил сифатида жиноятларнинг фош этилишини ва дастлабки терговнинг мукамал олиб борилишини таъминлайди.

Масалан, 2001 йил 25 январь куни номаълум жиноятчилар томонидан Тошкент шаҳри, С.Раҳимов туманида яшовчи фуқаро А.Ким ва С.Цой қасддан ўлдирилган ва уларга тегишли бўлган қимматбаҳо буюмлар ва нарсалар талон – тарож қилиб олиб кетилган. Дастлабки тергов давомида тергов – тезкор гуруҳларининг эътибори ҳодиса жойидан талон – тарож қилиниб, жиноятчилар томонидан олиб кетилган мол – мулкларни қидириб топишга қаратилди. Терговчи томонидан талон – тарож қилиб олиб кетилган мол – мулклар тегишли гувоҳларни сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш каби тергов ҳаракатларини ўтказиш йўли билан аниқланди. Тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида тилло тақинчоқлар батафсил ёритилган махсус «каталог» китоблардан кўпроқ фойдаланилди. Талон – тарож қилиниб олиб кетилган мол – мулкларнинг рангли фотосуратлари ва улар асосида фотожадвал тайёрланди. Терговчи томонидан туман ИИБ бошлиғи номига юборилган алоҳида тошпириқда ушбу

фотожадвал ҳам илова қилинган ҳолда юборилди.

Дастлабки тергов малакали ташкил этилганлиги сабабли тергов жараёнида кўрсатиб ўтилган ўта оғир жиноятларни содир этган 2 та жиноятчи ўз вақтида аниқланди. Уларнинг яшаш жойларида ўтказилган тинтув давомида ҳодиса жойидан талон — тарож қилиб олиб кетилган **мол—мулклар** топилган. Бу эса 2 жиноятчининг ўта оғир жиноятларни содир этганлигини исботлашда муҳим аҳамият касб этди.

Нарсаларни рўйхатга олиш тергов идоралари томонидан жиноят — процессуал қонуни талабларига риоя қилинган ҳолда, уларнинг реквизитларини аниқ кўрсатиш билан тегишли рўйхатга олувчи идорага юборилади.

Ушбу мавзуда жиноий рўйхатнинг аҳамияти ҳақида қисқачагина тўхтадик, холос.

Республика Ички ишлар вазирлиги идораларининг ахборот марказлари ва криминалистик экспертиза бўлимларида мавжуд бўлган криминалистик рўйхатларда мавжуд бўлган тегишли маълумотлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш мавҳум ҳолатларда содир қилинган ўта оғир ва оғир жиноятларни фош этишда яхши натижа ва самаралар беради деб ҳисоблайман.

**Боқиев
Фаррух
Ҳамидуллаевич**



Ўзбекистон Республикаси прокуратураси
алоҳида муҳим ишлар бўйича
катта терговчиси
2 — даражали ҳуқуқшунос

Қисқача таржимаи ҳоли

Ф.Ҳ.Боқиев 1975 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, олий маълумотли ҳуқуқшунос.

Прокуратура идораларида иш фаолиятини 1997 йилда Чилонзор тумани прокуратурасининг иш ўрганувчиси сифатида бошлаган. 1998—1999 йилларда Чилонзор тумани прокурорининг ёрдамчиси, катта терговчиси бўлиб ишлаган.

2000 йил март ойидан буён Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Барча ҳолатларни атрофлича текшириш қотиллик жиноятининг фош этилишини таъминлади

2000 йил 27 сентябрь куни Тошкент вилояти **Зангиота туманидаги «Наврўз»** ширкатлар хўжалиги ҳудудидан оқиб ўтувчи каналдан номаълум аёл кишининг бошсиз ва ҳар иккала қўлининг билагидан пастки қисмларисиз жасади топилган.

Ҳодиса жойи Зангиота тумани ва Тошкент вилоят прокуратураси ҳамда ички ишлар органлари раҳбарлари ва масъул ходимлари, криминалист прокурор ва суд тиббий экспертларидан иборат махсус тергов гуруҳи томонидан кўздан кечирилиб, процессуал расмийлаштирилган.

Шу куннинг ўзида Зангиота туман прокурори томонидан мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси **ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми** билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари бошлаб юборилган.

Кейинчалик жиноят иши Ўзбекистон Республикаси прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бошқармаси иш юритувига олиниб, кейинги тергов ҳаракатларини олиб боришлик менга топширилган эди.

Ҳодиса содир бўлган жойнинг Тошкент шаҳрига жуда яқинлиги, шунингдек, бу жой атрофида дала ҳовлилар жойлашганлиги, жабрланувчининг ёши тахминан 40—50 лар

чамасида эканлиги, эгнидаги кийимлари ва уларнинг аҳволи, жароҳатларнинг танасидаги жойлашуви ҳисобга олинган ҳолда **тергов ва тезкор-қидирув режаси** ишлаб чиқилган.

Унда қуйидаги гумонлар илгари сурилган:

1. Жиноят жабрланувчининг мол-мулкани эгаллаш мақсадида содир этилган бўлиши мумкин.

2. Жиноят жабрланувчидан қасд олиш мақсадида содир этилган бўлиши мумкин.

3. Жиноят бошқа бир жиноятнинг изини яшириш мақсадида содир этилган бўлиши мумкин.

Режада мазкур гумонлардан ҳар бирининг атрофлича текширилишини таъминлаш юзасидан аниқ йўналишлар белгиланган ҳолда улар бир вақтнинг ўзида текширила бошланган.

Бунда амалий йўналишлардан бири сифатида жабрланувчи, яъни номаълум аёл кишининг шахсини аниқлашга қаратилган тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари ўтказилишига асосий эътибор қаратилган. Жумладан, туман ҳудудидаги барча маҳалла қўмиталари, қишлоқ ва қўрғон фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари, туман ИИБнинг минтақавий нозирларига маҳаллада яшовчи 40—50 ёшлардаги аёл киши бедарак йўқолганлиги ҳолатларини аниқлаш юзасидан топшириқлар берилган.

Шунингдек, туман ҳудудидан бошқа минтақаларга чиқиб кетувчи автомобиль

йўллари ёқасида жойлашган ДАН постлари, дўконлар, овқатланиш шахобчалари суриштирилиб 24 сентябрь куни рус миллати ёки шунга ўхшаш, узун бўйли, 40—50 ёшлардаги аёл кишини ва у билан бирга бўлган шахсларни бирор киши кўрганми ёки кўрмаганлиги аниқлана бошланган.

Бундан ташқари, Республика Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар идораларининг тегишли хизматлари орқали бедарак йўқолган аёл кишиларнинг қидирилишига оид маълумотларни олиш ва шундай ҳолатлар юзасидан текширишлар ўтказила бошланди.

Шунингдек, жабрланувчи бошқа давлат фуқароси бўлиши, Тошкент шаҳридаги меҳмонхоналарда яшаган бўлиши мумкинлиги сабабли барча меҳмонхоналарда яшаб турган аёл кишилар ва улардан йўқолиб қолганлари бор — йўқлиги ҳам текширила бошланди.

Аmmo жиноятни фош этишга ва жабрланувчининг шахсини аниқлашга қаратилган ва амалга оширилган бу тадбирлар ижобий натижа бермади.

Жасаднинг эғнида бўлган кийимлари қўшимча атрофлича кўздан кечирилганида шимининг чўнтагидан жуда кичкина варақча топилиб, унда «**Фарҳод 111-24-42**» деб ёзилган сўз ва телефон рақами ёзилганлиги аниқланди ҳамда бу варақча текшириб кўриш учун олиниб, ашёвий далил сифатида жиноят ишига қўшилган.

Шу асосда 111 — 24 — 42 рақамли телефон Тошкент шаҳар, Яккасарой туманида яшовчи фуқаро А.Ҳамдамов уйида ўрнатилганлиги аниқланиб, унинг ўзи шу масалада сўроқ қилинганида у ҳеч кимга, шу жумладан, 40 — 50 ёшлардаги аёл кишига телефон рақами ёзилган қоғоз бўлагини бермаганлигини баён қилди.

Текшириш жараёнида унинг мазкур жиноятга алоқадорлиги аниқланмасада, аммо уйига қўшни ҳовлида яшовчи шахслар Андижон вилоятдан келиб, ижарада яшаганлиги, улар икки киши бўлиб, **укасининг исми Фарҳод эканлиги**, айрим пайтларда улар шу уйга келишиб, унинг телефонида фойдаланиб юришганлиги, кейин кўчиб кетишганлиги ҳамда уларнинг ҳозирги яшаш жойи тўғрисида кўрсатув берган.

Бу кўрсатув асосида Фарҳоднинг исми, фамилияси ва шахси аниқланиб, атрофлича сўроқ қилинганида у ҳақиқатдан ҳам илгари акаси билан ижарада турган уйга қўшни бўлиб яшовчи кишининг телефонида айрим ҳолатларда фойдаланиб туришганликларини, аммо бу жиноят тўғрисида ҳеч нарса билмасликларини, лекин квартира сотиб олиш учун квартирасини сотиш мақсадида бўлган шахслар йиғиладиган жойга борганлигини ва шунда бирор шахсга, жумладан квартирасини сотмоқчи бўлган шахсга қўшнисининг телефони ёзиб берган бўлиши мумкинлигини кўрсатган.

Шундан сўнг тергов ва тезкор гуруҳи Тошкент шаҳрида яшовчи уй — жойини сотиб

бошқа жойларга кетмоқчи бўлган ёки ёлғиз яшовчи кишиларнинг бедарак йўқолган бўлиши мумкинлиги, чунки уларнинг қўшнилари ва қариндошлари уй — жойини сотиб кетган бўлса керак деб ўйлаб, бедарак йўқолганидан хабарсиз бўлишлари мумкинлиги сабабли бундай ҳолатларни чуқур текшириш лозимлиги тўғрисидаги хулосага келиниб, шу мақсадда кенг қамровли текшириш ишларини бошлаб юборганлар.

Бунинг натижасида Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, 5 — мавзесида яшовчи фуқаролар шу маҳаллада яшовчи **Светлана Петрова** ўзи яшаб турган хонадонини сотмоқчи бўлганлигини ва 2000 йил сентябрь ойларининг охиридан бошлаб кўринмай қолганлигини билдиришганлар. Текширишда С.Петрова ўзига тегишли уйини сотмаганлиги, бошқа жойга кўчиб кетмаганлиги ёки узоқ жойларда яшовчи қариндошларининг уйига қидириб кетиш нияти бўлмаганлиги аниқланди. Унинг иш жойидан, шунингдек, уни яхши билувчи танишлари орқали аниқланишича, сўнгги икки ой давомида **Александр** исмли шахсга уйини сотмоқчи бўлганлиги, у пул топганига қадар уйда вақтинча яшаб юрганлиги ҳақида гапириб юрган, охириги марта уни 2000 йил 23 сентябрда кўрганларидан сўнг тўсатдан ишга ҳам чиқмай қўйган ва умуман кўринмасдан қолган. Улар эса С.Петрованинг уйини сотиб бирор жойига кетган бўлса керак деб ўйлашганлар.

Шу асосда С.Петрова билан яхши муносабатда бўлган шахслар аниқланиб, унинг уйига келиб — кетувчи шахслар, шу жумладан, Александр исмли шахс ким эканлиги аниқлана бошланган. С.Петрова қўшнилари­нинг кўрсатувлари асосида сўнгги пайтларда унинг уйида яшаб юрган ва кўринмасдан қолган Александр исмли шахснинг фотороботи ҳам чизиб тайёрланган.

Чилонзор ва Зангиота туман ИИБ ходимлари ёрдамида амалга оширилган кенг қамровли тезкор тадбирлар давомида шу туманларда яшовчи Александр исмли ва бошқа исмдаги 30—35 ёшлардаги шахслар фаол қидирила бошланган. Бунинг натижасида Яккасарой туманидаги, Ёкубов кўчасида яшовчи, 1977 йил туғилган ва муқаддам фирибгарлик жинояти содир этиб, судланиб чиққан **Александр Корнетов** аниқланган.

Ўтказилган тергов ва тезкор — қидирув ҳаракатлари давомида унинг Чилонзор туманида яшовчи аёл кишининг уйида ижарада яшаб юрганлиги аниқланган. Шундан сўнг унинг фотосурати Яккасарой туман ИИБдан олиниб, С.Петрованинг қўшнилари­га таниб олиш учун кўрсатилганида улар А.Корнетовни сўнгги пайтларда С.Петрованинг уйига кириб — чиқиб юрган шахс сифатида таниб олганлар.

Аниқланган бу ҳолатлар асосида А.Корнетов гумон қилинувчи сифатида ушланган. У сўроқ қилинган вақтда С.Петрованинг уйида «жазмани» сифатида яшаганлигини, ҳақиқатдан ҳам унинг уйини

сотиб олиш нияти бўлганлигини, аммо 23 сентябрдан сўнг у бошқа жойига кетиб қолиб, уйига келмаётганлиги сабабли унинг уйига бормай қўйганлигини, ҳозирда қаерда эканлигини билмаслигини билдирган.

Тергов жараёнида С.Петрованинг жасади устидан олинган кийими у билан бирга ишловчи ва қўшни бўлиб, кўришиб турган шахсларга кўрсатилганида улар бу кийимни С.Петрова кийиб юрган кийим сифатида таниб олганлар.

Фуқаро С.Петрованинг тиббий карталаридаги унга хос бўлган маълумотлар, ёши, бўйининг узунлиги, қон гуруҳи ва оёқ кийими размери 27.09.2000 йилда Зангиота тумани ҳудудидан топилган боши ва қўллари кесиб ташланган аёл кишиники билан айнан бир хил эканлиги суд тиббий экспертиза, суд тиббий криминалистика экспертизаси хулосалари, экспертнинг гувоҳ тариқасида берган кўрсатувлари асосида аниқланган.

Бу ҳолатлар тергов ва тезкор гуруҳи томонидан, 27.09.2000 йилда Зангиота туман ҳудудидан топилган номаълум аёл кишининг бошсиз ва қўлларисиз танаси 1954 йил туғилган **Светлана Петровага** тегишли эканлиги тўғрисида узил – кесил хулоса чиқаришга асос бўлди.

Гумон қилинувчи тариқасида ушланган А.Корнетовнинг танишлари, у билан кўпинча бирга юрувчи шахслар текширилганида сўнгги вақтларда Лев Емилин билан доимо бирга

юрганлиги аниқланган ва у сўроққа чақирилган.

Аниқланган ҳолатлар асосида пухта ўйланган режа бўйича услубий жиҳатдан тўғри ташкил этилган сўроқ давомида гумон қилинувчи Лев Емилинга шериги А.Корнетов қамоққа олинганлиги, у фуқаро С.Петровани 24.09.2000 йилда қасддан ўлдириб, жасадини Зангиота тумани ҳудудига олиб чиқиб, бошини ва қўлларини уни таниб олмасликлари учун кестанлигини, бунда унинг ҳам иштироки борлиги маълум қилиниб, ҳодиса ҳолатидан келиб чиқилган ҳолда саволлар берилганида, гарчи, дастлаб бундай ҳолатни инкор қилсада, лекин авзойи ўзгариб, ўзининг эсанкираб ва довдираб қолганлигини яшира олмади.

Шундан сўнг Л.Емилинга жиноий шериги **А.Корнетов** бу жиноятнинг ташкилотчиси сифатида унинг ўзини кўрсатаётганлигини, С.Петровага пичоқ уриб қасддан ўлдирган, жасадининг боши ва қўлларини кестан ҳам Л.Емилин деб кўрсатиб юзлаштириш тергов ҳаракати давомида бўйнига қўйишлигини билдираётганлиги тўғрисида айтилган. Шунда у жазавага тушиб, жиноятнинг содир этилиши ҳолатларини, яъни С.Петровани қасддан ўлдиришни А.Корнетов ташкил этганлигини айтиб, у билан юзлаштиришни талаб қила бошлади.

Шундан сўнг ҳодиса ҳолати бўйича **Л.Емилин** атрофлича сўроқ қилинганда у таниши А.Корнетов 2000 йил сентябрь ойининг охириги ўн кунлигида уни кафега таклиф қилиб,

ароқ ичишиб, шу ерда ўзининг Светлана исмли Чилонзорда яшовчи аёлни ўлдириб, уйи, мол — мулкига эга бўлиши ҳақида гапирганлигини ҳамда бу ниятларини биргаликда амалга оширсалар, **500 АҚШ доллари** беришини айтганлигини, бунга рози бўлганлигини, кейин Светланани алдов йўли билан Тошкент шаҳар ҳудудидан ташқарига олиб боришиб, қасддан ўлдиришиб, жасадини кўмиб ташлаш ёки сувга чўктириб юборишлик тўғрисида ўзаро келишиб олганликларини, шундан кейин ҳам учрашиб, режаларини пухта ўйлашиб олганликларини, 24 сентябрь куни ўзаро жинойий келишув бўйича А.Корнетов таниши Светлана исмли аёлни уйдан соат 21—00 лар чамасида олиб чиққанлигини, такси автомашинасини тўхтатишиб, Зангиота туман ҳудудига боришганликларини, йўлда А.Корнетов таниши Светланага уйини сотиб олмоқчи бўлган харидорнинг уйига бораётганлиги тўғрисида гапирганлигини, таксидан чет жойга тушганликларидан сўнг келишув бўйича у Светланани чалғитганлигини, шу пайтда А.Корнетов ёнида олиб юрган пичоқ билан Светлананинг бир неча жойига уриб, **уни қасддан ўлдирганлигини**, шундан сўнг бошини бўйин қисмидан ва бармоқларини қўл соҳасидан кесганлигини, целлофан пакетга боши ва қўлларини солиб, жасад танасини шу ердаги сувга чўктириб юборишганликларини, кейин йўлга чиқиб Тошкент шаҳри томонга чиқиш учун пиёда юриб, йўлда келишда кўприк устидан пленкада жойланган жасаднинг

бош ва қўлларни ҳам каналга ташлаб юборишганликларини, шундан сўнг уйларига кетишганликларини, бу ҳодисадан сўнг эса Светлананинг уйига боришиб, у ердаги турли буюмларни олиб чиқишганликларини ва «Қозоғистон» кинотеатригача таксида боришиб, шу ерда А. Корнетов Светлананинг уйдан олиб чиққан курткаларни номаълум кишиларга сотиб, пулни бўлиб олишганликларини, А.Корнетов таниши Светлананинг уйдан сотганидан сўнг 500 АҚШ доллари беришлиги ҳақида айтганлигини, шу билан бирга, агарда бу ҳодиса ҳақида бирор шахсга гапирса, жиноятлари фош бўлиб, ўзлари топилиб, қамалиб кетишлари тўғрисида огоҳлантирганлигини баён қилди.

Гумондор Лев Емилинининг кўрсатувлари ҳодиса жойига чиқиб текширилганида жиноятни қандай ҳолатларда содир этганлигини баён қилиб, шу жойларни тўлиқ ва тўғри кўрсатиб берган. Жумладан, 27.09.2000 йил куни Светлана Петрованинг жасади тошилган жойни ҳам аниқ кўрсатиб, айнан шу жойда қотилликни содир этганлигини баён қилган.

Ҳақиқий ҳодиса ҳолати тўла аниқланганидан сўнг шу асосда сўроқ қилинган **А.Корнетов** инкор қилиб бўлмас далиллар олдида содир этилган жиноят юзасидан тўғри кўрсувлар беришга мажбур бўлди. Унинг ҳодиса ҳолати юзасидан берган кўрсатувларининг мазмуни Л.Емилин берган кўрсатувлар билан айнан бир хил эди.

Булардан ташқари, тергов давомида А.Корнетов таниши Светлана Петровага тегишли уйни икки мароғабалдо йўли билан фуқаролар Г.Вонгай ва Қ.Холбердиевга сотмоқчи бўлиб, фирибгарлик билан уларнинг кўп миқдордаги пулларига эга бўлганлиги ҳам аниқланган.

Терговда аниқланган ҳолатлар, тўпланган далил ва исботлар асосида А.Корнетовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168—моддаси 4—қисми «а» банди, 164—моддаси 4—қисми «а» банди ва 97—моддаси 2—қисмининг бир неча бандлари билан, Л.Емилинга эса ЎЗР ЖКнинг 241—моддаси 2—қисми, 164—моддаси 4—қисми «а» банди ва 97—моддаси 2—қисми бир неча бандлари билан айблов эълон қилиниб, жиноят иши айблов ҳулосаси билан Тошкент вилоят судига юборилди.

Тошкент вилоят судининг ҳукми билан **А.Корнетов ва Л.Емилинлар** юқорида кўрсатилган жиноятларни қасдан содир этганликда айбдор деб топилган ва уларга узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилган. Вилоят судининг айблов ҳукми қонуний кучга кирган.

**Худоёров
Анвар
Фозилович**



**Тошкент шаҳар прокуратураси
катта криминалист прокурори
адлия кичик маслаҳатчиси**

Қисқача таржимаи ҳоли

А.Ф.Худоёров 1957 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, олий маълумотли ҳуқуқшунос,

Прокуратура идораларида хизмат фаолиятини 1987 йилда бошлаган. 1987—1997 йилларда Мирзо Улугбек тумани прокуратурасининг терговчиси, Тошкент шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси, жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғининг ўринбосари — махсус тергов гуруҳи раҳбари бўлиб ишлаган.

1997 йил май ойидан буён Тошкент шаҳар прокуратурасининг катта криминалист прокурори лавозимида ишлаб келмоқда.

Одамнинг ташқи қиёфаси белгилари ва уларнинг аҳамияти

Одамни криминалистика нуқтаи назаридан ва айнан ташқи қиёфаси белгилари асосида ўрганиш шу фаннинг тадқиқоти доирасига киради ва бу соҳа «Габитология» деб номланади. Бу соҳа одамнинг ташқи қиёфаси тўғрисидаги таълимот замирида яратилган илмий — амалий тавсиялардан суриштирув, дастлабки тергов, суд жараёнида тегишли тергов ҳаракатлари, тезкор — излов ва қидирув ишларини ўтказиш давомида фойдаланиш муаммоларини ўрганadi. Бошқача айтганда, криминалистика фанида бу соҳа одамларнинг ташқи қиёфа тузилишини, унинг ўзига хос бўлган алоҳида белгиларини, ҳар бир кишининг ўзига хос қиёфага эга бўлишини ва бу омиллардан тергов ва суд амалиётида қандай фойдаланишни ўргатади.

Ҳар бир одамнинг ташқи қиёфа тузилиши ўзига хос белгиларга эгадир. Гарчи ака — ука, опа — сингиллар, эгизаклар ташқи кўриниши жиҳатидан бир — бирига жуда ўхшаш бўлса ҳам, лекин уларни айрим хусусий, ўзига хос алоҳида белгилари асосида бир — биридан фарқ қилиш мумкин.

Шунинг учун ҳам тергов амалиётида одамларнинг ташқи қиёфа белгилари асосида идентификация қилиш илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Инсоннинг ташқи қиёфаси белгилари умр бўйи ўзгаришсиз ўтади, фақат баъзи бир белгилари, яъни бўйи, қадди — қомати ва баданининг баъзи қисмлари ҳажми жиҳатидан ўзгариши мумкин. Бу ўзгаришлар нисбий характерга эгадир.

Одамни унинг ташқи тузилиш белгилари асосида тасвирлаш криминалистика фанида «**Шахсни оғзаки усулда тасвирлаш**», «**субъектив портрет**», «**оғзаки портрет**» деб номланади. Бу тасвирлаш усулининг тергов ва суд амалиётида қўлланилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Дастлаб машҳур француз криминалисти А.Бертильон томонидан ишлаб чиқилган ушбу услуб кўп вақт давомида жиноятчиларни рўйхатга олиш мақсадида қўлланилган. Кейинчалик рўйхатга олиш учун жиноятчиларнинг бармоқ излари асос қилиб олинган, яъни дактилоскопик рўйхатга олиш қўлланиладиган бўлган ва ташқи қиёфани тасвирлаш фақат идентификация қилиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Одамларнинг ташқи қиёфаси белгилари асосида идентификацияни ўтказиш қўйидаги усулларда амалга оширилади:

1. Таниб олувчи шахс таниб олиш учун тақдим этилган кишини илгари кўрган ва унинг ташқи қиёфаси тузилиши белгиларини ёдида сақлаб қолган бўлсагина дастлабки тергов жараёнида таниб олиш тергов ҳаракатини ўтказиш имконияти бўлади.

2. Фотосуратда тасвирланган шахсни идентификация қилиш усули асосан фотосуратларни ўзаро солиштириш усули асосида амалга оширилади. Одамни ёки номаълум мурданинг фотосурати билан бедарак йўқолган фуқаронинг фотосуратини ўзаро солиштириш йўли билан улар бир одамнинг ёки айнан шу фуқаронинг фотосуратими ёки бошқа — бошқа кишиларникими деган масала ҳал қилинади. Бунга тергов амалиётидан жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Жумладан, 2000 йил 22 май куни соат 08—00 лар чамасида Тошкент шаҳри, Сирғали тумани «Йўлдош—13» даҳаси, 48—уйнинг қаршисидаги ариқ четида тахминан 30—35 ёшлардаги номаълум аёл кишининг мурдаси бўйни соҳасида жароҳатлари мавжуд бўлган ҳолатда топилган.

Мазкур ҳолат юзасидан Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан **Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97—моддаси 1—қисми билан жиноят иши қўзғатилган** ва дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилган.

Тергов жараёнида жиноят қурбони бўлган аёл Тошкент шаҳри «Қўйлиқ—5» мавзесидаги 26—уй 13—хонадонда яшаган, 1969 йилда туғилган, 2000 йил 21 май куни соат 24—00 лар чамасида опаси Рем Татъянанинг уйдан чиқиб кетиб, бедарак йўқолган Цой Ольга Викторовна деган хулосага келинган. Дастлабки тергов давомида бедарак йўқолган О.В.Цойнинг фотосурати билан мурдаси

топилган шахси номаълум аёлнинг бош соҳаси суяги тегишли экспертизалар ўтказиш йўли билан текшириб кўриш ташкил этилган. Суд тиббий экспертизанинг ва суд тиббий криминалистика экспертизанинг хулосалари билан шахси номаълум аёлнинг мурдаси О.В.Цойга тегишли эканлиги тўлиқ тасдиқланган.

3. Одамнинг ташқи қиёфаси белгилари асосида тезкор — қидирув ишлари амалга оширилиши мумкин. Бунда жиноий жавобгарликдан бош тортиб, дастлабки тергов ёки суд идораларидан қочиб юрган шахсларнинг, бедарак йўқолган фуқароларнинг ташқи қиёфа белгилари асосида тасвирлаш усули ёрдами билан қидирув эълон қилинади.

4. Одамларнинг мурдаси ёки суяк қолдиқлари бўйича ташқи қиёфа хусусиятларини тиклаш мумкин. Бу ҳолда мурданинг бош соҳаси суяги мум, парафин, пластилин ёрдами билан бет мускул қисмларини тиклаш мумкин ёки бош соҳаси суяги билан ҳаётлик вақтидаги фотосуратини солиштириш усули билан таққослаб текшириб кўриш мумкин. Тошкент шаҳрида бу вазифани амалга оширишда тергов — тезкор ходимларига суд тиббий экспертлари самарали ёрдам бериб келмоқдалар.

Хусусан, 2001 йил 28 февраль куни соат 12 — 00 лар чамасида С.Раҳимов тумани, Тансиқбоева мавзеси, 1 — уйнинг орқа томонидаги оқиб ўтувчи «Қичқириқ» анҳорида номаълум эркак кишининг мурдаси таниб

бўлмайдиган ҳолатда топилган эди. Шаҳар прокуратурасининг махсус тергов гуруҳи томонидан видеокамера ва фотоаппарат қўлланилган ҳолда ҳодиса жойи ва шахси номаълум мурда сифатли кўздан кечирилди. Шахси номаълум эркак кишининг юз соҳаси таниб бўлмайдиган даражада чириб кетган эди. Шунинг учун суд тиббий экспертизасини ўтказиш жараёнида шахси номаълум фуқаронинг юзи соҳаси тегишли усул ва услублардан фойдаланилган ҳолда қайта тикланди. Натижада бу шахси номаълум фуқарони таниб олиш учун рангли фотосуратга олиш имконияти пайдо бўлди. Бу эса ўз навбатида унинг шахсини қисқа вақт ичида аниқлашга кўмаклашди.

Кишининг шахсини аниқлаш ва идентификация қилиш вақтида унинг устида бўлган кийими, бош кийими ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бедарак йўқолган фуқаронинг яқин қариндошлари, оила аъзолари томонидан ариза тушган ҳолатларда шу бедарак йўқолган фуқаронинг ташқи қиёфаси белгилари ёзма аризада тасвирлаб берилади, шу билан бирга қидирувни ташкил қилиш учун бедарак йўқолган фуқаронинг қандай кийимда эканлиги аниқланади. Шу кийимларнинг белгилари ташқи қиёфаси белгилари билан бир қаторда таниб олиш ва идентификация қилиш учун фойдаланилади.

Хусусан, Тошкент шаҳар прокуратураси махсус тергов – тезкор гуруҳи томонидан

фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги ҳолати билан боғлиқ жинойт ишларини тергов қилишда юқорида қайд этиб кўрсатилган усулдан самарали фойдаланилмоқда. Бу ҳам ўз навбатида самарали натижалар бермоқда.

Одамнинг ташқи қиёфа белгиларини асосан икки гуруҳга бўлиш мумкин. Булар қуйидагилардир:

1. Анатомик белгилар одамнинг умумий гавдасини, калла суягини, юзининг тузилишини ўз ичига олади. Бу гуруҳга оид белгилар киши туғилган вақтдан то умрининг охиригача ўзгаришсиз қолади. Одамнинг болалик вақтидан вояга етиши, ўсиши билан белгиларнинг ҳажми ҳам катталашади, лекин асосий моҳияти, тузилиши ўзгармай қолади. Шунинг учун ҳам бу қисмдаги белгиларни статик белгилар деб ҳам атайдилар.

2. Функционал белгилар кишиларнинг маълум ҳаракатлари жараёнида ҳосил бўлади. Масалан, юриш одамнинг қадам ташлаши, қўл ва бошқа тана аъзоларининг ҳаракати билан пайдо бўладиган белгилардан биридир. Бу гуруҳга кирувчи белгиларни динамик белгилар деб атайдилар.

Биринчи гуруҳга оид белгилар асосий ўрин тутади ва одамларнинг ташқи қиёфасини тасвирлашда муҳим ҳисобланади, чунки уларни кўриш ва таърифлаш учун қандайдир шарт-шароитлар талаб қилинмайди.

Иккинчи гуруҳга оид белгилар эса, аксинча, маълум шароитдагина вужудга келади.

Масалан, қадам ташлаш хусусияти юриш, қўл ҳаракати, тапириш, нутқ сўзлаш вақтида ҳосил бўлади ва уларни ўша пайтдагина кўриш ва кузатиш мумкин. Баъзи бир функционал белгилар анатомик белгилар билан боғлиқдир.

Ҳар иккала гуруҳдаги белгиларни алоҳида кўриб чиқамиз.

I. Анатомик белгиларга қўйидагилар киради:

1. **Одамнинг тана тузилиши** бўйи баланд, ўрта ва паст бўлиши мумкин. Эркаклар учун 165 см. ўрта бўй, 170 см. дан юқориси баланд, 160 см. дан ками паст бўй ҳисобланиши мумкин.

Аёллар учун 155 см. ўрта, 150 см. дан ками паст ва 160 см. дан юқориси баланд бўйли ҳисобланиши мумкин. Агар одамнинг бўйи I метрдан кам бўлса, пакана ҳисобланади.

2. **Одам қади-қоматининг умумий тузилиши** тўла, семиз, қотма ва ориқ, баъзи ҳолларда жуда ориқ бўлади.

3. **Одамнинг калласи шакли** думалоқ, чўзинчоқ, тўртбурчаксимон, баъзан эса учбурчаксимон, размери катта, ўрта, кичик бўлади.

4. **Одам сочининг ранги** қора, малла, сариқ, жигар ранг, тузилиши жиҳатдан эса текис, тўлқинланиб турувчи ва жингалак, ўсиш ва тўкилиш жойига нисбатан бош соҳасининг тепа қисмида, орқа қисмида сочи кам ёки умуман кал бўлади.

5. **Одамнинг бўйни** узун, йўғон, ўрта, ориқ бўлиши мумкин.

6. **Одамнинг елка курак тузилиши** тўғри ёки букчайган, олдинга қараган ҳолда бўлиши мумкин.

7. **Одамнинг қўллари** узун, калта, ўрта, кафт қисми катта, кичик, **одамнинг оёқлари** узун ёки калта, тузилиши тўғри, қийшиқ бўлиши мумкин.

8. **Одам юзининг тузилиши** шакл ва ҳажм билан ифодаланади: думалоқ, чўзиқроқ ёки тўртбурчаксимон. **Пешонаси** катта ёки кичик. Ён томонидан текис, дўнг пешана ёки қийшиқ, қоши тўғри, ёйсимон; ўсиши қалин, сийрак, бир — бирига қўшилган ёки оралиғи кенг, ранги сочидан фарқ қилса, алоҳида кўрсатилади. **Кўзлари** катта, ўрта, кичик. Ранги қора, ҳаво ранг, кўк, жигар ранг. Шакли юмалоқ, қийиқ (монгол — хитойларникига ўхшаш). Жойлашиши: чуқур, ўрта, бўртиб чиққан. **Бурун** ён томондан текис, ёйсимон ва паст (пучуқ), узун калта ва ўрта. Кенглиги (бурун асоси ёки катталигига нисбатан) катта, кенг, ўрта ва тор, кичик буруннинг учи кўтаришган ёки пастга қараган ҳолда бўлади.

9. **Одамнинг лаблари** қалин, ингичка, йўгон. Энгак шакл жиҳатдан думалоқ, учбурчак ёки тўртбурчаксимон, орқага ёки олдинга чиққан, ўртаси чуқурча, ариқча, қўшалоқ энгак ва ҳакоза бўлиши мумкин.

10. **Одамнинг қулоқлари** катта, кичик, ўрта. Шакли думалоқ, учбурчак, чўзиқроқ, калла суюгига нисбатан яқин жойлашган ёки аксинча, шалпангқулоқ. Қулоқнинг асосан пастки зирак безаклари тақиладиган жойи

унинг шакли ва айрим белгилари алоҳида кўрсатилиши керак.

II. Функционал белгиларга гавданинг умумий ҳаракати, қадам ташлаши, қўл ҳаракати, овоз ва сўзлаш хусусиятлари киради:

1. **Одам гавдасининг умумий ҳаракати** одамнинг юрган ёки бир жойда турган вақтида гавда ўзига хос шаклни ифода этади. Баъзилар бошини юқори кўтариб, кўкрак қафасини кенг, елкаларни тўғри, текис тутиб юради. Баъзилар эса бошини олдинга ёки ёнбошига энгаштириб юрадилар, уларда елка орқага чиққан бўлиб, гавда олдинга эгилган бўлади. Гавданинг ўзига хос ҳаракати хусусиятлари ёшлиқдан шаклланиб кўп йиллар ўзгаришсиз қолиши мумкин. Лекин шахс жисмоний бадан тарбия қилса, унга хос бўлган айрим белгилар ўзгариши мумкин. Шунинг учун баъзи ташқи қиёфа белгилари ўзгарувчан бўлиб, уларни идентификация қилиш учун фақат бошқа белгилар йиғиндиси билан бир қатордагина қўллаш лозим.

2. **Одамнинг қадам ташлаши.** Одам юриш жараёнида фақат унинг оёқларигина ҳаракат қилмай, балки гавдаси, қўллари ҳам ўзаро мос равишда ҳаракат қилади. Қадам ташлаш оғир, енгил, тез, секин, майда қадам, нотекис юриш, гавданинг чайқалиши ва шу каби хусусиятларга эга бўлиши мумкин.

3. **Сўзлаш** вақтида қўл ҳаракат қилади («Жестикауляция»). Бу хусусият турли шаклда ифодаланади. Гапираётган одам бир ёки иккала қўли билан ҳаракат қилиши мумкин. Бу ҳаракат тез ёки секин, қўллар кенг қулоч ёзади

ёки сезилар – сезилмас қимирлайди, қўллар бир – бирини ушлаб, бармоқлари маълум ҳаракатда бўлади. Айрим шахслар қўлларини чўнтақда тутиб туришга одатланиб қоладилар, сўзлаганда ҳам шу ҳолат сақланиб қолади.

4. **Одам юзи (бети) мускулларининг ҳаракати («Мимика»).** Кишининг ички кечинмалари асосида юзининг мускуллари турли ҳаракатга келиши мумкин. Лабларини тишлаш, қошларини чимириш, баланд ёки паст овозда сўзлаш ва кўзларини маълум вақтларда қисиб қараш одат бўлиб қолади.

5. **Одамнинг овози хусусиятлари** гапириш вақтида намоён бўлгани учун кишининг овоз хусусияти функционал белгилар қаторига киради. Овоз баланд, ўрта, паст, йўғон, ингичка ва жарангдор бўлиши мумкин. Айрим шахслар бўғиқ (хирилловчи) ёки бурундан чиқувчи овозга эга бўладилар. Овоз тембри бўйича эса бас, баритон, тенор, сопрано каби турларга бўлинади.

6. **Одамнинг сўзлаш хусусиятлари** нутқининг тез, ўрта, секин, хотиржам ва шошилиб сўзлаш, жумлаларни бир – биридан ажратиб гапириш ёки тўхтаб – тўхтаб сўзлаш билан белгиланади. Сўзлаш жараёнида юз берадиган нутқдаги айрим камчиликлар идентификация қилиш учун катта аҳамиятга эгадир. Буларга қўйидаги аломатлар киради: айрим ҳарфларни, товушларни нотўғри ифода этиш, яъни тутилиш, дудуқланиш, нутқда маҳаллий шевадаги сўзларни ишлатиш ва шу кабилар.

Тергов амалиётида жиноят натижасида жабрланганларни, жиноят содир этилишини бевосита кўрган ва жиноятчиларнинг ўзаро

суҳбатларини бевосита эшитган шахсларни аниқлаб, уларни иш ҳолатлари юзасидан батафсил сўроқ қилиш йўли билан юқорида қайд этилган ҳолатларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, гумонда бўлган шахсларнинг ўзаро сўзлашувларини, овозини таниб олиш тергов ҳаракати олдиндан пухта режалаштирилган асосда ўтказилса, яхши самара ва натижалар бериши мумкин. Кўпгина жинойтчилар томонидан, агар улар жазони ижро этиш жойларида жазони ўтаб чиққан шахслар бўлса, жинойт оламида кўпроқ фойдаланиб ишлатиладиган «**жаргон**» сўзлар қўлланилиши мумкин. Айрим шахслар эса бир хил сўзларни кўпроқ ишлатишга одатланган бўладилар. Бундан мавҳум ҳолатларда содир этилган ўта оғир жинойтларни фош этишда тўғри ва самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Одам ташқи қиёфасини тасвирлашда айрим кўзга ташланадиган алоҳида белгилар муҳим ўрин тутаяди. Бундай алоҳида белгилар доимий равишда мавжуд бўлади, шунинг учун улар ҳам функционал белгилар ҳисобланади. Оёқ ва қўллардаги мавжуд касаллик аломатлари, масалан, букри, қийшиқ каби одам танаси бирор аъзосининг камчилиги бунга мисол бўла олади. Нор, ҳол, сўтал, тиртиқ ёки чечак ёхуд бошқа бирор жароҳат излари, татуировка (баданга игна билан ёзиш, расм чизиш), чўлоқланиш, тана аъзоларида бошқа баъзи камчилик ёки айрим белгиларни, яъни

уч — тўрт бармоқли кафт ёки олти бармоқли қўлларни учратиш мумкин.

Кўрсатиб ўтилган белгилар, айниқса, тезкор — излов ва қидирув ишларида ҳамда тергов амалиётида кенг қўлланилади. Одам портретини оғзаки тасвирлашда бу белгилар алоҳида гуруҳни ташкил қилади ва жинойтчиларни рўйхатга олишда, тезкор — излов ва қидирув ишларини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент шаҳар прокуратураси идораларининг терговчилари томонидан дастлабки тергов жараёнида ҳодиса жойида, ҳодиса жойига келиш ёки кетиш йўлларида жинойтчини бевосита кўрган гувоҳларнинг кўрсатувлари бўйича **«Жинойтчининг оғзаки портретини»** тайёрлаш ва шу усулда тергов йўли билан номаълум жинойтчини аниқлаш ҳамда тезкор йўллар билан қидириб топиш ишини ташкил этиш кенг қўлланилмоқда.

Жумладан, 2001 йил 16 май куни соат 11—00 лар чамасида Чилонзор тумани С.Юсупов кўчасида жойлашган бассейн биноси қурилаётган ҳудудда шахси номаълум аёл кишининг мурдаси бош мия суягининг очиқ жароҳати билан топилган. Ушбу ўта оғир жинойтни тергов қилиш жараёнида 2 та гувоҳ топилиб, улар номаълум жинойтчининг ҳодиса жойидан кетаётганлигини кўрганликлари ва номаълум жинойтчининг ташқи кўриниши ва алоҳида белгилари, кийимлари ҳақида кўрсатувлар беришган. Дастлабки тергов давомида жинойт қурбони бўлган шахс фуқаро

С.Грико эканлиги тасдиқланган. Шу 2 та гувоҳнинг кўрсатувлари бўйича жиноятчининг фотороботи ва рассом томонидан чизиб тайёрланган махсус портрети тайёрланган. Кейинги тергов жараёнида эса шу икки гувоҳларнинг кўрсатувлари ва улар кўрсатуви бўйича тайёрланган **фоторобот ва портрет ёрдамида** мазкур ўта оғир жиноятни содир этган М.Гайнулин аниқланган.

Одамнинг ташқи қиёфаси белгиларидан дастлабки тергов жараёнида тўғри фойдаланиш мавҳум ҳолатларда содир этилган ўта оғир жиноятларни фош этишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб хизмат қилади. Бу ҳақда тергов амалиётидан яна кўп мисоллар келтириш мумкин.

**Ҳамроев
Ҳикматилло
Нарзуллаевич**



Навоий вилоят прокуратурасининг
криминалист прокурори
1 – даражали ҳуқуқшунос

Қисқача таржимаи ҳоли

Ҳ.Н.Ҳамроев 1971 йилда Бухоро вилоятининг Пешку туманида туғилган, миллати ўзбек, олий маълумотли ҳуқуқшунос.

Прокуратура идораларида 1994 йилдан буён ишлаб келмоқда. 1994–1998 йилларда Нурота тумани прокурорининг ёрдамчиси, 1998–1999 йилларда Навоий шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси бўлиб ишлаган.

2000 йил сентябрь ойидан буён Навоий вилояти прокуратурасининг криминалист прокурори лавозимида ишламоқда.

Содир қилинган жиноят учун жазо муқаррардир

1999 йил 03 июль куни эрталаб соат 09—00 лар чамасида Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги хонадонларнинг бирида 1944 йилда туғилган **фуқаро Никита Хариннинг** мурдаси қотиллик аломатлари билан топилган.

Ҳодиса жойига зудлик билан Зарафшон шаҳар прокурори раҳбарлигидаги тергов — тезкор гуруҳлари етиб келган. Тегишли мутахассислар иштирокида видеокамера ва фотоаппарат қўлланилган ҳолда ҳодиса жойи ва мурда тўлиқ кўздан кечирилган. Ҳодиса жойидаги стол устида қолдирилган бир дона ароқ идишида ва ароқ истеъмол қилинган 2 дона пиёлада бармоқ излари топилиб, текшириб кўриш учун олинган. Фуқаро Н.Хариннинг мурдаси кўздан кечирилганида танасининг ўмров соҳасида ўткир — кесувчи предмет билан етказилган 2 та тан жароҳати борлиги, хонадондаги ҳолат бузилганлиги, барча нарса ва буюмлар титиб кўрилганлиги аниқланган. Ҳодиса жойида уй эгасининг нақд пуллари, кириш эшигининг калити ва жиноят қуроли топилмаган.

Суд тиббий экспертизасининг дастлабки хулосаси бўйича фуқаро Н.Хариннинг пичоқлаб ўлдирилганлиги тасдиқланган. Шу куниеқ Зарафшон шаҳар прокурори томонидан мазкур ҳолат юзасидан **Ўзбекистон**

Республикаси Жиноят Кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган ва дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказишлик шаҳар прокуратурасининг катта терговчисига топширилган. Мавҳум ҳолатларда содир этилган бу ўта оғир жиноятни ўз вақтида фош этиш учун Зарафшон шаҳар прокуратураси ва ички ишлар бўлимининг тажрибали ходимлардан иборат таркибда тергов — тезкор гуруҳлари тузилган. Фуқаро Н. Харин танишларидан бири томонидан мол — мулкига эгалик қилиш мақсадида босқинчилик йўли билан қасдан ўлдирилган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тергов тахмини илгари сурилган ҳолда бажарилиши лозим бўлган тергов ҳаракатларининг ва тезкор — излов ишларининг биргаликдаги режалари ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

Дастлабки тергов бошланишида тергов — тезкор гуруҳи томонидан жиноят қурбони бўлган Н.Хариннинг юриш — туришини, танишлари ва ўртоқлари доирасини, нима ишлар билан шуғулланишини, кимлар билан кўпроқ ўзаро мулоқатда бўлиб келганлигини ва бошқа унинг шахси билан бевосита боғлиқ ҳолатларни аниқлашга алоҳида аҳамият берилган. Тезда унинг қўшнилари, бирга ишлаган ҳамкасблари, уйига келиш ва кетиш йўллари, шу йўл четида жойлашган чойхона, дўкон ва бошқа корхона, ташкилотларда ишловчи, якка тартибда меҳнат ҳамда савдо — сотиқ билан шуғулланувчи

шахслар аниқланиб, улар гувоҳ тариқасида сўроқ қилинганлар.

Ҳодиса жойида топилган ва олинган бармоқ излари кимга тегишли эканлигини аниқлаш учун суд дактилоскопия экспертизаси ўтказиш ташкил қилинган. Ушбу экспертизанинг хулосаси бўйича **2 та бармоқ излари** номаълум жинойтчи томонидан қолдирилган бўлиши мумкинлиги тасдиқланган. Бу турдаги экспертизани ўтказиш йўли билан **200 га яқин** муқаддам судланган ва ўта фир жинойтларни содир этишга мойил бўлган шахсларнинг қўл ва бармоқ излари текширилган. Мазкур бармоқ излари ички ишлар идораларининг Ахборот Марказларида мавжуд бўлган маълумотлар бўйича ҳам текширилган. Лекин улар ижобий самара бермаган

Дастлабки тергов давомида фуқаро Н. Харин турмуш ўртоғисиз бир ўзи, ёлғиз яшаганлиги, уларнинг никоҳи суд орқали бекор қилинганлиги, тоғ-кон заводида ишчи бўлиб ишлаганлиги, **2 та қизи** Москва ва Новосибирск шаҳарларида яшаганлиги, улар билан хат ёзишиб турганлиги, мазкур ўта оғир жинойт содир этилиши арафасида, яъни 1999 йил 25 июнь куни меҳнат таътилига чиққанлиги, иш жойидан **67 минг сўм нақд пул** олганлиги, қизини кўриш учун Москва шаҳрига бормоқчи бўлганлиги аниқланган.

Гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган А.Баринов ўз кўрсатувларида 1999 йил 29 июнь куни соат 23—00 лар чамасида қўшниси

Н.Харин яшаган квартирага нотаниш, европа миллати вакилига ўхшаш бир киши келганлигини, унинг ташқи кўриниши, алоҳида белгиларини баён қилган, таниб олиши мумкинлигини билдирган. Унинг кўрсатувлари бўйича «фоторобот» тайёрланиб, тегишли тезкор – излов ва қидирув ишлари олиб борилган.

Мавҳум ҳолатларда содир этилган ушбу ўта оғир жиноятни фош этиш юзасидан олиб борилган бу ишлар ўз самарасини бермаётган эди. Бу жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилишининг 5 ойи яқунланиши арафасида Навоий вилояти прокуратураси раҳбарияти томонидан тергов – тезкор гуруҳи таркибига ўзгартириш киритилиб, Навоий вилояти прокуратурасининг криминалист прокурори, 1 – даражали юрист А.С.Абдуллаев шу тергов – тезкор гуруҳининг раҳбари этиб тайинланган. У мазкур жиноят ишини ўз иш юритувига қабул қилиб, тегишли тергов ҳаракатларини ўтказишга киришган.

Тергов – тезкор гуруҳи томонидан тўпланган жиноят иши ҳужжатлари синчиклаб ўрганилган, бажарилиши лозим бўлган тергов ҳаракатларининг ва тезкор – излов ишларининг биргаликдаги қўшимча режалари ишлаб чиқилиб тасдиқланган.

Бунда **асосий эътибор** жиноят қурбони бўлган Н. Хариннинг бирга ишлаган ҳамкасбларини, ўртоқларини, кимлар билан учрашиб, бирга улфатчилик қилган танишларини аниқлашга, шахсига оид бошқа

маълумотларни ўрганиб, тўлиқ текшириб кўришга алоҳида эътибор берилган. Ҳар бир гувоҳни сўроқ қилишнинг алоҳида режаси ҳам ишлаб чиқилиб тасдиқланган.

Улар иш ҳолатлари бўйича аввал ишлаб чиқилиб тасдиқланган режа асосида батафсил гувоҳ сифатида сўроқ қилинганлар. Сўроқ жараёнида эса гувоҳлар томонидан келтирилган ҳар бир важ бошқа тергов ҳаракатлари ўтказиш йўли билан текшириб кўрилиб, уларнинг кўрсатувлари тўғри ёки нотўғри эканлигига баҳо бериб борилган.

Дастлабки тергов давомида аниқланган ҳолатлар ва тўпланган тезкор маълумотлар асосида ушбу қасддан одам ўлдириш жинояти фуқаро Н.Хариннинг яқин танишларидан бири томонидан 67 минг сўм нақд пулига эгалик қилиш мақсадида содир қилинган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги тергов тахмини илгари сурилган.

Тергов – тезкор гуруҳи томонидан Зарафшон шаҳрида доимий яшаш жойига эга бўлмаган, ҳеч қаерда ишламайдиган, муқаддам 3 марта судланиб, жазони ўтаб, 1999 йил май ойида Зарафшон шаҳрига қайтиб келган **Сергей Кутьков** аниқланиб, унинг шу жиноятга алоқаси бор – йўқлиги текшириб бошланган.

Сўроқ қилинган С.Кутьков жиноят натижасида жабрланган фуқаро Н.Харинни танимаслигини, унинг квартирасига умуман бормаганлигини баён қилган. Лекин унинг сўроқ давомида безовта бўлиб, ўзини ғалати, қандайдир бошқача тутаётганлиги терговчида

унга нисбатан гумонларнинг кўпайиши учун асос бўлган.

Шунинг учун ушбу гумонларни текшириб кўриш мақсадида зудлик билан унинг қўллари кафтлари ва бармоқлари изларидан намуналар олиниб, суд дактилоскопия экспертизаси ўтказишлик тайинланган.

Мазкур экспертизанинг хулосаси бўйича жиноят қурбони бўлган Н.Хариннинг квартирасида – ҳодиса жойида топилган ароқ идишидаги ва **2 дона пиёлада** топилиб, текшириб кўришлик учун олинган излар айнан С.Кутъков томонидан қолдирилганлиги ҳамда унинг бармоқ излари билан бир хил эканлиги тасдиқланган.

Гувоҳ А.Бариновга жиноят содир этишда гумон қилинаётган С.Кутъков **таниб олиш учун** тақдим этилганда у 4 та шахс орасидан С.Кутъковни таниб олиб, уни 1999 йил 29 июнь куни соат 23–00 лар чамасида Н.Хариннинг уйига кираётган вақтда кўрганлигини, уни ташқи кўринишидан, сочи калта эканлигидан, гавдаси ориқлигидан таниганлигини билдирган.

С.Кутъков ўзининг барча уринишлари зое кетганидан сўнг, ҳаракатларининг фойдасисиз эканлигини англаб, ўз айбига иқрорлик билдириб, содир этган ўта оғир жинояти тўғрисида батафсил кўрсатувлар берган. Сўроқ давомида унинг барча кўрсатувлари видеокамера қўлланилган ҳолда тўлиқ видеотасвирга олинган.

Дастлабки тергов жараёнида аниқланишича, С.Кутъков 1999 йил 29 июнь куни соат 23–00 ларда отасининг таниши бўлган Н.Хариннинг уйига келган, улар бирга ўтириб, вино истеъмол қилишган, ўзининг яшаш уйи йўқлиги сабабли Россияга кетган вақтида Н.Хариндан квартирасини вақтинча бериб туришини сўраган, улар ўртасида низо келиб чиқиб, ўзаро уруш – жанжал бошланган, Н.Харин урмоқчи бўлган вақтда С.Кутъков ёнида олиб юрган пичоқ билан унинг кўкрак соҳасига 2 марта уриб, қасддан ўлдирган. Сўнгра уйда яшириб қўйилган 67 минг сўм нақд пулини ўғирлаб олган. Квартиранинг кириш эшигини эса калити билан қулфлаган, калитни эса олиб кетиб, яшириб қуйган. Ўғрилаб олинган 67 минг сўм нақд пуллари ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Тергов давомида айбланувчи С.Кутъковнинг кўрсатувлари видеокамера қўлланган ҳолда ҳодиса жойига чиқиб, текшириб кўрилган. Мазкур тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида жиноят қуроли бўлган пичоқ ва Н.Хариннинг уйига кириш эшиги калити топилган ҳамда текшириб кўриш учун олинган. Улар терговчининг қарори асосида ашъвий далил деб эътироф этилган ва жиноят ишига қўшилган.

Суд биология экспертизасининг хулосаси бўйича пичоқда қон доғлари топилиб, улар Н.Хариннинг қон гуруҳи билан бир хил эканлиги тасдиқланган.

Тергов эксперименти ўтказилган вақтда эса шу калит ёрдамида Н.Хариннинг квартирасига кириш эшиги бемалол очиб ёпилган.

Бу пичоқ ва фуқаро Н.Хариннинг квартираси кириш эшигининг калити айнан С.Кутьков томонидан қотиллик жинояти содир қилинганлигини исботлашда муҳим ашёвий далил сифатида хизмат қилди.

Тергов — тезкор гуруҳи томонидан тўғри тергов тахминлари илгари сурилиб, улар атрофлича ва тўлиқ текширилганлиги, тергов ва тезкор гуруҳининг иши режа асосида тўғри ташкил этилганлиги сабабли мавҳум ҳолатларда содир этилган қасддан одам ўлдириш жинояти орадан анча вақт ўтгандан сўнг тўлиқ фош этилган.

Мавҳум ҳолатларда содир этилган, кўп вақт давомида фош этилмасдан қолган ўта оғир жиноятнинг фош этилишида **Навоий вилояти прокуратурасининг криминалист прокурори А.Абдуллаев** алоҳида ташаббус ва фаоллик кўрсатганлиги мақтовга лойиқдир.

Тергов идораси томонидан С.Кутьковга ЎЗР ЖКнинг 97 — моддаси 1 — қисмида ва 169 — моддаси 3 — қисми «а,б» — бандларида кўрсатилган жиноятларни қасддан содир этганликда айблов эълон қилиниб, у ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган. Унга нисбатан қамоқда сақлаш эҳтиёт чораси қўлланилган. Тергов ҳаракатлари қисқа муддатда ўтказилиб тамомланган.

Жиноят иши айблов хулосаси билан Зарафшон шаҳар судига юборилган.

Тергов идораси С.Кутъков томонидан қотиллик жинояти содир этилганлиги учун жазонинг муқаррарлигини тўлиқ таъминлади.

Айбдор содир қилган қилмишига яраша жазосини олди. Суднинг айблов ҳукми билан С.Кутъков юқорида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилиб, унга 13 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилди. Суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган.

**Турсунов
Шукурулло
Хўжамқулович**



Сирдарё вилояти прокуратурасининг
криминалист прокурори,
2 – даражали ҳуқуқшунос

Қисқача таржимаи ҳоли

Ш.Х.Турсунов 1966 йилда туғилган, миллати ўзбек, олий маълумотли ҳуқуқшунос.

1996 йилда Тошкент Давлат Юридик институтини сирдан тамомлаб, 1996–1999 йилларда Сирдарё вилояти, Ховос тумани прокурорининг ёрдамчиси, шу туман прокуратурасининг катта терговчи бўлиб ишлаган.

2000 йил июнь ойидан бошлаб Сирдарё вилояти прокуратурасининг криминалист прокурори лавозимида ишлаб келмоқда.

Ёлланган қотил (ёки қасддан одам ўлдириш жиноятининг фош этилиши тафсилотлари тўғрисида)

1999 йил 02 январь куни соат 10 – 00 лар чамасида Сирдарё туманлараро прокуратурасига «Сирдарё» ширкатлар уюшмасининг 2 – бўлими ҳудудидаги дала майдони орқали оқиб ўтувчи, атрофлари қамишзор бўлган канал четида **шахси номаълум эркак кишининг мурдаси** топилганлиги тўғрисида хабар келган.

Мазкур хабар асосида Сирдарё туманлараро прокуратураси ва ички ишлар бўлими тезкор ходимлари зудлик билан ҳодиса жойига етиб келишиб, улар томонидан тегишли мутахассислар жалб этилган ҳолда ҳодиса жойи ва шахси номаълум мурдани синчковлик билан, атрофлича кўздан кечириш ташкил этилган. Ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида видеокамера қўлланилиб, ҳодиса жойидаги барча ҳолатлар, унинг теварак – атрофлари ҳамда шахси номаълум мурданинг ташқи кўринишлари, алоҳида белгилари ва кийимлари видеотасвирга олинган.

Шунингдек, шахси номаълум мурда ва кийимларининг таниб олиш учун рангли фотосуратга олинishi таъминланган. Кўздан кечириш жараёнида шахси номаълум мурда маҳаллий миллат вакилига ўхшаш эканлиги,

ёши тахминан 20–23 ёшларда бўлганлиги, мурданинг баъзи тана соҳалари ёввойи ҳайвонлар томонидан еб кетилганлиги, бош соҳаси кесиб ажратиб олинганлиги ва ўз ўрнида йўқлиги, жасад эса скелетланган ҳолда эканлиги аниқланган. Ҳодиса жойининг теварак – атрофини кўздан кечириш жараёнида эса шу жойдан 200 метр узоқликда шахси номаълум мурданинг **пастки жағ қисми соҳаси** топилиб, текшириб кўриш учун олинган. Бироқ ҳодиса жойида бирорта оёқ, қўл ёки бошқа жиноят изи ва жиноят қуроли топилмаган. Кинолог мутахассис томонидан хизмат – қидирув ити қўлланилган бўлсада, бу иш бирор ижобий натижа бермаган.

Зудлик билан номаълум шахснинг ўлими сабабларини аниқлаш мақсадида суд тиббий экспертизаси ўтказишлик ташкил этилган. Суд тиббий экспертининг дастлабки хулосаси бўйича мурдаси топилган шахси номаълум фуқаро қотиллик жиноятининг қурбони бўлганлиги тасдиқланган.

Шу куниёқ Сирдарё туманлараро прокуратураси томонидан мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **97-моддаси 1-қисми** билан жиноят иши қўзғатилган ва дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказишлик бошланган. Туманлараро ИИБ томонидан эса ўз вақтида тезкор – излов йиғма жилди юритиш йўлга қўйилган. Туманлараро прокуратура ва ИИБнинг тажрибали тезкор ходимларидан

иборат таркибда тергов — тезкор гуруҳлари тузилган.

Мазкур тергов — тезкор гуруҳнинг олдида гоят қийин ва мураккаб бўлган вазифа — биринчи навбатда жиноят қурбони бўлган фуқаронинг шахсини аниқлаш, сўнгра эса гувоҳсиз ҳолатларда содир этилган қотиллик жиноятини фош этиш вазифаси турарди. Тегишли тергов тахминлари илгари сурилиб, ушбу қасддан одам ўлдириш жиноятини фош этишга қаратилган, биринчи навбатда бажарилиши лозим бўлган тергов ҳаракатларининг ҳамда тезкор — излов ва қидирув ишларининг биргаликдаги режалари ишлаб чиқилиб тасдиқланган. Бунда асосий эътибор **жиноят қурбони бўлган фуқаронинг шахсини** тезроқ аниқлашга қаратилган. Сирдарё вилоятидаги барча шаҳар ва туман прокурорларига шахси номаълум мурда топилганлиги, уларнинг ҳудудларида бедарак йўқолган фуқаролар бор — йўқлигини аниқлаш, агар бундай ҳолатлар рўйхатга олинган бўлса, улар тўғрисида зудлик билан маълумот тақдим этиш юзасидан алоҳида топшириқлар юборилган. Барча шаҳар — туман ИИБ бошлиқларига ҳам бу ҳақда хабарномалар берилган. Барча қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва маҳалла кўмиталари раисларига, кўп ходимлар ишлайдиган йирик корхона ва идоралар раҳбарларига бедарак йўқолган фуқаролар бор — йўқлигини атрофлича текшириб кўриш ҳақидаги топшириқлар берилган. Туман рўзномасида ва радиоси

орқали эълонлар бериш ташкил этилган. Аҳоли кўп тўпланадиган бозорларда, автобекатларда ва бошқа жойларда олдиндан махсус тайёрланган, шахси номаълум мурданинг ташқи кўриниши ва алоҳида белгилари, кийимлари қайд этилган, рангли фотосуратлари илова қилинган афишалар осиб қўйилган. Бу вазифани бажариш учун кенг жамоатчилик жалб қилинган. Амалга оширилган бу ишлар қисқа вақт ичида ўзининг ижобий самарасини берган. Орадан бир hafta вақт ўтгач, мурдаси топилган шахси номаълум фуқаро тижорат ишлари билан шуғулланган, 1971 йилда туғилган, Сирдарё туманидаги «Синдаробод» ширкатлар уюшмасининг 2-бўлимида яшаб келган, 1998 йил декабрь ойининг бошларида бедарақ йўқолган **Канимедов Бахтиёр Абдуқодирович** эканлиги аниқланган. Тергов давомида 18.03.1999 йилда номаълум шахснинг бош мия соҳаси суяги («череп») «Сирдарё» ширкатлар уюшмаси «Гигант-3» бўлими ҳудудида топиб олинган. Жиноят қурбони бўлган Б.А.Канимедовнинг ҳаётлик вақтида тушган 4 дона фотосурати олиниб, шу фотосуратлар билан ҳодиса жойининг теварак – атрофларини кўздан кечириш давомида топиб олинган настки жағ соҳаси ҳамда суд тиббий экспертиза ўтказиш жараёнида шахси номаълум мурдадан олинган бош суяк соҳаси («череп») ўзаро таққослаб текшириб кўриш учун суд тиббий криминалистика экспертизаси кўригидан ўтказилган. Мазкур экспертизанинг хулосаси

бўйича шахси номаълум мурдадан олинган бош суяк соҳаси («череп»), ҳодиса жойи яқинида топиб олинган пастки жағ соҳаси фуқаро Б.А.Канимедовнинг ҳаётлик пайтидаги фотосуратлари билан айнан бир хил эканлиги ўз тасдиғини топган.

Тергов ва суриштирув идоралари томонидан жиноят қурбони бўлган Б.А. Канимедовнинг юриш – туриши, муомаласи, ўртоқлари ва дўстлари доираси, бирга тижорат ишларини бажарган касбдошлари, бедарак йўқолишининг тафсилотлари, шахси атрофлича текшириб кўрилган. Унинг рангли металл тўплаш ва олиб – сотиш билан шуғулланганлиги аниқланиб, улар юзасидан бир нечта тергов тахминлари ишлаб чиқилиб, тегишли тергов ҳаракатлари ўтказилган. **Сирдарё туманлараро ИИБ ЖҚБ** тезкор вакиллари томонидан тегишли тезкор – излов ва қидирув ишларини амалга оширилган. Лекин мавҳум ҳолатларда содир этилган бу ўта оғир жиноятни бир ярим йилдан ошиқ вақт давомида фош этиш имконияти бўлмаган. Натижада бу жиноят иши бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаганлиги асос қилиниб, дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказишлик бир неча марта тўхтатилган.

Бироқ ушбу қотиллик жиноятининг фош этилмасдан қолаётганлиги вилоят ва туманлараро прокуратура раҳбариятига, тегишли тергов ходимларига тинчлик бермаётган эди. Шунинг учун ҳам мазкур

жиноят иши юзасидан ўтказилган дастлабки терговнинг ва олиб борилган тезкор—излов ишларининг аҳволи доимий равишда маҳкамалараро тезкор йиғилишларда тез—тез муҳокама қилиб борилган. Тўпланган далиллар, тергов ва суриштирув ҳужжатлари тажрибали ходимлар томонидан ўрганилиб, бажарилиши лозим бўлган тергов ҳаракатлари ва тезкор—излов ишларини ўтказиш тўғрисида бир нечта ёзма кўрсатмалар берилган.

2000 йил 13 март куни мазкур жиноят иши юзасидан кейинги тергов ҳаракатларини ўтказишлик Сирдарё туманлараро прокуратурасининг катта терговчиси лавозимига янги тайинланган 1—даражали юрист **Д.М. Сангировга** топширилган. У жиноят ишини ўз иш юритувига қабул қилган ва малакали терговчи сифатида жиноят иши ва тезкор—излов йиғма жилди материаллари билан тўлиқ танишиб чиққан. Текшириб кўрилиши лозим бўлган тегишли тергов тахминларини илгари сурган ҳолда тергов ҳаракатларининг ва тезкор—излов ишларининг қўшимча режасини ишлаб чиққан. Биринчи навбатда бу қотиллик жинояти жабрланган шахснинг яқин дўсти Алексей Ложкин томонидан содир этилган бўлиши мумкин деган тергов тахминини илгари сурган. Чунки дастлабки тергов жараёнида унинг қотиллик жиноятига алоқаси бор—йўқлиги тўлиқ текшириб кўрилмаган эди.

Терговчи бу тергов тахминини текшириб кўришни фуқаро А.Ложкиннинг

уйида ва ёрдамчи хўжалик биноларида жиноят қуроли ва жиноят қуролини қўллаш излари, бошқа жиноят изи бўлган нарсалар сақланаётган бўлиши мумкин деган фикр билан **тинтув** ўтказишдан бошлашни режалаштирган. Бунинг учун терговчи зудлик билан фуқаро А.Ложкиннинг уйида ва ёрдамчи хўжалик биноларида тинтув ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган.

Терговчи томонидан дастлаб ўта муҳим бўлган ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш давомида жиноят қурбони бўлган Б.А.Канимедовга тегишли бўлган кийимлар, нарсалар, фотосуратлар, блокнот ёки бошқа ёзувлар, шахсий ёки бошқа ҳужжатлар бор — йўқлигини аниқлаш ҳамда жиноят қуролини, ўзида жиноят изларини сақлаб қолган бошқа предмет ва буюмларни қидириб топиш мақсадида **қуйидагича режани** ишлаб чиққан:

1.Тахмин қилинаётган жиноят қуролини — ов милтиғини, ўқ — дориларини, ўқ отар қуролини қўллагандан сўнг қолиши мумкин бўлган гильзаларни қидириб топиш чораларини кўриш.

2.Фуқаро А.Ложкиннинг ҳар бир кийими (шими, куйлаги, майкаси, футболкаси, костюми, спорт кийимларини, ов кийимларини, оёқ кийимларини, курткаси, пальтоси ва бошқалар) ни уларда қон доғлари бор — йўқлигини аниқлаш учун атрофлича кўздан кечириш.

3.Фуқаро А.Ложкиннинг хонадонидаги кўрпа ва ёстиқларни бирма—бир кўздан кечириш.

4.Фуқаро А.Ложкиннинг хонадонидаги гилам ва паласларни бирма—бир кўздан кечириш.

5.Фуқаро А.Ложкиннинг хонадонидаги шкафларни, стол ва стулларни, диван ва краватларни бирма—бир кўздан кечириш.

6.Фуқаро А.Ложкиннинг хотира ёки кундалик дафтари бор—йўқлигини аниқлаш ва уларни кўздан кечириш.

7.Фуқаро А.Ложкиннинг шахсий, оилавий ва бошқа ҳужжатларини кўздан кечириш.

8.Фуқаро А.Ложкиннинг блокнотлари, ёзув дафтари, бошқа ёзувли қоғоз бўлаклари бор—йўқлигини аниқлаш ва уларни кўздан кечириш.

9.Фуқаро А.Ложкиннинг уйидаги мавжуд печкаларни бирма—бир кўздан кечириш.

10.Фуқаро А.Ложкиннинг уйи ошхонасидаги газ плитаси ичини, сақланаётган идишлар орасини бирма—бир кўздан кечириш.

11.Фуқаро А.Ложкиннинг хонадонидаги ва ёрдамчи хўжалик биноларидаги девор ва полларни бирма—бир кўздан кечириш.

12.Фуқаро А.Ложкиннинг уйи ертўласини бирма—бир кўздан кечириш.

13.Фуқаро А.Ложкиннинг уйи ва ёрдамчи хўжалик биноларининг «чертаги»ни бирма—бир кўздан кечириш.

14.Фуқаро А.Ложкиннинг уйи ҳовлисини, ҳовлисидаги барча дарахтларни, ер участкасини бирма — бир кўздан кечириш.

15.Фуқаро А.Ложкиннинг уйи ҳовлисидаги ўтинхонани бирма — бир кўздан кечириш.

16.Фуқаро А.Ложкиннинг уйи ҳовлисидаги товуқхонани бирма — бир кўздан кечириш.

17.Фуқаро А.Ложкиннинг уйи ҳовлисида жойлашган хожатхонасини кўздан кечириш.

18.Фуқаро А.Ложкиннинг уйи ҳовлисидаги чиқинди ташлаш учун мўлжалланган мусорхонасини ва унда сақланаётган барча нарсаларни бирма — бир кўздан кечириш.

19.Фуқаро А.Ложкиннинг уйида ва ёрдамчи хўжалик биноларида яширин жойлар бор бўлиши мумкинлигини текшириб аниқлаш.

20.Сақлаш ва фойдаланиш амалдаги қонун билан ман қилинган ҳамда жиноий йўл билан орттирилган бўлиши мумкин бўлган предмет ва буюмлар (наркотик воситалар ва психотроп моддалар) бор — йўқлигини текшириб аниқлаш.

Терговчи бу тўғрида Сирдарё туманлараро прокурори К.К. Ғозиевга ахборот бериб, тинтув ўтказиш учун унинг рухсатини олган. Шундан сўнг туман ИИБ тезкор ходимлари билан биргаликда 2 та холисни жалб этган ҳолда Сирдарё тумани «Малик» номли ширкатлар уюшмасининг Багиров кўчаси 15—уй 1—хонадонда яшовчи **фуқаро**

А. Ложкиннинг уйида ва ёрдамчи хўжалик биноларида ЎзР ЖПКнинг талабларига тўлиқ рия қилган ҳолда тинтув ўтказилган. Мазкур тинтув тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида ётоқхонадаги жавонда рус тилида «Султонов Собитга» деб ёзилган ёзув битилган **бир дона почта конверти** топилган. Ушбу конверт барча тергов ҳаракати иштирокчилари ҳузурида кўздан кечирилган вақтда унда оқ, стандарт қоғознинг бўлагида ёзилган хат борлиги, бу хатда рус тилида «Агар яна шу 2000 АҚШ долларини бермасаларинг, мен Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, туман ИИБ бошлиғи ва Б. Канимедовнинг онаси номларига Бахтиёрнинг ўлдирилганлиги тўғрисида хатлар ёзиб қўйганман, шу хатларни уларга жўнатиб юбораман» деган жумлалар ёзилганлиги аниқланган. Ушбу хатнинг мазмуни баланд овозда холисларга ва бошқа тергов ҳаракати иштирокчиларига ўқиб берилган. Ушбу хат конверти билан биргаликда шу жойнинг ўзида оқ қоғозда ўралиб, ўрам елим билан мустаҳкамланиб, унда тегишли ёзувлар қайд этилиб, тергов ҳаракати иштирокчиларининг фамилияси ва исми кўрсатилиб, улар томонидан имзоланиб, сўнгра эса туманлараро прокуратуранинг ҳужжатлар учун муҳри тасвири туширилган қоғоз бўлаги билан елимланиб, муҳрланган ҳолда текшириш учун олинган. Шунингдек, тинтув давомида ов милтигининг **20 дона** (патрон) ўқлари ва **4 дона** ўқ отар қуролидан отилган (гильза) ўқлари топилган бўлиб, улар ҳам юқорида кўрсатилган

тартибда алоҳида — алоҳида ўралиб, муҳрланган ҳолда текшириб кўриш учун олинган.

Ўз вақтида ва режа асосида ўтказилган тингув натижасида ўта оғир жиноят — қасддан одам ўлдириш жиноятининг содир этилганлиги исботловчи, фуқаро А.Ложкин томонидан содир этилган ўта оғир жиноятни фош этувчи ёзма далиллар топилган. Айнан шу почта конверти ва унда жойланган хат кейинчалик ушбу ўта оғир жиноятнинг фош этилишида муҳим аҳамиятга эга бўлган ёзма далил сифатида хизмат қилган.

Шундан сўнг **А. Ложкин** туманлараро прокуратура биносига таклиф қилиниб, видеокамера қўлланган ҳолда ҳимоячиси иштирокида гумон қилинувчи тариқасида сўроқ қилинган ва у дўсти **Б.Канимедов**нинг қасддан ўлдирилганлиги ҳолатлари тўғрисида батафсил кўрсатувлар берган. У ўз кўрсатувларида 1998 йил ноябрь ойида **Б.Канимедов** билан танишганлигини, **Б.Канимедов** Сирдарё шаҳрида яшовчи **Ражабов Ўктам** синглиси **Хилолова Умидани** алдаб номусига текканлигини, бунинг учун ундан ўч олиши зарурлигини, **Ў.Ражабов**ни ўлдиришда ёрдам беришни сўраганлигини, ёрдам бериши мумкинлиги ҳақида айтганлигини, орадан 2—3 кун ўтгандан сўнг **Сирдарё** нефть маҳсулотлари базаси ёнида таниши **Ў. Ражабов**ни кўриб қолганлигини, шунда **Б.Канимедов** томонидан айтилган таклифни **Ў. Ражабов**га маълум қилиб, ундан мўмай даромад ишлаб олиши мумкинлиги

тўғрисида фикр қилганлигини, шунинг учун унга «Сени бир одам ўлдирмоқчи» деб айтганлигини, Ў. Ражабов бу гапларни эшитиб, уларга қизиқиб қолиб, автомашинасида бирга уйига олиб келганлигини, укаси Султонов Собитни ҳам чиқириб келганлигини, биргаликда икки киши бўлишиб, тушунарлироқ қилиб гапириб беришни таклиф этишганликларини, шунда таниши Б.Канимедов сингласининг номусига текканлиги учун Ў.Ражабовни ўлдириб, ўч олиш ниятида юрганлигини, бу ишни бажаришда ёрдам сўраганлигини гапириб берганлигини, бу гапларни эшитган ака – укалар Б.Канимедовнинг ўзини ўлдириш тўғрисида буюртма беришганликларини, бунинг эвазига эса **4000 АҚШ доллари** беришларини ваъда берганликларини, уларнинг буюртмаси бўйича 1998 йил 04 декабрь куни Б.Канимедов билан бирга номаълум шофёр бошқарувида бўлган таксида Сирдарё ширкатлар уюшмасининг 2 – бўлими ҳудудига келишганлигини, Б.Канимедов «Ўктамни гаровга олиб яшириб қўяман ва бунинг учун унинг акасидан катта пул оламан» деб уни яширмақчи бўлган жойни кўрсатмоқчи бўлиб келишганликларини, шофёрга жавоб беришганликларини, йўлда келишда ўзаро низо чиқиб, Б.Канимедов тўппончаси билан отмоқчи бўлган пайтда уни бўйнидан бўғиб ўлдирганлигини, унинг мурдасини канал четидаги қамишзор ичида қолдирганлигини, тўппончани эса канал сувига отиб юборганлигини, қотиллик жинояти содир

етиш ҳақида буюртма берган Ў. Ражабов ва С. Султоновлардан ваъда қилинган 4000 АҚШ долларидан фақат 2000 долларини олганлигини, ярмини эса беришмаганликларини, шу сабабли уларга хат ёзганлигини баён қилган.

А.Ложкин ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этилиб, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганликда айблов эълон қилинган. У айбланувчи тариқасида сўроқ қилинган вақтда яна юқорида баён қилган кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлаган.

Айбланувчи **А.Ложкин** кўрсатувларини текшириб кўриш давомида у кўрсатган жойда Б.Канимедовга тегишли бўлган бир дона тўппонча топилмаган. Бу эса унинг терговни чалғитиш мақсадида ёлғон кўрсатувлар бераётганлигини исботлаган эди. Бундан ташқари, айбланувчи **А.Ложкин**нинг кўрсатувлари суд тиббий экспертизасининг хулосасига, Б.Канимедовнинг кийимларидаги жароҳатлар ўрнига, ишнинг бошқа баъзи ҳолатларига қарама-қарши бўлиб, уларга тўғри мос келмаётган эди.

Терговчи **Д.М.Сангиров** жиноят ишидаги бу қарама-қаршиликларни ва номувофиқлик ҳолатларини ўз вақтида тўғри аниқлаб, бу ҳолатларни тўғри баҳолай олди. Уларни одилона ва тўғри ҳал этишлик мақсадида терговчи томонидан гумон қилинувчи **А.Ложкин** иштирокида жиноят натижасида жабрланган **Б.Канимедов**нинг

кийимлари қўшимча равишда кўздан кечирилган. Бу тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида куртка, куртканинг астари ва куйлагининг ўнг елка қисмида жароҳатлар ўрни мавжуд бўлиб, улар бир хил йўналишда эканлиги, бу жароҳатлар ўрни ўқ отар қуролидан отилган ўқ таъсиридан олинган бўлиши мумкинлиги аниқланган. Жабрланувчи Б.Канимедовга тегишли бўлган куйлақда эса ўқ отар қуролнинг патронига тааллуқли бўлган **бир дона дроб** топилган ва текшириб кўриш учун олинган.

Фуқаро Б.А.Канимедовнинг мурдаси қўмилган қабристон аниқланиб, эксгумация ўтказилиб, комиссия тартибида қайта суд тиббий экспертиза ўтказиш ташкил қилинган. Ушбу экспертизанинг хулосаси бўйича Б.Канимедов бошининг орқа ва ўнг елка соҳаларида жароҳатлар мавжудлиги аниқланиб, у ўқ отар қуролидан отиб ўлдирилганлиги тасдиқланган.

Шунингдек, Б.Канимедовнинг бош суягида ўқ отар қуролидан етказилган жароҳатлар бор— йўқлигини аниқлаш учун суд тиббий криминалистика экспертизаси ўтказишлик тайинланган. Ушбу экспертизани ўтказиш жараёнида рентген йўли билан текшириб кўрилган вақтда Б.Канимедовнинг бош суягида бир дона дроб топилиб, бош суягининг орқа томонида жароҳат ўрни борлиги, бу жароҳат ўрни **12 калибмли ов милтиғи** ҳисобланган ўқ отар қурол билан 1—2

метр яқин масофадан отилган ўқ таъсиридан олинган бўлиши мумкинлиги тасдиқланган.

Ушбу топиб олинган **2 дона дроб** ва Б.А.Канимедовнинг кийимлари, **бош соҳаси суяги («череп»)** юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Х.Сулаймонова номидаги Республика илмий тадқиқот криминалистика марказида суд баллистика экспертизаси ўтказиш ташкил этилган. Мазкур экспертизанинг хулосаси бўйича экспертиза текшируви учун тақдим қилинган икки дона дроб 12 калибрли ов милтиғи ҳисобланган ўқ отар қуролидан отилган бўлиши мумкинлиги, кийимлардаги ва бош соҳаси суягидаги жароҳатлар ўрни эса шу турдаги ва калибрли ўқ отар қуролидан отилган ўқнинг таъсиридан етказилган бўлиши мумкинлиги, жароҳатлар ўрни тахминан 1—2 метр масофадан отилган ўқ таъсиридан олинган бўлиши мумкинлиги тасдиқланган.

Айбланувчи А. Ложкин ҳимоячиси иштирокида экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорлар ва экспертиза хулосалари олингандан кейин эса улар билан ўз вақтида тўлиқ таништирилган. Экспертиза хулосалари юзасидан қўшимча равишда сўроқ қилинган айбланувчи А. Ложкин 1998 йил 04 декабрь куни Ў.Ражабов ва С.Султоновнинг буюртмаси асосида 4000 АҚШ доллари эвазига улар томонидан тақдим этилган «ИЖ—12» русумли ов милтиғи бўлган ўқ отар қуролидан фойдаланган ҳолда **2 марта ўқ** узиб, Б.Канимедовни отиб ўлдирганлигини, 6 декабрь

куни эса фуқаро С.Муқимов бошқарувидаги «Тико» русумли автомашинада ҳодиса жойига келиб, мурдани «Полароид» фотоаппарати ёрдамида 4 марта фотосуратга олиб, фотосуратларни С.Султоновга берганлигини, содир этган қотиллик жинояти учун нақд 2000 АҚШ доллари олганлигини баён қилган.

Айбланувчи А. Ложкиннинг кўрсатувлари ҳимоячиси иштирокида видеокамера қўлланилган ҳолда ҳодиса жойига чиқиб текшириб кўрилган пайтда у ўз кўрсатувларини ва қандай ҳолатларда фуқаро Б.А.Канимедовга нисбатан қасддан одам ўлдириш жиноятини содир қилганлиги ҳақида тўлиқ кўрсатувлар бериб, ўз кўрсатувларини ҳодиса жойида тўғри кўрсатиб берган.

А.Ложкиннинг уйида топиб олинган **хат ва почта конвертидаги ёзув бўйича** суд хатшунослик экспертизаси ўтказишлик ташкил этилган бўлиб, унинг хулосаси бўйича хат ва почта конвертидаги ёзув айнан А. Ложкин томонидан ёзилганлиги тасдиқланган.

Суд баллистика экспертизасининг хулосаси бўйича А.Ложкиннинг уйида топиб олинган 20 дона (патрон) ўқлар, 4 дона ўқ отар қуролидан отилган гильзалар айнан 12 калибрли «ИЖ-12» русумли ов милтиғи ҳисобланган ўқ отар қуролнинг ўқлари бўлиб, фойдаланиш учун яроқли эканлиги, 4 дона гильзалар айнан шу **12 калибрли «ИЖ-12» русумли ов милтиғидан** отилганлиги аниқланган.

Суд психиатрия экспертизасининг хулосаси бўйича А.Ложкин жиноят содир қилган вақтда ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган, яъни ақли роса ҳолатда бўлганлиги, тергов ва суд олдида жавоб бериш имкониятига тўлиқ эга эканлиги тасдиқланган.

Тергов идораси томонидан дастлабки тергов жараёнида айбланувчи А. Ложкиннинг ва у томондан ўта оғир жиноят содир этилишини ташкил қилган айбланувчилар У. **Ражапов ва С.Султоновларнинг** айбдорлигини тўлиқ исботлайдиган далиллар тўпланиши таъминланган.

Терговчи томонидан фуқаро У.Ражабов ва С.Султоновга нисбатан ЎзР ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «ж,и,п» — бандларида кўрсатилган ўта шафқатсизлик билан, тамагирлик ниятида, бир гуруҳ шахслар бўлишиб, уюшган гуруҳ тузишиб ва унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини қасддан содир этишни ташкиллаштирганликда, 248-моддаси 1-қисмида кўрсатилган тегишли рухсатномасиз ўқ отар қуролини ва ўқ — дориларни олиш, олиб юриш, сақлаш ва жўнатиш жиноятини қасддан содир этганликда сиртдан жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Уларга нисбатан қамоқда сақлаш эҳтиёт чораси қўлланилиб, қидирув эълон қилинган. Жиноят

ишининг бир қисми айбланувчи У.Ражапов ва С.Султоновларга нисбатан алоҳида иш юритувга ажратилиб, уларга тегишли бўлган жиноят иши юзасидан дастлабки терговни олиб боришлик Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 364 – моддаси 1 – қисми 2 – банди асосида айбланувчиларнинг қаерда эканлиги номаълум бўлганлиги сабабли ҳаракатдан тўхтатилган.

Тергов органи томонидан А.Ложкинга ЎЗР ЖКнинг 97 – моддаси 2 – қисми «ж,и,п» – бандларида кўрсатилган ўта шафқатсизлик билан, тамагирлик ниятида, бир гуруҳ шахслар бўлишиб, уюшган гуруҳ тузишиб ва унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш жиноятини, 248 – моддаси 1 – қисмида кўрсатилган тегишли рухсатномасиз ўқ отар қуролини ва ўқ – дориларни олиш, олиб юриш, сақлаш ва жўнатиш жиноятини қасдан содир этганликда айблов эълон қилинган. Айбланувчи А.Ложкин ҳимоячиси иштирокида видеокамера қўлланган ҳолда юқоридаги айблов юзасидан иш ҳолатлари бўйича батафсил сўроқ қилинган, шундан сўнг жиноят иши материаллари билан тўлиқ таништирилган.

Жиноят иши айблов хулосаси билан вилоят судига юборилган. Сирдарё вилояти судининг 2000 йил 13 июнь кунги айблов ҳукми билан А. Ложкин юқорида кўрсатилган жиноятларни қасдан содир этишда айбдор деб топилиб, унга **15 йил** муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилган. Суднинг бу айблов ҳукми қонуний кучга кирган.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Сирдарё туманлараро прокуратураси терговчиси, 1 – даражали юрист Д.М. Сангиров мавҳум ҳолатларда содир этилган ушбу ўта оғир жиноятни тергов йўли билан фош этишда алоҳида **фаоллик ва ташаббус** кўрсатган. Терговчи томонидан режали асосда, ўз вақтида гумонда бўлган фуқаро А.Ложкиннинг уйида ва ёрдамчи хўжалик биноларида ўтказилган тинтув тергов ҳаракати жараёнида топилиб, текшириб кўришлик учун олинган бир дона конверт ва хат мавҳум ҳолатларда содир этилган ўта оғир жиноятни орадан бир йилча вақт ўтгандан сўнг фош этиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ёзма далил сифатида хизмат қилган. Шунингдек, жиноят иши бўйича 10 дан ортиқ судга оид экспертизаларнинг ўтказилиши ва улар юзасидан одилона хулосаларнинг олинishi таъминланган.

Терговчи Д.М.Сангиров мазкур жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатларини ўтказишда ўз хизмат вазифасини виждонан ва намунали бажарганлиги ҳамда ташаббускорлиги учун Сирдарё вилояти прокурорининг буйруғи билан рағбатлантирилган.

**Комилов
Жабберган
Мадримович**



Хоразм вилояти прокуратурасининг
криминалист прокурори,
2 – даражали юрист

Қисқача таржимаи ҳоли

Ж.М.Комилов 1964 йилда Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, олий маълумотли ҳуқуқшунос.

Ж.М.Комилов меҳнат фаолиятини 1993 йилда Янгиариқ тумани ҳуқуқий маслаҳатхонаси адвокати сифатида бошлаган. 1996 йилда Қўшқўпир тумани прокуратурасининг терговчиси, 1997–1999 йилларда вилоят прокуратурасининг ташқи иқтисодий фаолиятда коррупция, талон – тарож ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш бўлимининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси бўлиб ишлаган.

2000 йил август ойидан буён Хоразм вилояти прокуратурасининг криминалист прокурори лавозимида ишлаб келмоқда.

Ишнинг тўғри ташкил этилиши натижасида қотиллик жиноятининг фош қилинганлиги тафсилоти ҳақида

2000 йил 22 – сентябрь куни Богот туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг 10 – бўлими ҳудудида яшовчи фуқаро Йўлдош Матёқубов туман прокурорига ёзма ариза билан мурожаат қилиб, унда 1958 йил 14 май куни туғилган синглиси **Салима Матёқубованинг** 2000 йил 15 сентябрь куни ўзи билан бирга ёнида 22 минг Россия рублини олиб, Хазорасп туманида жойлашган тижорат бозорига бориб, Ўзбекистон сўмига алмаштириб келаман деб уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмасдан бедарак йўқолганлигини баён қилиб, синглисини қидириб топишда ёрдам беришларини сўраган. Туман прокурори томонидан ушбу ёзма ариза қонун талаблари асосида қабул қилиниб, белгиланган тартибда рўйхатга олинган. Сўнгра эса терговгача текширувни ўтказиш бошланган. Айтиб бериш керакки, бир вақтда зудлик билан ушбу ёзма ариза тўғрисида вилоят прокуратураси раҳбариятига телефон орқали, кейин эса ёзма равишда ахборот берилган.

Вилоят прокуратураси раҳбарияти томонидан бу ҳақда ахборот олингач, вилоят прокурорининг кўрсатмасига асосан вилоят прокурори ўринбосари умумий раҳбарлигида

тажрибали терговчилар ва вилоят ички ишлар идораларининг тезкор вакилларида иборат таркибда тергов – тезкор гуруҳи тузилган. Ушбу гуруҳ фуқаро С.Матёкубованинг бедарак йўқолганлиги ҳолати бўйича терговгача текширувнинг сифатли ўтказилишини ҳамда агар у жиноят қурбони бўлган бўлса, ушбу ўта оғир жиноятни фош этишни таъминлаш мақсадида Богот туманига хизмат сафарига юборилган. Биринчи навбатда мазкур гуруҳ томонидан бажарилиши лозим бўлган терговгача текширув ҳаракатларининг режаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. **Ушбу режа бўйича қуйидаги ҳолатларга асосий эътибор бериш белгиланган:**

1. Бедарак йўқолган фуқаро С.Матёкубованинг шахсини ва турмуш тарзини атрофлича ўрганишга.

2. Фуқаро С.Матёкубованинг бедарак йўқолиши тафсилотларини батафсил текширишга.

3. Бедарак йўқолган фуқаро С.Матёкубованинг яқин қариндошлари, оила аъзолари, қўшнилари, дугоналари, касбдошлари билан ўзаро муносабатини аниқлашга.

4. Фуқаро С.Матёкубованинг бедарак йўқолган куни айнан қаерга борганлигини, кимлар билан учрашганлигини, нима ишлар билан шуғулланганлигини аниқлашга.

5. Бедарак йўқолган С.Матёкубовани қидириб топишга.

6. Агар у жиноят қурбони бўлган бўлса, унинг мурдасини, жиноят қуролини, жиноят

излари мавжуд бўлган буюм ва нарсаларини қидириб топишга.

7. Қасддан одам ўлдириш жиноятини «иссиғида» фош этиб, қотилликни содир этган шахсни аниқлашга.

8. Фуқаро С.Матёқубованинг бедарак йўқолган куни ёнида бўлган сумкасини, шахсий ҳужжатларини, тилло тақинчоқларини ва бошқа буюмларини қидириб топишга.

Биринчи навбатда шу куннинг ўзида зудлик билан бедарак йўқолган С.Матёқубованинг уйида ва ёрдамчи хўжалик биноларида **кўздан кечириш** ўтказилган. Ҳодиса жойида бирор жиноят изи ёки жиноятга даҳлдор буюм ёки нарсалар топилмаган, С.Матёқубованинг паспорти эса уйида қолдирилганлиги тасдиқланган.

Ўтказилган терговгача текширув жараёнида бедарак йўқолган фуқаро С.Матёқубова тижорат ишлари билан шуғулланганлиги, кўпинча танишлари билан бирга Россия Федерациясининг Саратов, Оренбург ва бошқа шаҳарларига бориб, савдо—сотиқ ишларини амалга оширганлиги, сўнги марта Россиядан 2000 йил 15 сентябрь куни соат 06—00 лар чамасида Хазорасп туманидаги «Обод» ширкат хўжалигининг 2—бўлимида яшовчи **фуқаро Қутлимуратов Рашид** билан бирга поездда қайтиб келиб, у билан бирга уйига кириб, бир пиёла чой ичишиб, кейин С. Матёқубованинг ёнида бўлган 22 минг Россия рублини Хазорасп туманида жойлашган тижорат бозорида ўзбек

сўмига алмаштириб келиш учун бирга кетганликлари ва шундан кейин уйига бошқа қайтиб келмаганлиги аниқланган.

Шундан сўнг фуқаро Р. Қутлимуратов топилиб, у билан суҳбат ўтказилиб, ишнинг ҳолатлари бўйича ундан тушунтириш хати олинган. У ўз тушунтириш хатида ҳақиқатдан ҳам таниши С.Матёқубова билан бирга Россия Федерациясининг Ульяновск шаҳрига тижорат ишлари билан шуғулланиш учун борганлигини, 2000 йил 15 сентябрь куни соат 06—00 ларда поездда у билан бирга Россиядан Урганчга қайтиб келганлигини, С.Матёқубованинг Ульяновск шаҳрида сотиб олган бир дона музлатгичини поезддан тушуриб, биргаликда йўловчи ташиш билан шуғулланувчи, номаълум ҳайдовчига тегишли бўлган «ДАМАС» русумли автомашинада ортиб, унинг уйига олиб бориб туширганликларини, бир пиёла чой ичишиб, кейин Хазорасп туманида жойлашган, ўзи ва яқин қариндошлари яшайдиган «Обод» ширкат хўжалигидаги уйига боришганликларини, уйда яна бирга чой ичишганликларини, сўнгра **Қутлимуротова Халима** исмли синглиси билан бирга учаласи туман марказидаги тижорат бозорига бориб, Россия рублини ўзбек сўмига алмаштириш билан шуғулланувчи бир нотаниш йигит билан гаплашиб, ўзаро келишиб, нотаниш бир шахснинг бошқарувида бўлган такси автомашинасида унинг уйига боришиб, таниши С.Матёқубованинг **ёнидаги 22 минг Россия рублини 638 минг ўзбек сўмига алмаштириб олишда ёрдам берганлигини,**

сўнгра яна шу автомашинада бозорга қайтиб келишганликларини, бозорда С.Матёқубова оиласи ва уй—рўзғори учун озиқ—овқат маҳсулотларини сотиб олганлигини, шу вақтда ўзи шу бозорда савдо қилаётган нотаниш бир йигитнинг ёнига бориб, ундан қовун сотиб олиб истеъмол қилганлигини, қайтиб келган пайтда эса сингlisi Қутлимуротова Ҳалима бир ўзи турганлигини, у таниши Матёқубова Салиманинг уйига кетганлиги ҳақида айтганлигини, шунинг учун сингlisi билан бирга уйига қайтиб келганлигини, шундан сўнг Матёқубова Салимани бошқа кўрмаганлигини баён қилган.

Унинг сингlisi **Қутлимуротова Ҳалима** ҳам худди шу мазмунда тушунтириш хати ёзиб берган.

Терговгача текширув ишларининг аниқ ва режа асосида ўтказилганлиги натижасида Хазорасп туманидаги тижорат бозорида фуқаро С. Матёқубованинг Россия рублини Ўзбекистон сўмига алмаштириб берган фуқаро Одилбек Матёқубов эканлиги, пулларни алмаштирувчининг уйига боришда фойдаланишган хусусий такси ҳайдовчиси 1970 йилда туғилган, Хазорасп тумани «Обод» ширкат хўжалигининг 5—бўлимида яшовчи **Собир Султонов** эканлиги аниқланган.

Фуқаро **О.Матёқубов** 2000 йил 15 сентябрь куни ҳақиқатан ҳам таниши Р.Қутлимуротов ва унинг ёнида бўлган 2 номаълум аёл билан бозорда учрашиб, 22 минг Россия рублини ўзбек сўмига алмаштириш

ҳақида келишганлигини, номаълум шахс бошқарувида «Москвич – 412» русумли автомашинада ўзининг уйига боришиб, шу Россия рублини уйдаги 638 минг ўзбек сўмига алмаштириб берганлигини тасдиқлаган.

«Москвич – 412» русумли автомашина ҳайдовчиси С.Султонов ҳам шу куни таниши Р.Қутлимуротовни ва унинг ёнида бўлган синглиси Ҳалимани, бир нотаниш аёл ва эркак кишини туман марказидаги тижорат бозоридан Россия рублини ўзбек сўмига алмаштириш учун олиб борлигини, пулларни алмаштиргандан сўнг эса уларни яна бозорга олиб келиб қўйганлигини, бунинг эвазига улардан 200 сўм кира ҳақи олганлигини билдирган.

Терговгача текширув давомида фуқаро Р.Қутлимуротов томонидан келтирилган барча важлар тўла ҳажмда текшириб кўрилди. Хусусан, тижорат бозорида қовун – тарвуз сотиш билан шуғулланган **Б.Жуманиёзов** аниқланиб, у билан суҳбат ўтказилган пайтда у 2000 йил 15 сентябрь куни умуман тижорат бозорига бормаганлигини, шу куни Р.Қутлимуротовни кўрмаганлигини, 16 сентябрь куни тижорат бозорида таниши Р.Қутлимуротовни ёш қизчаси билан бирга кўрганлигини, у қовун сотиб олиб, шу жойда қизчаси билан истеъмол қилганлигини баён қилган.

Фуқаро Матёқубова Салиманинг 2000 йил 15 сентябрь куни ёнида 22 минг Россия рубли бўлган ҳолда уйдан чиқиб кетиб, қайтиб

келмасдан бедарак йўқолганлиги, у жиноят қурбони бўлган бўлиши мумкинлиги эътиборга олиниб, ушбу ҳолат юзасидан терговгача текширув давомида гувоҳларнинг кўрсатувларида жуда кўп қарама – қаршиликлар мавжуд эканлиги ҳисобга олиниб, Вилоят прокуратураси томонидан шу кунгеге Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг **97–моддаси 1–қисми** билан жиноят иши қўзғатилган. Дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришлик вилоят прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи раҳбарлигидаги тергов – тезкор гуруҳига топширилган.

Тергов – тезкор гуруҳи томонидан терговгача текширув давомида тўпланган далиллар, аниқланган ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда **қуйидаги тергов тахминлари ишлаб чиқилган:**

1.Бедарак йўқолган фуқаро С.Матёқубова таниши Р.Қутлимуротов ва жиний шериклари томонидан унинг ёнида бўлган 638 минг сўм нақд пулларини эгаллаб олиш ниятида ғараз мақсадларда қасдан ўлдирилган бўлиши мумкин.

2.Бедарак йўқолган фуқаро С.Матёқубова 22 минг Россия рублини алмаштириб берган О.Матёқубов ва жиний шериклари томонидан унинг ёнида бўлган 638 минг сўм нақд пулларини эгаллаб олиш ниятида ғараз мақсадларда қасдан ўлдирилган бўлиши мумкин.

3.Бедарак йўқолган фуқаро

С.Матёкубова Хазорасп тумани марказидаги тижорат бозоридан уларни Россия рублини алмаштириш учун олиб борган такси автомашинаси ҳайдовчиси С.Султонов ва жиноий шериклари томонидан унинг ёнида бўлган 638 минг сўм нақд пулларини эгаллаб олиш ниятида ғараз мақсадларда қасддан ўлдирилган бўлиши мумкин.

4.Бедарак йўқолган фуқаро С.Матёкубова тижорат бозорида озиқ – овқат сотиб олган шахслар ва жиноий шериклари томонидан унинг ёнида бўлган 638 минг сўм нақд пулларини эгаллаб олиш ниятида ғараз мақсадларда қасддан ўлдирилган бўлиши мумкин.

5.Бедарак йўқолган фуқаро С.Матёкубова тижорат бозорида чет эл валютасини олиб – сотиш билан шуғуланувчи шахслар ва жиноий шериклари томонидан унинг ёнида бўлган 638 минг сўм нақд пулларини эгаллаб олиш ниятида ғараз мақсадларда қасддан ўлдирилган бўлиши мумкин.

6.Бедарак йўқолган фуқаро С.Матёкубова тижорат бозоридан қайтаётган пайтда киракашлик билан шуғуланувчи ҳайдовчилар ва жиноий шериклари томонидан унинг ёнида бўлган 638 минг сўм нақд пулларини эгаллаб олиш ниятида ғараз мақсадларда қасддан ўлдирилган бўлиши мумкин.

7.Бедарак йўқолган фуқаро С.Матёкубова тижорат бозоридан қайтиб

келгандан сўнг яқин қариндошлари томонидан унинг ёнида бўлган 638 минг сўм нақд пулларини эгаллаб олиш ниятида ғараз мақсадларда қасдан ўлдирилган бўлиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган тергов тахминларининг атрофлича текширилишини таъминлаш мақсадида ҳар бир тергов ҳаракатини ўтказишнинг режаси ишлаб чиқилган. Жумладан, **гумонда бўлган Р.Қутлимуротов, С.Султонов, О.Матёқубов, гувоҳ Ҳ.Қутлимуротова, Б.Жуманиёзовни ва бошқа гувоҳларни, гумонда бўлган бошқа шахсларни** сўроқ қилишнинг ва улар томондан келтирилган ҳар бир важини бошқа тергов ҳаракатлари ва оператив – излов ишлари ўтказиш йўли билан текширишнинг режаси ҳам ишлаб чиқилган. Шу ишлаб чиқиб тасдиқланган режалар асосида, видеокамера қўлланган ҳолда Р.Қутлимуротов, С.Султонов, О.Матёқубов, Ҳ.Қутлимуротова, Б.Жуманиёзов, тижорат бозорида чет эл валютасини алмаштириш билан шуғулланувчи шахслар, бозорда савдо – сотиқ билан шуғулланувчи шахслар, туман марказида ўзларига тегишли бўлган енгил автомашиналарда киракашлик билан шуғулланувчи шахслар, бедарак йўқолган С.Матёқубованинг яқин қариндошлари, қўшнилари, дугоналари батафсил иш ҳолатлари бўйича сўроқ қилинган. Бундан ташқари, гумонда бўлган шахсларнинг яқин қариндошлари ва оила аъзолари ҳам гувоҳ сифатида сўроқ қилинганлар.

Сифатли ўтказилган дастлабки тергов жараёнида Р. Қутлимуротов, Ҳ. Қутлимуротова, С.Султонов, Б.Жуманиёзовларнинг кўрсатувларида бир қатор қарама — қаршиликлар мавжудлиги аниқланган. Р.Қутлимуротов 2000 йил 15 сентябрь куни тижорат бозорида қовун — тарвуз сотувчи Б.Жуманиёзов билан учрашмаганлиги, балки 16 сентябрь куни ёш қизчаси билан бирга бозорда қовун сотиб олиб истеъмол қилганлиги тасдиқланган. Р.Қутлимуротовнинг 2000 йил 15 сентябрь куни тижорат бозоридан сингиси Ҳ.Қутлимуротова билан биргаликда уйига қайтиб келганлиги ҳақидаги важи ҳам тасдиқланмаган. Бу ҳолатлар тергов — тезкор гуруҳи аъзолари томонидан ушбу ўта оғир жиноятни Р.Қутлимуротов содир этган бўлиши мумкин деган тергов тахминини батафсил текшириш ҳамда уни гумон қилинувчи сифатида ушлаш учун асос бўлди.

Натижада **Р. Қутлимуратов** Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221 — моддаси тартибида ушланиб, жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок қилишга жалб қилиниб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 48 — моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55 — моддасида белгиланган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар тўлиқ тушунтирилиб, ҳимоячи билан таъминланиб, гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилинган.

Айни бир вақтнинг ўзида гумон қилинувчи Р.Қутлимуратовнинг уйда ва

ёрдамчи хўжалик биноларида тинтув ўтказиш ташкил этилган.

Сўнгра эса кўрсатувларида қарама-қаршиликлари бўлган гувоҳ Б.Жуманиёзов, Ҳ.Қутлимуротова, С.Султоновлар билан гумон қилинувчи Р.Қутлимуротов ўртасида

видеокамера қўлланилган ҳолда юзлаштириш тергов ҳаракати ўтказилди. Шундан кейин терговчиларни чалғитиш фойдасиз эканлигини тўғри тушуниб, келтирган важлари нотўғри эканлигини англаб, ўта оғир жиноятни содир этганлиги иш бўйича тўпланган далиллар билан исботланаётганлигини билиб, **гумон қилинувчи**

Р. Қутлимуротов қотиллик жиноятини содир қилганликдаги айбдорлигига иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам таниши С.Матёқубованинг ёнида бўлган 22 минг Россия рублини 638 минг ўзбек сўмига алмаштириб беришда ёрдам берганлигини, пул алмаштирадиган танишининг уйига таниши С. Султоновнинг «Москвич – 412» русумли автомашинасида боришганликларини ва яна шу автомашинада тижорат бозорига қайтиб келишганликларини, шундан сўнг сингласи Ҳ.Қутлимуротовани тижорат бозорида қолдирганлигини, С.Матёқубова бозорда озиқ – овқат маҳсулотлари сотиб олганлигини, шу вақтда автомашина ҳайдовчиси С.Султонов билан фуқаро С.Матёқубовани қасддан ўлдириб, унинг ёнида бўлган 638 минг сўм нақд пулларини талон – тарож қилиб эгаллаб олиш ҳақида ўзаро жинойий тил бириктиришганликларини, бу жиноятни Боғот

туманига кетиш пайтида йўлда содир қилишни режалаштирганликларини, ушбу жиноий келишув бўйича шу такси автомашинада С.Матёқубова билан бирга Боғот тумани томонга йўлда кетишда Хазорасп тумани «Обод» ширкат хўжалигининг ҳеч ким яшамайдиган дала ҳудудида, фуқаро С.Матёқубова автомашинанинг орқа салоида ухлаб ётганлигидан фойдаланишиб, унинг бош соҳасига қайчи билан бир неча марта уришиб, бўйни соҳасидан ўзининг рўмоли билан бўғиб, уни қасдан ўлдиришганликларини, мурдасини эса шу ҳудуд орқали оқиб ўтувчи дарёнинг сувига ташлаб юборишганликларини, фуқаро С.Матёқубованинг бўйнидаги бир дона тилло занжирини, қўлларидаги **3 дона тилло узукларини, сумкасини ва унда бўлган 638 минг сўм нақд пулларини, тижорат бозорида сотиб олинган озиқ-овқат маҳсулотларини талон-тарож қилиб,** ўзаро бўлиб олишганликларини, эртасига, яъни 16 сентябрь куни С.Матёқубованинг мурдаси ташланган жойга акаси Б.Қутлимуротовга тегишли бўлган «ВАЗ-2106» русумли автомашинада келиб, унинг мурдасини дарё сувидан олиб чиқиб, ўзи билан олиб келган белкурак ёрдамида шу дарё четидаги тўқайзорда 2 метр чуқур ковлаган ҳолда кўмганлигини баён қилган. Гумон қилинувчи Р.Қутлимуротовнинг барча кўрсатувлари сўроқ жараёнида тўлиқ видеотасвирга олинган.

Гумон қилинувчи Р.Қутлимуротовнинг кўрсатувлари видеокамера ва фотоаппарат

қўлланилган ҳолда ҳодиса жойига чиқиб текшириб кўрилган ва бу тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида содир қилган жиноятлари ҳақида батафсил баён қилиб, қасддан одам ўлдириш жиноятини содир қилган жойларини, С.Матёқубованинг мурдасини кўмган жойларини ва жиноят қуроли сифатида ишлатилган қайчини, жабрланувчининг бошидан оққан қон артиб олинган латгани, жабрланувчининг туфлиси ташланган жойларини кўрсатиб берган. Ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида фуқаро С. Матёқубованинг мурдаси, бир дона туфлиси, унинг бошидан оққан қон артилган латта, сумкаси, мурдани кўмиш пайтида ишлатилган белкурак топилиб, улар белгиланган тартибда текшириб кўриш учун олинган.

Гумон қилинувчи Р.Қутлимуротовнинг кўрсатувлари бўйича 2000 йил 19 сентябрь куни такси автомашина ҳайдовчиси С. Султонов унинг уйига келиб, С.Матёқубовани мен бир ўзим ўлдирдим, Собир акамнинг бу ишга алоқаси йўқ деб қўрқитиб, мажбурлаб тилхат ёздириб олганлиги аниқланган.

Шу куниеқ хусусий такси ҳайдовчиси **Собир Султонов** Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221—моддаси тартибида ушланиб, ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниб, гумон қилинувчи тариқасида сўроқ қилинган бўлиб, у ҳам ўз айбига иқроор бўлиб, содир қилинган жинояти тўғрисида батафсил кўрсатувлар берган. Гумон қилинувчи С.Султоновнинг уйида ва ёрдамчи

хўжалик биноларида ўтказилган тинтув жараёнида юқорида кўрсатилган, Р.Қутлимуратов томонидан ёзилган ва ётоқхонасидаги шкафда сақланаётган тилхат топилган ва белгиланган тартибда текшириб кўриш учун олинган. Шунингдек, С.Султоновга тегишли «Москвич – 412» русумли автомашина кўздан кечирилган вақтда унинг орқа ўриндиғида қонга ўхшаш доғлар борлиги аниқланиб, тегишли тартибда текшириб кўриш учун олинган.

Бундан ташқари, дастлабки тергов жараёнида Р. Қутлимуратов марҳума Салима Матяқубовага тегишли бўлган 3 дона тилло узукни 2000 йил 16 сентябрь куни фуқаро Зевара Рахмановага жами 80.000 сўмга сотганлиги тўғрисида кўрсатув берган. **Зевара Рахманова** гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниб, ушбу узуклар ашъвий далил сифатида олиниб, жиноят ишига қўшилган.

Иш бўйича ўтказилган суд тиббий экспертизасининг **122-сонли хулосаси бўйича** марҳума Салима Матяқубованинг ўлими бўйин соҳасидан юмшоқ нарса билан бўғилишдан асфикция натижасида ўлганлиги, унинг тепа бош суяги соҳасидаги иккита жароҳатлар қайчидан ёки қайчига ўхшаш ўткир учли нарсадан етказилган бўлиши мумкинлиги, унинг мурдаси ўлимидан кейин сувда, ундан кейин эса тупроқда кўмилган ҳолда сақланганлиги, унинг ўлими текширишдан тахминан 10 кун олдин юз берганлиги тасдиқланган.

Бундан ташқари суд биология экспертизасининг **130-сонли хулосаси бўйича** Р.Қутлимуратовнинг кўрсатувларини текшириб кўриш давомида топиб олинган латтадаги қонга ўхшаш доғлар марҳума С.Матёқубованинг қони эканлиги аниқланган.

Суд биология экспертизасининг **131-сонли хулосаси бўйича** С.Султоновга тегишли бўлган «Москвич-412» маркали 22 С 41 49 давлат белгили автомашинанинг орқа ўриндиғи қиррасидан топилган қонга ўхшаш доғлар ҳам Салима Матёқубовага тегишли эканлиги тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Х.Сулаймонова номидаги Республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази томонидан берилган **3783.10-сонли хулосаси бўйича** марҳума Салима Матёқубовага тегишли бўлган туфлининг юза соҳасидан олинган ва белкурақдан олинган тупроқлар ҳодиса жойидаги тупроқ намуналари билан умумий гуруҳ мансублиги бўйича бир-бирига ўхшашлиги аниқланган.

2000 йил 25 сентябрь кунги суд хатшунослик экспертизасининг **1374-сонли хулосаси бўйича** С. Султоновнинг уйдан ёзма далил сифатида олинган дафтар қоғозидаги «16 сентябр куни мен Собир оғам билан ҳеч қандай алоқам йўқ. Мен ўша куни бир хотинни ўлдириб ўзим кўмдим Собир оғамнинг алоқаси йўқ. Имзо 19 сентябрь» деб ёзилган ёзувлар Р.Қутлимуратов томонидан ёзилганлиги тасдиқланган.

Бундан ташқари, дастлабки тергов давомида гумон қилинувчи Р.Қутлимуратов томонидан С.Матёқубова ўлдирилганидан кейин унинг ёнидан олинган пул ва тилло тақинчоқларни сотишидан тушган жами 724 минг сўм нақд пулларни 9 та шахста қарзини қоплаш эвазига берганлиги аниқланиб, ушбу нақд пуллар ашъвий далил сифатида олиниб, жиноят ишига қўшилган.

Жиноят иши юзасидан **20 дан ортиқ** турли хилдаги экспертизалар тайинланиб, уларнинг хулосалари олинган, **100 дан ортиқ шахслар** гувоҳ тариқасида сўроқ қилинганлар.

Шундай қилиб, фуқаро С.Матёқубованинг бедерак йўқолганлиги тўғрисидаги ариза юзасидан терговгача текширув ишлари сифатли ўтказилганлиги, ўз вақтида жиноят иши қўзғатилиб, тегишли тергов тахминлари тўғри юритилиб, тегишли тергов ҳаракатлари «иссиғи»да ўтказилганлиги, суриштирув идораси билан ўзаро ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилганлиги, бажарилиши лозим бўлган ишлар оқилона ва тўғри ташкил қилинганлиги, тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида криминалистика техника воситалари кенг қўлланилганлиги, судга оид экспертизалар имкониятларидан тўғри фойдаланилганлиги натижасида мавҳум ҳолатларда содир қилинган ўта оғир жиноят ўз вақтида, тўлиқ фош этилган.

Дастлабки тергов ҳаракатлари қисқа вақт давомида сифатли ўтказилиб, **Р.Қутлимуратов** ва унинг жиноий шериги

С.Султоновларга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97—моддаси 2—қисми «и,о,п,ж» — бандларида, 164—моддаси 4—қисми «а» — бандида кўрсатилган ўта оғир жиноятларни қасдан содир этганликда айблов эълон қилиниб, улар ишда айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилинган. Уларга нисбатан қамоқда сақлаш эҳтиёт чораси қўлланилган.

Жиноят иши айблов хулосаси билан мазмунан кўриб, қонуний ҳал этишлик учун Хоразм вилояти судига юборилган. Жиноят иши **вилоят судида** кўрилиб, Р.Қутлимуротовга **ўлим жазоси** берилган, С.Султонов эса узоқ муддатга **озодликдан маҳрум қилиш** жазосига ҳукм қилинган. Суднинг ушбу айблов ҳукми қонуний кучга кирган.

**Юнусов
Нурулло
Хасанович**



Тошкент вилоят прокуратурасининг
криминалист прокурори
адлия кичик маслаҳатчиси

Қисқача таржимаи ҳоли

Н.Х.Юнусов 1961 йилда Самарқанд вилояти, Самарқанд туманида туғилган, олий маълумотли ҳуқуқшунос.

Прокуратура идораларида 1990 йилдан буён ишлаб келмоқда. 1990-1994 йилларда Тошкент вилояти Янгийул шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, Чиноз туман прокуратурасининг катта терговчиси, 1994–2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси, бошқарма прокурори бўлиб ишлаган.

2001 йилдан май ойидан буён Тошкент вилояти прокуратурасининг криминалист прокурори лавозимида ишлаб келмоқда.

Ҳодиса содир бўлган жойнинг сифатли кўздан кечирилиши ўта оғир жиноятнинг тезда фош этилишини таъминлади

Тошкент вилоятининг **Зангиота тумани** мамлакатимиз пойтахти бўлган Тошкент шаҳри ташқи чегарасининг деярли 2/3 қисмини ўраб туриши билан ўзига хос хусусиятга эга. Шу сабабли ҳам тумандаги тезкор вазиятнинг аҳволи Тошкент шаҳридаги тезкор вазият билан уйғунлашган ҳолда бевосита боғлиқ. Туман ҳудудида содир этилаётган жиноятларнинг **40 фоиздан ортиқроғи** Тошкент шаҳрида яшовчи ёки шу ерга келган шахслар томонидан содир этилмоқда.

Бу ҳолат Зангиота тумани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг пойтахтлик ҳамкасблари билан яқин ва ишчан ҳамкорликда фаолият кўрсатишларини, мавҳум ҳолатларда содир этилган ўта оғир жиноятларни фош этиш учун алоҳида тактик усуллар қўллашларини тақазо этади. Айнан шундай ўзаро ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилганлиги туман ҳудудида мавҳум ҳолатларда содир этилган бир қатор ўта оғир ва оғир жиноятларнинг тез ва тўла фош этилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

2001 йил 7 январь куни Зангиота тумани «Қатортол» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги дала ичидаги сойликда номаълум эркак кишининг мурдаси ярим ёнган ҳолатда

ва танасида пичоқ билан етказилган жароҳатлари билан топилган.

Бу тўғрида хабар олиниси биланоқ ҳодиса жойига Зангиота туман прокурори **М.Ғ.Эсонов** ва туман ИИБ бошлиғи **Р.Аббосов** раҳбарлигидаги тергов ва тезкор гуруҳлар етиб келишган. Ҳодиса содир бўлган жой туман прокуратурасининг терговчиси томонидан суд тиббий эксперти, кинолог ва криминалист эксперт каби мутахассислар жалб этилиб, видеокамера ва фотоаппарат қўлланилган ҳолда сифатли кўздан кечирилган.

Олинган хабар бўйича ҳодиса жойига етиб келган Тошкент вилояти прокурорининг ўринбосари **М.Усмонов**, вилоят прокуратураси криминалист прокурори **Э.Аҳмедов**, вилоят ИИБ бошлиғи **Ш.Расулов**, вилоят ИИБ ЖҚБ тезкор вакиллари томонидан ҳодиса содир бўлган жойнинг ва теварак – атрофларининг атрофлича кўздан кечирилишида, ашъвий далил бўлиши мумкин бўлган тегишли буюм ва нарсаларни аниқлаб, текшириб кўриш учун олишда ҳамда кечиктириб булмайдиган дастлабки тергов ҳаракатлари ва тезкор – излов ишларини бажаришни тез, сифатли ва тўла ташкил этишда самарали амалий ва услубий ёрдамлар кўрсатилган.

Номаълум эркак кишининг жасади топилган жой гарчи «Эшонгузар – Назарбек» автомобиль йўлидан анча узоқроқда жойлашган бўлсада, ҳодиса жойини кўздан кечириш давомида шу йўл четлари ҳам алоҳида эътибор ва синчковлик билан текшириб кўрилиб, тўлиқ

кўздан кечиришдан ўтказилган. Бунинг натижасида катта йўл четидан Қозоғистон Республикаси фуқароси, Чимкент шаҳрида яшовчи ва ишловчи Қуанишбекова номида бўлган бир дона «визитка» топилиб, тегишли тартибда расмийлаштирилиб, текшириб кўриш учун олинган.

Шу куннинг ўзида туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг **97-моддаси 1-қисми билан** жиноят иш ўз қўзғатилган. Мазкур оғир жиноятнинг ўз вақтида фош этилишини таъминлаш учун Зангиота тумани ва Тошкент вилояти прокуратурасининг терговчилари ҳамда ички ишлар идораларининг тезкор ходимларидан иборат таркибда махсус тергов ва тезкор гуруҳи тузилган. Улар томонидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида топилган ашёвий далиллар, аниқланган ҳолатлар, жиноят содир этилиши вақти эътиборга олинган ҳолда бажарилиши лозим бўлган тергов ҳаракатларининг ва тезкор — излов ишларининг **биргаликдаги режаси** ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

Ушбу ўта оғир жиноятни фош этиш юзасидан қуйидаги тергов тахминлари илгари сурилган:

1. Ушбу ўта оғир жиноят жабрланувчининг яқин қариндошлари ёки танишлари ёхуд бошқа шахслар томонидан ўч олиш мақсадида қасдан содир этилган бўлиши мумкин.

Ушбу тергов тахминини илгари суриш учун жиноят қурбони бўлган шахснинг чап кўкрак қисмида пичоқ ва шунга ўхшаш предмет таъсирида етказилган жароҳат борлиги, бу эса жиноятчининг номаълум жабрланувчини қасддан ўлдириш мақсади бўлганлигини кўрсатиши, номаълум шахснинг «Ракета» русумли қўл соати ўз ўрнида эканлиги, **4000 сўм нақд пуллари** эса шимининг чўнчагида эканлиги мол—мулкни талон—тарож қилишга қаратилмаганлиги асос бўлган.

2. Ушбу ўта оғир жиноят жабрланувчининг танишлари, улфатлари, касбдошлари ёки бошқалар томонидан мол—мулкни эгаллаш ниятида, тамагирлик мақсадида қасддан содир этилган бўлиши мумкин.

Бу тергов тахмини илгари суриш учун жабрланувчининг ёнида бўлган 4000 сўм нақд пуллари, қўл соати ва уяли телефони жиноятчи томонидан талон—тарож қилиб олинмаган бўлсада, лекин унинг енгил автомашинаси, тилло узуги, зираги каби тақинчоқлари, ёнида жуда кўп миқдордаги нақд пуллари, АҚШ доллари бўлиши ва улар номаълум жиноятчи томонидан талон—тарож қилинган бўлиши мумкинлиги асос бўлган.

3. Ушбу ўта оғир жиноят бошқа бир содир этилган жиноятни ёки ушбу жиноятнинг изларини яшириш мақсадида қасддан содир этилган бўлиши мумкин.

Бу тергов тахминини илгари суриш учун юқорида кўрсатилган гумонлар асоссиз бўлган тақдирда номаълум жиноятчи томонидан жабрланган шахс билан ўзаро боғлиқ бўлган бошқа бир жиноятни ёки ушбу жиноятнинг изларини яшириш мақсадида қасддан ўлдирилган бўлиши мумкинлиги асос бўлган.

Юқорида қайд этилган тергов тахминларини текшириш юзасидан аниқ тергов йўналишлари белгилаб олинган.

Чунончи, биринчи тергов тахмини бўйича жиноятчи рашк орқасида, жабрланувчига қарзини бермаслик мақсадида, қарзни ололмаганлиги сабабли ва жабрланувчи томонидан ўзига нисбатан содир этилган қонунсиз ҳаракатлари учун жабрланувчини ҳаётдан маҳрум қилган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги **йўналишлар** белгиланган.

Иккинчи тергов тахмини бўйича эса жиноятчи жабрланувчининг автомашинасига, уй — жойига, қимматбаҳо буюми ёки жуда кўп миқдордаги нақд пулига эга бўлиш мақсадида жиноятни содир этган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги **йўналишлар** белгиланган.

Учинчи тергов тахмини бўйича жиноятчи ўзи содир этган бирор оғир жиноятни, яъни қотиллик, босқинчилик, диний — экстремистик фаолият, порахўрлик каби ўта оғир жиноятларини ва унинг изларини яшириш мақсадида шу жиноятларни билган жабрланувчини қасддан ўлдирган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги **йўналишлар** белгиланган.

Дастлабки тергов ҳаракатлари ва тезкор — излов ишларининг режасида таъкидлаб ўтилган тергов тахминлари ва улар бўйича йўналишларнинг атрофлича текширилишини таъминлашга қаратилган тадбирлар ҳамда уларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминлаш учун **масъул ходимлар** белгиланган.

Бундан ташқари, ишлаб чиқиб тасдиқланган режа асосида жиноят қурбони бўлган жабрланувчининг шахсини аниқлашга қаратилган тегишли тадбирлар белгиланган ва уларни батафсил текшириш мақсадида **махсус кичик тергов-тезкор гуруҳи** ташкил этилган. Мазкур белгиланган ва режалаштирилган йўналишларда тегишли ишларни олиб бориш натижасида «визитка»си ҳодиса содир бўлган жой яқинидан топилган **фуқаро Г.Қуанишбекова** аниқланган.

У гувоҳ тариқасида сўроқ қилинганида Чимкент шаҳрида ишласада, тижорат ишларини бажариш мақсадида Тошкент шаҳрига тез — тез келиб турганлигини, шунда «визитка»сини бир нечта танишларига берганлигини, аммо уларнинг барчасини эслай олмаслигини баён қилган ва «визитка»сини берган бўлиши мумкин бўлган айрим шахсларни, шу жумладан, Тошкент циркида ишловчи бир шахсга ҳам берган бўлиши мумкинлигини кўрсатган.

Шу кўрсатувлар асосида Тошкент шаҳридаги циркда ишловчи ходимлар иштирокида тегишли тергов ҳаракатлари

ўтказилиб, унда Г.Қуанишбековани танийдиган шахслар бор — йўқлигини аниқлаш чоралари кўрилган. Дастлабки пайтларда бу иш ўзининг ижобий натижасини бермаган.

Дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш давомида асли Қирғизистон Республикасидан бўлган, шу циркда ходим бўлиб ишловчи, 1973 йил туғилган **Муҳамедов Ойбек** оила аъзолари билан бирга цирк ётоқхонасида яшаб келганлиги, сўнги пайтларда у ишга чиқмасдан юрганлиги аниқланган.

Шундан сўнг О.Муҳамедовнинг шахси чуқур ўрганилиб, унинг қаерда эканлигини аниқлаш юзасидан тегишли чора — тадбирлар кўрилган. Амалга оширилган ишлар натижасида у Қирғизистон Республикасидан 1998 йилда Тошкентга келиб хотини ва икки нафар фарзандлари билан Тошкент шаҳрида яшаб юрганлиги ҳамда Тошкент циркида ишлаганлиги ва 2001 йил 06 январдан сўнг кўринмай қолганлиги, ишга чиқмаганлиги аниқланган. Унинг Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳрида яшовчи яқин қариндошлари аниқланиб, гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган. Натижада О.Муҳамедов 2001 йил 04 ва 05 январь кунлари яқин қариндошлари билан телефон орқали гаплашиб, хотини ва икки нафар фарзандининг Ўш шаҳрига етиб борган — бормаганлиги билан қизиққанлиги, аммо уларнинг Тошкентдан Ўш шаҳрига келмаганлигини билганидан сўнг шахсан ўзи хотини ва фарзандларини Ўш шаҳрида яшовчи

ота – онасининг уйига юборганлиги ҳақида айтганлиги тасдиқланган.

Шу асосда олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида О.Муҳамедовнинг хотини Муҳамедова Азиза доимий яшаш жойида эмас, балки бошқа хонадонда, яъни шу цирқда тижорат масалалари билан шуғулланувчи фуқаро Б.Абдумажидовнинг кўрсатмаси асосида унинг танишларикида яшаб юрганлиги тасдиқланган.

Фуқаро **Муҳамедова Азиза** Зангиота туман прокуратурасига таклиф қилиниб, иш ҳолатлари юзасидан сўроқ қилинган.

У ўз кўрсатувларида эри О.Муҳамедов қаттиқ рашк қилишини, ўзлари билан бирга ишлаган Б.Абдумажидов билан яқин алоқада бўлиб юришда гумон қилишини, шу сабабли 2000 йил 30 декабрь куни қасддан уриб, тан жароҳати етказганлигини ва 2001 йил 05 январь куни турмуш ўртоғи Ўш шаҳрига фарзандлари билан бирга автобусда жўнатиб юбормоқчи бўлганлигини, бундан хабар топган «жазмани» Б.Абдумажидов уларни Ўш шаҳрига юбормасдан қолдириб, ўзининг танишларидан бирининг хонадонига олиб бориб қўйганлигини, шундан сўнг эрини бошқа кўрмаганлигини баён қилган.

Тергов ҳаракатлари ва тезкор – излов ишлари жараёнида О.Муҳамедов хотини ва фарзандларини, шунингдек, хотини билан яқин муносабатда бўлиб юрганликда гумонланган Б.Абдумажидовни қидириб юрганлиги ҳам тасдиқланган.

Аниқланган бу ҳолатлар асосида тергов ва тезкор гуруҳи аъзолари томонидан жиноят қурбони бўлган жабрланувчи **О.Муҳамедов** бўлиши мумкин ва уни хотинининг «жазмани» Б.Абдумажидов рашк орқасида бўлиб ўтган жанжал оқибатида қасддан ўлдириган бўлиши мумкин деган хулосага келинган. Мазкур тергов тахминини тўла ҳажмда текшириб кўриш бошланган.

Тергов давомида фуқаро А.Муҳамедовага ва О.Муҳамедовнинг акасига номаълум эркак кишининг мурдаси таниб олиш учун кўрсатилганида улар ушбу мурдани О.Муҳамедов деб таниб олганлар.

Шу асосда фаол ва малакали равишда ўтказилган тергов ҳаракатлари ва тезкор—излов ишлари ҳамда режа асосида услубий жиҳатдан пухта ўтказилган сўроқ, юзлаштириш ва бошқа тергов ҳаракатлари натижасида мазкур **ўта оғир жиноят 7 кун ичида** тўлиқ фош этилди.

Юқорида таъкидланган тергов тахминлари ҳақиқатдан ҳам ўз тасдиғини топган. Хусусан, кейинги тергов жараёнида 2001 йил 06 январь куни фуқаро О.Муҳамедов хотинининг «жазмани» сифатида гумон қилиб юрган Б.Абдумажидовни топиб, ундан хотини ва фарзандларини топиб беришини талаб қилганлиги, бунинг натижасида иккаласи ўртасида ўзаро жанжал чиқиб, Б.Абдумажидов унга хотини ва фарзандларини топиб беришини ваъда қилиб, автомашинасига иккаласи ўтириб Зангиота тумани худудидан

Ўтиб кетишаётган вақтда улар ўртасидаги жанжал яна кучайиб, шу ўзаро жанжал жараёнида Б.Абдумажидов автомашинасидаги пичоқни қўлига олиб, шу пичоқ билан О.Муҳамедовнинг кўкрак қисми соҳасига бир неча марта уриб, уни қасддан ўлдириб, жасадини йўлнинг четидаги сойликка тушириб, уни таниб олишни қийинлаштириш ва жиноят изларини йўқотиш мақсадида устига бензин сепиб, мурдасини ёқиб юборганлиги аниқланган.

Тергов давомида тўпланган далиллар, аниқланган ҳолатлар асосида фуқаро **Б.Абдумажидов** қамоққа олиниб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97 — моддаси 1 — қисмида кўрсатилган ўта оғир жиноятни қасддан содир қилганликда айблов эълон қилиниб, у ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган.

Дастлабки тергов жараёнида **видеокамера, диктофон, фотоаппарат** каби криминалистика техника воситалари кенг қўлланилган, судга оид экспертизаларнинг имкониятларидан самарали фойдаланилган. Тергов ҳаракатларининг қонун билан белгиланган 2 ойлик муддат давомида тўла ҳажмда, одилона ўтказилиши тўлиқ таъминланган.

Жиноят иши мазмунан кўриб, қонуний ҳал этишлик учун Зангиота тумани судига юборилган. Туман судининг айблов ҳукми билан Б.Абдумажидов юқорида кўрсатилган қасддан одам ўлдириш жиноятини содир

қилганликда айбдор деб топилиб, у узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган. Туман судининг ҳукми қонуний кучга кирган.

Шундай қилиб, номаълум эркак кишининг жасади топилган жой ва теварак-атрофларининг сифатли кўздан кечирилиши натижасида шу жойдан Қозоғистон Республикаси фуқароси Г.Қуанишбекова номида бўлган «визитка»нинг топилиши, шу асосда тегишли тергов ҳаракатлари ва тезкор-излов ишларининг фаол ва малакали ташкил этилиб ўтказилганлиги жиноят қурбони бўлган жабрланувчининг шахсини тезда аниқлаш ва оғир жиноятнинг қисқа муддатларда, ўз вақтида фош этилиши таъминланди.

**Қаҳҳоров
Ғулумжон
Мўминович**



Жиззах вилояти прокуратурасининг
криминалист прокурори
1 – даражали юрист

Қисқача таржимаи ҳоли

Ғ.Қ.Қаҳҳоров 1963 йилда Жиззах вилоятининг Жиззах туманида туғилган, миллати ўзбек, олий маълумотли ҳуқуқшунос.

Прокуратура идораларида хизмат фаолиятини 1989 йилда Жиззах тумани прокурорининг иш ўрганувчи ёрдамчиси сифатида бошлаган. 1990–1991 йилларда Дўстлик тумани прокурори ёрдамчиси, 1992–1993 йилларда Жиззах вилояти прокурори ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, 1994–1996 йилларда Жиззах шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси, 1997–1999 йилларда Жиззах шаҳар прокурори ўринбосари бўлиб ишлаган.

1999 йил июнь ойидан буён Жиззах вилояти прокуратурасининг криминалист прокурори лавозимида ишлаб келмоқда.

Терговчи топширигининг суриштирув идораси томонидан бажарилиши тартиби

Мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва қонун устиворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг Конституциямиз билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш Республикамиз ҳукумати томонидан прокуратура идоралари олдига қўйилган устивор вазифалардан бири ҳисобланади.

Юртбошимиз И.А.Каримов ўзининг **«Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»** номли асарида коррупция ва жиноятчилик мавзусига алоҳида тўхталиб, улар хусусида, коррупция ва жиноятчиликни хавфсизликка таҳдидларнинг бири сифатида батафсил баҳо берган, уларнинг жамият ва мамлакат аҳолиси учун ижтимоий хавфлилиги хусусида фикрлар юритган. Юртбошимиз бу асарда **«Жиноятчилик ва коррупция бизнинг ўз хавфсизлигимизга ҳам, халқаро хавфсизликка ҳам таҳдид солувчи реал манбадир. Бинобарин, мазкур ҳодисага қарши кураш масалалари биргина бизга тааллуқли эмас. Шунинг учун ҳам биз жиноятчилик ҳақида бутун жаҳон**

ҳамжамияти қайғуриши лозим деб ҳисоблаймиз» деб айтган эдилар.

Ўзбекистон Республикаси **ЖПКнинг 2-моддасида** белгиланганидек, дастлабки тергов ва суриштирув органларининг энг муҳим вазифаси «жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри тадбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир».

Айниқса, ҳозирги кунда дастлабки тергов ва суриштирув органлари олдида турган вазифаларни тўғри ва қонуний ҳал этишни таъминлаш мақсадида уларнинг ўзаро ҳамкорлиги масаласи алоҳида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Терговгача текширувни ўтказиш, жиноятларни тергов қилиш, шу жумладан, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида терговчилар билан суриштирув органларининг ўзаро ҳамкорлиги амалдаги Ўзбекистон Республикаси ЖПКда белгиланган тартибларда амалга оширилади. Чунки Ўзбекистон Республикаси **ЖПКнинг 1-моддаси бўйича** Республикамиз ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби Жиноят процессуал кодекси билан белгиланган. Жиноят ишларини юритишнинг мазкур Кодексда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари,

адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг **35-моддаси** талаблари бўйича жиноят иши бўйича дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органларининг ва миллий хавфсизлик хизматининг терговчилари олиб борадилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг **382-моддаси** бўйича прокурорлар суриштирувда ва дастлабки терговда иштирок этади, зарур ҳолларда ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажарадилар ёки терговни тўлиқ амалга оширадилар. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг **37-моддаси** бўйича тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлиғи ва унинг ўринбосари ҳам дастлабки тергов олиб боришда қатнашишга ва дастлабки терговни шахсан ўзи олиб боришга ҳақлидир.

Ушбу Кодекснинг 36-моддасида эса терговчининг ваколатлари қатъий белгиланган. Терговчи: жиноят ишини қўзғатишга ва тугатишга, ишни қўзғатишни рад этишга, жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва сўроқ қилишга, ЖПКда назарда тутилган тергов ҳаракатларини олиб боришга, шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш тўғрисида ва унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида қарор чиқаришга, ўз иш юритувига қабул қилган иш бўйича суриштирув органларига қидирув ва тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисида ёзма

топшириқлар беришга, суриштирув органларидан айрим тергов ҳаракатларини юритишда кўмаклашишни талаб қилишга ҳақлидир.

Терговчи терговнинг йўналиши ва тергов ҳаракатларини юритишга оид барча қарорларни, прокурор рухсатини олиш қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, мустақил равишда қабул қилади.

Терговчи прокурорнинг шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги, жиноятни квалификация қилиш ва айблов ҳажми ҳақидаги, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ҳақидаги, ишни судга юбориш ёки ишни тугатиш ҳақидаги кўрсатмаларига рози бўлмаса, ўз эътирозларини ёзма равишда баён қилган ҳолда ишни юқори турувчи прокурорга тақдим этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда қуйи турувчи прокурорнинг кўрсатмасини юқори турувчи прокурор ўз қарори билан ё бекор қилади, ёки иш бўйича тергов юритишни бошқа терговчига топширади.

Терговчининг ўз иш юритишидаги иш юзасидан қонунга мувофиқ берган ёзма топшириқлари ва чиқарган қарорлари барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг **38-моддаси** бўйича қуйидаги идоралар суриштирув органлари ҳисобланади:

- 1) милиция;

2) ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари — уларга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлар ёки қисм, қўшилма, муассаса ёки ўқув юрти жойлашган ерда содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича;

3) миллий хавфсизлик хизмати органлари — қонун бўйича уларнинг иш юритувига берилган ишлар бўйича;

4) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, қамоқ тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов хибсхоналари ҳамда тюрмаларнинг бошлиқлари — шу муассасалар ходимлари хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши содир қилган жиноятларига доир ишлар, худди шунингдек, мазкур муассасалар ҳудудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар бўйича;

5) давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари — ёнғинларга доир ва ёнғинга қарши қоидаларни бузганликка доир ишлар бўйича.

6) чегарани қўриқлаш органлари — давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича;

7)олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари;

8)давлат солиқ ва божхона хизмати органлари — тегишинча солиқ ва божхонага доир қонун ҳужжатларини бузганлик билан боғлиқ ишлар бўйича;

Юқорида кўрсатилган Кодекснинг **39—моддаси** бўйича суриштирув органи бошлиғи ва суриштирувчиси куйидаги ваколатларга эгадир:

Ҳар бир суриштирув органининг раҳбари суриштирув органи бошлиғи сифатида жиноят ишини қўзғатишга, бу ишни ўз иш юритувига қабул қилиш ва суриштирувни бошлашга ёки ўзига бўйсунувчи бошқа ходимга суриштирув юритишни топширишга ёхуд иш қўзғатишни рад этишга ёки аризани, хабарни терговга тегишлилиги бўйича тегишли бошқа ваколатли органга ўтказишга ҳақлидир.

Суриштирув органи бошлиғининг топшириғига биноан ва унинг раҳбарлигида ишлаётган суриштирувчи иш бўйича ушбу Кодекснинг **339—моддасида** назарда тутилган вазифаларни бажариш учун зарур, кечиктириб бўлмайдиган барча тергов ҳаракатларини амалга ошириши шарт.

Суриштирувчи зиммасига, шунингдек, терговчи юритаётган иш бўйича унинг айрим тергов ва қидирув ҳаракатларини ўтказиш тўғрисидаги топшириқларини бажариш ҳамда терговчига унинг тергов ҳаракатларини бажаришида кўмаклашиш мажбурияти юклатилади.

Суриштирувни амалга ошираётганда, худди шунингдек, терговчининг топшириқларини бажараётганда суриштирувчи дастлабки тергов ўтказиш учун белгиланган қоидаларга амал қилиб, тергов ҳаракатлари олиб боради ва қарорлар чиқаради. Суриштирув органининг бошлиғи ҳам, башарти у суриштирувчининг вазифаларини бажараётган бўлса, худди шу қоидаларга амал қилади.

Суриштирувчининг қарори суриштирув органининг бошлиғи томонидан тасдиқланиши лозим. Суриштирув органи бошлиғининг ёзма кўрсатмаси суриштирувчи учун мажбурийдир. Суриштирувчи кўрсатмага норози бўлса, кўрсатмани бажаришни тўхтатмай туриб, бу кўрсатма устидан прокурорга шикоят қилишга ҳақлидир.

Прокурорнинг ёзма кўрсатмаси суриштирув органининг бошлиғи ва суриштирувчи учун мажбурийдир. Суриштирув органининг бошлиғи ва суриштирувчи прокурор кўрсатмасига рози бўлмаган тақдирда, кўрсатмани бажаришни тўхтатмай туриб, унинг устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 339-моддаси бўйича суриштирув органининг вазифаси қуйидагича белгиланган:

Суриштирув:

- 1) жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик;
- 2) далилларни тўплаш ва сақлаш;

3) жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш;

4) жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритишдан иборат.

Суриштирув органлари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилгандан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий – техника воситаларини қўллаган ҳолда зарур чораларни кўриш юклатилади. Ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари бу мақсадда тезкор – излов ва қидирув чораларини ҳам кўришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг **340-моддаси** талаблари бўйича суриштирувчи жиноят ишини қўзғатгандан кейин ёки прокурор ёхуд суриштирув органининг бошлиғи томонидан қўзғатилган ишни олгач, дарҳол уни ўз иш юритувига қабул қилади ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини бажаришга киришади. Суриштирувчи томонидан жиноят ишини қўзғатиш ва уни ўз иш юритувига қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинса, ушбу қарор суриштируви органи бошлиғи томонидан тасдиқланиши лозим. Мазкур қарорнинг бир нусхаси эса

маълумот учун тегишли прокурорга юборилиши шарт. Агар жиноят иши суриштирув органи бошлиғи томонидан қўзғатилган бўлса, жиноят ишини ўз иш юритувига қабул қилган суриштирувчи томонидан бу ҳақда қарор қабул қилиниб, тегишли суриштирув органи бошлиғи томонидан тасдиқланиши лозим бўлади. Мазкур қарорнинг ҳам бир нусхаси тегишли прокурорга тақдим этилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 347-моддасида терговчи суриштирув идораси бошлиғига топшириқ бериш ваколатига эга эканлиги қуйидагича тартибда белгиланган:

Ҳар бир терговчи ўз иш юритувига бўлган жиноят иши бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида исталган жойда бирор тергов ҳаракатини шахсан ўзи бажаришга ёхуд уни ўтказишни бошқа терговчига ёки суриштирувчига топширишга ҳақлидир.

Терговчининг топшириғида ижро этувчи учун мажбурий бўлган ижро муддати кўрсатилади. Терговчининг топшириғини бу муддат ичида ижро этишнинг иложи бўлмаса, топшириқ олган шахс топшириқ берган терговчига топшириқ қачон бажарилиш мумкинлиги тўғрисида ёзма равишда, телеграмма ёки телефонограмма орқали хабар қилади ва унинг кўрсатмаларига биноан топшириқни бажаришни давом эттиради.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси ЖПКда терговчиларнинг ва суриштирув органларининг ўзаро ҳамкорлиги қатъий

тартибда белгиланган. Шу белгиланган қоидалар асосида ушбу ҳамкорлик қонуний тарзда амалга оширилади. Жиноятларнинг ўз вақтида, фош этилиши, дастлабки терговнинг ҳар томонлама, тўла ҳажмда ва холисона ўтказилиши фақат терговчиларнинг суриштирув органи билан ўзаро ҳамкорлиги тўғри йўлга қўйилган ҳолдагина таъминланиши мумкин.

Бунга кўп мисолларни келтириш мумкин. Мен бу ўринда вилоят прокуратураси криминалист прокурори лавозимида ишлаган вақтимда амалга оширган ишимдан икки мисолни келтирмоқчиман.

Хусусан, 2001 йил бошларида Жиззах туманида фуқаро Ш.Холиқовнинг мурдаси ўқ отар қуролидан етказилган жароҳатлар билан топилган эди. Бу хабар бўйича ҳодиса жойини ва мурдаларни **кўздан кечир**иш учун вилоят прокурори, вилоят прокурорининг тергов бўйича ўринбосари, вилоят прокуратурасининг криминалист прокурори, доимий ҳаракатдаги тергов – тезкор гуруҳи, вилоят ИИБ раҳбарлари, ЖҚБ тезкор вакиллари, суд тиббий экспертлари, криминалист экспертлар, кинолог иштирокида биргаликда амалга оширилди.

Тўпланган далиллар, аниқланган тезкор маълумотлар ҳисобга олинган ҳолда бажарилиши лозим бўлган ишларнинг биргаликдаги режаси ишлаб чиқилиб тасдиқланди. Барча ишлар шу биргаликдаги **режа асосида** бажарилди.

Тергов ва суриштирув органларининг ўзаро ҳамкорликда ишлаганлиги натижасида бу ўта оғир жиноятлар қисқа фурсатда, ўз вақтида фош этилди.

Кўп ҳолатларда вилоят прокуратураси идораларининг прокурор — тергов ходимлари томонидан баъзи мансабдор шахслар томонидан, айниқса, айрим нопок мансабдор шахслар томонидан содир этилаётган порахўрлик билан боғлиқ бўлган жиноятларни фош этишда, бу ҳақдаги ариза ва хабарлар терговгача текширув ҳаракатларини ўтказиш жараёнида вилоят миллий хавфсизлик хизмати бошқармасининг тезкор ходимларини суриштирув органи сифатида жалб этилмоқда. Порахўрни ушлаш бўйича тадбир ҳам уларнинг ёрдамида ва бевосита иштирокида амалга оширилмоқда.

Бу ўринда уларда мавжуд бўлган махсус воситада ўрнатилган кичик ҳажмли магнитофондан фойдаланилиб, пора беришни талаб қилган шахс билан фуқаролар ўртасида бўлган ўзаро суҳбатни ёзиб олишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки бу амалга оширилган иш дастлабки тергов давомида порахўрнинг жинойий ҳаракатларини фош этишда муҳим далиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Терговчиларнинг ва суриштирув органи ходимларининг жиноят содир этилган ҳодиса жойига биргаликда чиқишининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу тадбир жиноят иши қўзғатилишига қадарлик бажарилади. Ҳодиса

жойини ва мурдани кўздан кечириш ишни ташкил этиш нуқтаи назаридан ғоят муҳим тергов ҳаракатларидан бири ҳисобланади. Чунки мавҳум ҳолатларда содир этилган жиноятларни фош этиш ўз вақтида тегишли терговчилар ва тезкор ходимларнинг, мутахассисларнинг ҳодиса жойига ўз вақтида чиқишига, ҳодиса жойининг сифатли кўздан кечирилишига бевосита боғлиқдир.

Бунга тергов амалиётидан қуйидаги мисолни келтирсак ўринли бўлар эди: 2001 йил 7 июндан 8 июнга ўтар кечаси номаълум шахс томонидан Дўстлик туманида яшовчи фуқаро Б. Мингбоева ва унинг ёш ўғли ўз уйида қасддан ўлдирилган ҳақида хабар тушган. Туман прокурори ва ИИБ бошлиғи раҳбарлигидаги тергов – тезкор гуруҳлари зудлик билан ҳодиса жойига етиб борган. Туман прокуратураси терговчиси томонидан суд тиббий эксперти ва туман ИИБ криминалист эксперти иштирокида ҳодиса жойи ва мурда сифатли кўздан кечирилди. Жиноят натижасида жабрланган Б.Мингбоеванинг уйидаги буюм ва нарсалар титиб кўрилганлиги яққол кўриниб турган эди. Айни бир вақтда туман ИИБнинг ЖҚБ тезкор вакиллари ва туман прокуратурасининг терговчиси томонидан тезда жабрланганнинг оила аъзолари ва қўшнилари билан суҳбат ўтказилиб, улардан тушунтириш хатлари олинди. Натижада жуда қисқа муддат ичида бу ўта оғир жиноят жабрланган Б.Мингбоеванинг «жазман» И. фамилияли шахс томонидан маст

ҳолатда ғараз мақсадларда содир этилганлиги аниқланди.

Тўпланган далиллар ва тезкор маълумотлар аниқланиши биланоқ жиноятчини ушлаш ва жиноят қуролини қидириб топиш мақсадида тезда тергов — тезкор гуруҳи И.фамилияли шахс яшаётган уйга юборилди ҳамда унинг яшаш жойида ва ёрдамчи хўжалик биноларида тинтув ўтказилди. Натижада қонга ўхшаш доғлари бўлган кийимлари, ҳодиса жойидан талон — тарож қилиб олиб кетилган буюмлар топиб олинди ва текшириб кўриш учун олинди.

Шунингдек, тинтув давомида унинг уйидаги ошхонадан бир дона пичоқ қонга ўхшаш доғлари ювилган ҳолда топиб олинди.

Тергов ва суриштирув органларининг ўзаро ҳамкорликда ва биргаликдаги режалар асосида иш олиб борганлиги сабабли ўта оғир жиноят қисқа вақтда фош этилиб, айбдорнинг айбини тасдиқловчи ашъвий далиллар бўлиши мумкин бўлган жиноят қуроли, қонга ўхшаш доғлари бўлган кийимлар топилиб, текшириб кўришлик учун олинди.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мавҳум ҳолатларда содир этилган қасддан одам ўлдириш ва номусга тегиш, бошқа ўта оғир жиноятларни фош этиш билан шуғулланувчи, доимий ҳаракатдаги махсус тергов — тезкор гуруҳларининг ишини тўғри ташкил этиш ҳозирги кунда амалиётда ўзини энг самарали усуллардан бири эканлигини кўрсатаётганлиги алоҳида диққатга сазовордир.

Шунинг учун ҳам бундай тергов — тезкор гуруҳлари бизнинг вилоятимизда ҳам ташкил этилган. Унинг самарадорлигини юқорида кўрсатилган мисол ҳам тўлиқ тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 343, 347—моддаларида белгиланган қоидалар бўйича терговчилар билан суриштирув органининг ўзаро ҳамкорлиги қуйидагича белгиланган:

1) терговчининг топшириғи ва кўрсатмаси асосида суриштирув органи томонидан тегишли тергов ҳаракатларини ўтказиш.

2) терговчининг топшириғи ва кўрсатмаси асосида суриштирув органи томонидан тегишли тезкор — излов ва қидирув ишларини амалга ошириш.

3) терговчининг талабига асосан суриштирув органи томонидан тергов ҳаракатларининг ўтказилишида ёрдам бериш.

Юқорида санаб ўтилган ўзаро ҳамкорликнинг формалари ҳар бири алоҳида, мустақил процессуал аҳамиятга эгадир. Улар бир марталик, доимий ва доимий ҳаракатдаги аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Терговчининг топшириғи суриштирув органи бошлиғи номига ёзма тартибда юборилиши лозим. Чунки терговчининг топшириғи суриштирув органида тегишли китобларда рўйхатга олиниши, бу ҳақда суриштирув органи бошлиғи хабардор бўлиши, терговчи юборган топшириқда суриштирув органи томонидан бажарилиши лозим бўлган

тергов ҳаракати ёки тезкор—излов ёхуд қидирув иши аниқ кўрсатилган бўлиши, ижро этиш муддати белгиланган бўлиши керак. Шунингдек, у ёки бу тергов ҳаракатини амалга оширишни айнан қандай тартибда бажариш шартлари, тергов ҳаракатини ўтказиш режаси ва тартиби кўрсатилса ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Айниқса, шахси номаълум фуқаронинг мурдаси топилганлиги билан боғлиқ жиноят иши бўйича юборилаётган терговчининг топшириғида таниб олиш учун мўлжалланган фотосуратларни илова қилиш, фуқаронинг бедарак йўқолганлиги ҳолати билан боғлиқ топшириқларда эса бедарак йўқолган фуқаронинг ҳаётлиги вақтидаги фотосуратини илова қилиш, фотосуратлар бўйича таниб олиш тергов ҳаракатини ўтказиш билан боғлиқ топшириқларга фотожадвални илова қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

2001 йил май ойида Жиззах шаҳрида яшовчи фуқаро Р. фамилияли шахсинг уйига 2 та номаълум жиноятчи бостириб кириб, оила аъзоларига тан жароҳати етказишиб, турмуш ўртоғини қасдан пичоқлаб ўлдиришиб, уйдаги қимматбаҳо мол—мулкни талон—тарож қилиб олиб кетишган эди. Мазкур ҳолат юзасидан қўзғатилган жиноят иши бўйича вилоят прокуратурасининг тергов гуруҳи томонидан олиб борилган тергов жараёнида жиноятчилар томонидан талон—тарож қилиб олиб кетилган мол—мулкларни қидириб топишга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу ўта оғир жиноятни содир этган шахсларнинг

уйларидан талон — тарож қилиб олиб кетилган уяли телефон аппарати ва қимматбаҳо тилло тақинчоқлар топиб олинди. Тергов давомида жиноятчиларни фош этишда бу нарсалар алоҳида аҳамиятга бўлиб, айбдор шахсларнинг жиноят содир этганлигини исбот қилишда муҳим ашёвий далил бўлиб хизмат қилди.

Терговчи томонидан суриштирув органига тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисида топшириқ бериш жараёнида қуйидаги ҳолатлар ҳисобга олиниши лозим:

1. Терговчи томонидан суриштирув органига ҳар қандай тергов ҳаракатини ўтказишни эмас, балки айрим тергов ҳаракатларини бажариш топширилиши керак.

2. Терговчи у ёки бу тергов ҳаракатини бажариш ҳақида топшириқ юбора туриб, айбдорнинг айбини исботлаш билан боғлиқ бўлган бевосита ўзига юклатилган вазифа суриштирув органига топширилмаслиги шарт.

3. Ҳодиса жойини, унинг теварак — атрофларини кўздан кечириш, айблов эълон қилиш каби шахсан терговчи томонидан бажарилиши лозим бўлган тергов ҳаракатларининг ўтказилишини суриштирув органига топшириш қатъиян ман этилади.

4. Жиноят ишидаги ҳужжатларни ўрганиш, далиллар билан бевосита боғлиқ бўлган тергов ҳаракатларини ўтказишлик ҳам суриштирув органига топшириш мақсадга мувофиқ эмас.

5. Суриштирув органига тезкор — излов ва қидирув ишлари билан боғлиқ бўлган тергов

ҳаракатларини бажариш ҳақидаги топшириқлар берилса, самарали бўлади.

6. Терговчи шахсан ўзи бажариш имкониятига эга бўлмаган ҳолларда тегишли айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш тўғрисида суриштирув органига топшириқ берса, асосли бўлади.

Терговчининг талабига асосан суриштирув органи томонидан тергов ҳаракатларининг юритилишида унга ёрдам бериши, шунингдек, жиноят иши учун далилий аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган ҳужжатлар ва бошқа материалларни танишиб чиқиш учун ва ишга қўшиб қўйиш учун тақдим қилиши шарт. Терговчи томонидан ўтказиладиган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг кўрсатувларини ҳодиса жойига чиқиб текшириб кўриш тергов ҳаракатини ўтказиш давомида жиноят қуроли ёки жиноят излари бўлган предмет ва буюмларни қидириб топиш мақсадида суриштирув органи ходимларининг терговчига ёрдам бериши муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, ҳодиса жойининг теварак — атрофларини кенгайтирилган ҳолда кўздан кечириш жараёнида кўп фуқаролар ва тезкор ходимлар жалб этилган ҳолатларда бир терговчи учун уларнинг ишини назорат қилиб бориш имконияти чекланган бўлади. Шунинг учун бундай ҳолатларда суриштирув органи вакиллари терговчига мазкур тергов ҳаракатини ўтказишда ёрдам берсалар, жуда фойдали ва самарали бўлади.

Жумладан, 2001 йил февраль ойининг бошида Жиззах шаҳри ҳудуди орқали оқиб ўтувчи каналда шахси номаълум фуқаронинг мурдаси топилди. Ҳодиса жойини ва мурдани кўздан кечириш давомида мурданинг бошқа бўлақларга ажратилган қисмлари йўқлиги тасдиқланди. Шундан сўнг зудлик билан 3 та тергов ва тезкор гуруҳлар тузилиб, улар иштирокида махсус ишлаб чиқилган режа асосида тегишли кўрсатмалар, йўл – йўриқлар берилиб, ҳодиса жойининг 5 км. радиусдаги теваарак – атропофлари кўздан кечирилди. Бу иш тезда ўзининг ижобий натижасини берди. шаҳарнинг четигаги дала майдонида, ахлат тўкиш жойида шахси номаълум фуқаро мурдасининг қолган бўлақлари топилиб, текшириб кўришлик учун олинди.

Кейинги тергов давомида ўтказилган комиссия тартибидаги комплекс суд тиббий, суд биология ва суд тиббий криминалистика экспертизаларининг хулосаси асосида бу бўлақланган тана қисмлари 2001 йил февраль ойи бошларида бедарак йўқолган фуқаро И.Пардаевга тегишли эканлиги тасдиқланди. Дастлабки тергов давомида эса жиноят қурбони бўлган фуқаронинг шахси тез аниқланганлиги сабабли бу ўта оғир жиноят қисқа фурсатда фош этилди.

Мавҳум ҳолатларда содир этилган қасдан одам ўлдириш жиноятлари юзасидан юритилган тезкор – излов йиғма жилди ҳужжатларини ўрганиш ҳам ҳар бир терговчи учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Чунки

суриштирув органи сифатида тегишли шаҳар – туман ИИБ ЖҚБ тезкор вакиллари томонидан қотиллик жинояти содир этилганлиги ҳолати ҳақида муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотларга эга бўлган гувоҳлар аниқланган бўлиши мумкин. Тегишли тезкор – излов ва қидирув ишларини ўтказиш натижасида иш учун катта аҳамиятга эга бўлган тезкор маълумотлар аниқланган бўлиши мумкин, улардан тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида фойдаланиш лозим бўлади.

Шунингдек, тезкор – излов ва қидирув ишларини ўтказиш жараёнида тезкор ходимлар томонидан жиноятга даҳлдор бўлган блокнот, ёзув дафтари, китоб, пул тўлов ведомости каби бошқа ҳужжатлар олинган бўлиши мумкин. Терговчининг талаби бўйича бу ҳужжатлар жиноят ишига қўшиш учун суриштирув органи томонидан терговчига тақдим қилиниши шарт. Терговчи томонидан бу ҳужжатлар атрофлича кўздан кечирилиши, улардаги ёзувлар, телефон рақамлари тегишли тергов ҳаракатларини ўтказиш йўли билан текшириб кўрилиши лозим. Кўп ҳолатларда айнан шундай ҳужжатлар баъзи ўта оғир жиноятларнинг фош этилишига кўмаклашмоқда.

Бунга қуйидаги мисолни келтирсак, мақсадга мувофиқ бўлади: Жиззах туманида 2000 йилда шахси номаълум эркак кишининг мурдаси қотиллик аломатлари билан топилган эди. Ҳодиса жойини ва мурдани кўздан кечириш давомида терговчи томонидан суриштирувчилар, яъни туман ИИБнинг ЖҚБ

тезкор ходимлари билан биргаликда шахси номаълум мурданинг қўллари кафтлари ва бармоқлари изларидан намуналар олиниб, дактилоскопия картаси расмийлаштирилиб, улардан бир нусхаси ЎзР Ички ишлар вазирлигининг ахборот марказига таққослаб текшириб кўриш учун юборилди. Уларнинг жавоби бўйича шахси номаълум мурданинг қўллари кафтлари ва бармоқлари излари муқаддам судланган М.Муродовнинг дактокартаси билан бир хил эканлиги аниқланганлиги кўрсатилган эди.

Кейинги тергов жараёнида туман прокуратураси терговчиси томонидан ушбу жавоб хати асосида тегишли тергов ҳаракатлари ва судга оид экспертизалар ўтказилиши ташкил этилди.

Тергов натижаси бўйича жиноят қурбони бўлган шахс М.Муродов эканлиги тўлиқ исботланди.

Мазкур жавоб хати ўта оғир жиноятнинг фош этилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ушбу мавзу дастлабки тергов ва суриштирув идораларининг хизмат фаолиятида алоҳида ўрин тутаяди. Шунинг учун уни кичик ҳажмли бир мақолада тўлиқ ёритиб бериш имконияти йўқ. Чунки тергов ва суриштирув идораларида ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кўп қиррали бўлиб, бу ҳамкорликнинг бевосита тергов амалиётида қандай амалга оширилаяётганлигини

ўрганиб умумлаштириш алоҳида эътиборга лойиқ.

Мазкур мақолада ҳозирги кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессуал қонунчилиги талаблари бўйича терговчининг ва суриштирув органининг ҳуқуқий ҳолати, жиноят содир этилган ҳодиса жойига биргаликда чиқишни ташкил этишнинг аҳамияти, терговчининг топшириғи, кўрсатмаси ва талаби тергов ҳаракатларини, тезкор — излов ва қидирув ишларини ўтказишнинг процессуал асоси сифатида каби масалалар қисқача тарзда ёритилди.

Жойларда дастлабки тергов ва суриштирув идоралари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада яхшилаш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилиши лозим. Бу борадаги ишлар тўғри йўлга қўйилган ҳамда яхши ташкил этилган ҳоллардагина жиноятчиликка қарши кураш ишида самарали ва ижобий натижаларга эришиш мумкин.



**Кимсанов
Маъмуржон**

**Андижон вилояти
Пахтаобод тумани прокурори
адлия маслаҳатчиси**

Қисқача таржимаи ҳоли

М.Кимсанов 1954 йилда Андижон вилоятининг Асака туманида туғилган, миллати ўзбек, олий маълумотли ҳуқуқшунос.

1984–1988 йилларда Хоразм вилояти Қўшқуипир туман прокуратурасида иш ўрганувчи терговчи ва вилоят прокурори ёрдамчиси, 1988–1999 йиллар Андижон вилояти Улуғнор, Бўз туман ва Андижон шаҳар прокуратураларида терговчи, вилоят прокуратураси тергов бўлимида бўлим прокурори, судларда хўжалик ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўйича вилоят прокурори катта ёрдамчиси бўлиб ишлаган.

1999 йил август ойидан бошлаб Пахтаобод тумани прокурори лавозимида ишлаб келмоқда.

Қотиллик жиноятининг 10 йилдан сўнг фош этилганлиги тафсилотлари хусусида

Мен Пахтаобод тумани прокурори лавозимида 1999 йил август ойида иш бошладим. Шу вақтда туман бўйича жами 7 та фош этилмаган қасддан одам ўлдириш жиноятлари мавжуд эди. Мен туман прокуратурасининг терговчиси адлия маслаҳатчиси М.Ашуров билан биргаликда юқорида кўрсатилган жиноят ишларини ва улар юзасидан туман ИИБ томонидан юритилган тезкор – излов йиғма жилдларидаги ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб чиқишни ташкил қилдим. Бу ишларни амалга ошириш жараёнида 1990 йил 28 дан 29 июлга ўтар кечаси соат 04–00 лар чамасида Пахтаобод тумани «Иттифоқ» фуқаролар йиғини «Санграобод» маҳалласидаги 95–уйда ёнгин содир бўлиб, шундан сўнг уйдан уй эгаси бўлган, 1920 йилда туғилган Ахмадалиева Эргашхоннинг пичоқлаб ўлдирилган ҳолатдаги мурдаси топилганлиги ва мазкур ҳолат юзасидан 1990 йил 29 июль куни Пахтаобод тумани прокуратураси томонидан 1958 йилги эски таҳрирдаги ЎзР ЖКнинг 81–моддаси билан қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилган. Лекин мазкур ўта оғир жиноят ким томонидан содир этилганлиги

аниқланмасдан охириги марта 1991 йил 6—сентябрь куни ҳаракатдан **тўхтатилган жиноят иши** бизнинг алоҳида эътиборимизни тортди.

Жиноят иши бўйича олиб борилган тергов ҳаракатлари юзаки ва сифатсиз олиб борилганлиги, олдинга сурилган тегишли тергов тахминлари тергов ҳаракатлари ҳамда тезкор—излов ва қидирув ишларини ўтказиш давомида охирига етказилмаганлиги, жиноят ишидаги ва тезкор—излов йиғма жилдидаги тўпланган маълумотлар ва бошқа ҳужжатлар ўзаро таққослаган ҳолда ўрганиб умумлаштирилмаганлиги ҳамда таҳлил этилмаганлиги, илгари сурилган тергов тахминлари, гувоҳлар томонидан берилган сўроқ баённомалари ва уларнинг тушунтириш хатлари, гувоҳларнинг кўрсатувларидаги келтирилган важлар тўлиқ текширилмаганлиги, гувоҳларнинг кўрсатувларидан келиб чиқиб қўшимча тергов тахминлари юритилмаганлиги аниқланди.

Бизнинг асосий эътиборимизни гувоҳ **О.Исроилованинг** ўғлим Исроилов Мухаммадқодир 1990 йил 29 июль куни тунги тахминан соат 04—00 ларда уйига ҳаяжонланган ҳолда кириб келди, жабрланувчининг уйи ёнаётганлигидан хабардор бўлганлиги учун ўғлидан «Сен қилмадингми бу ишни, киришинг бежо» деб сўраганлиги ҳақидаги кўрсатувларига қаратдик. Тергов гуруҳи томонидан фуқаро О.Исроилованинг ушбу кўрсатувлари

текширилмасдан охирига етказилмаганлиги сабабли 2000 йил 23 март куни жиноят иши бўйича дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарорни бекор қилдим ва дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказишни қайта тикладим.

Дастлабки тергов ҳаракатлари давомида асосий гувоҳ О.Исроиловнинг ўғли фуқаро М.Исроилов ўғрилиқ жиноятини содир этганлиги учун туман судининг айблов ҳукми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, жазони ижро этиш муасасаларида жазо ўтаётганлиги аниқланди. Шундан сўнг унинг шахсини атрофлича ўрганиш мақсадида яқин қариндошлари, қўшнилари, улфатлари, танишлари аниқланиб, улар иш ҳолатлари юзасидан батафсил сўроқ қилиндилар.

Тергов давомида сўроқ қилинган **гувоҳ Абдуллаев Ҳамдам** таниши Исроилов Муҳаммадқодирни яхши билишини, у кўпроқ Тешабоев Хамидулло билан яқин таниш эканлигини, муқаддам ўғрилиқ жиноятларини биргаликда содир қилганликларини, Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти Бозорқўрғон ИИБда ушланиб турилган вақтида М.Исроилов ва Х.Тешабоевлар уни кўриш учун келганликларини, шунда улар 1990 йил 29 июль куни «Санграобод» маҳалласида яшаган Эргашхон исмли аёлнинг уйига ўғрилиқ қилиш мақсадида киришганликлари, кейин уй эгаси уйғониб қолиб, уларни сезиб таниганлиги учун уни қасддан ўлдириб, сўнгра уйига ўт ёқиб чиқиб кетишганлари ҳақида

гапириб берганликларини баён қилган ва ишончли кўрсатувлар берган. Унинг бу кўрсатувлари иш учун муҳим далилий аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олинган ҳолда сўроқ давомида видеокамера қўлланилиб, гувоҳ Ҳ.Абдуллаевнинг барча кўрсатувлари видеотасвирга ёзиб олинган.

Туман прокуратураси ва ИИБ тезкор ходимлари жалб қилинган ҳолда ҳар бир тергов тахминини текшириб кўриш учун **2 та тергов ва тезкор гуруҳи тузилди**. Юқорида кўрсатилган ўта оғир жиноятни содир этганликда гумонда бўлган М.Исроиловнинг жазо ўтаётган муассаса аниқланди. Иш юзасидан тегишли маълумотлар тўпланиб, тегишли тергов ҳаракатларини олиб боришлик ташкил қилинди. Шундан сўнг маҳкум М.Исроилов ва унинг жиноий шериги Х.Тешабоев жазони ўташ жойидан Андижон шаҳридаги 1-сонли турмага этап килиб олиб келиндилар.

Дастанб терговчилар томонидан уларни сўроқ қилишнинг **батафсил режаси** ишлаб чиқилди. Шу режалар асосида уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида сўроқ қилинди. Дастанб уларнинг ҳар иккиси ҳам биргаликда жиноят содир этмаганликлари ҳақида кўрсатув беришдилар. Сўроқ давомида уларнинг барча кўрсатувлари видеотасвирга ёзиб олиниб, улар атрофлича таҳлил қилинди. Сўроқ давомида улар томонидан келтирилган барча важлар бошқа тергов ҳаракатларини ва тезкор-излов ишларини ўтказиш йўли билан текшириб

кўрилди, лекин улар томонидан келтирилган вазларнинг деярли барча нотўғри эканлиги тасдиқланди. Маҳкум М.Исроилов билан онаси О.Исроилова ўртасида юзлаштириш ўтказилди. Бу эса ўзининг ижобий натижасини бериб, маҳкум М.Исроилов жиноий шериги Х.Тешабоев билан биргаликда содир қилган ўта оғир жиноятларига иқроор бўлиб, тегишли кўрсатувларни берди.

Шундан сўнг М.Исроилов билан Х.Тешабоев ўртасида **юзлаштириш ўтказилди** ва Х.Тешабоев шериги М.Исроилов билан биргаликда ҳақиқатдан ҳам қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганликлари тўғрисида кўрсатувлар берди.

Тергов давомида **М.Исроилов иш ҳолатлари бўйича тўлиқ кўрсатувлар бериб**, ўз кўрсатувларида 1990 йил 27 июль куни ўзи яшайдиган маҳалласида жойлашган қассобхонада таниши Аҳмадалиева Эргашхонни учратганлигини, Эргашхон унга заём облигациялари борлиги ҳақида айтганлигини, тиражларини газеталардан кўриб беришликни сўраганлигини, шунинг учун Эргашхонда кўп пули бўлиши мумкин деган фикрга келганлигини, унинг нақд пулларига эгалик қилиш ниятида шериги Х.Абдуллаевга босқинчилик содир қилишни таклиф этганлигини, биргаликда режа ишлаб чиқиб, 1990 йил 28 июлдан 29 июлга ўтар кечаси соат тахминан 01—00 лар чамасида Тешабоев Х. ўзи билан бирга ўзбек миллий пичоғини олиб, юзларига қора рангли синтетик

матодан ниқоб тақиб олишиб, биргаликда Аҳмадалиева Эргашхоннинг яшаб турган уйига келишганликларини, уйига девордан ошиш йўли билан киришганликларини, Аҳмадалиева Эргашхон уйғониб кетганлигини, ундан пул ва қимматбаҳо буюмлар топиб беришни талаб қилишганликларини, бундай нарсалар унда йўқлигини айтиб, улардан қўрқиб бақирганлигини, шунда ўзининг қўллари билан Эргашхоннинг оғзини беркитиб, бақирмаслик чоралари кўрганлигини, Х.Тешабоев эса жабрланувчининг тўғри келган жойларига бир неча маротаба қасддан урганлиги, биргаликда Аҳмадалиева Эргашхонни ўлдирганликларини, жиноят изларини йўқотиш мақсадида уйига ўт қўйиб, сўнгра чиқиб кетишганликларини пичоқни уйининг орқа томонидан оқиб ўтган ариқ четида кўмиб қўйганлигини баён қилди.

Х.Тешабоев ҳам худди шундай кўрсатувлар бериб, қотиллик жиноятини содир этганлигига иқрорлик билдирган. Бундан ташқари, сўроқ давомида ҳар иккала гумон қилинувчи шахслар ҳодиса жойининг, жиноят қуроли бўлган пичоқ яширилган жойларнинг ўрнини, бу жойларга бориш ва келиш йўллари **схема тарзида** ихтиёрий равишда чизиб берганлар.

Шундан кейин навбат билан уларнинг кўрсатувлари ҳодиса жойига чиқиб текшириб кўрилган. Ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида улар ўзлари содир этган жиноятлар ҳақида тўлиқ кўрсатиб берган. Уларнинг кўрсатуви бўйича жиноят қуроли бўлган бир

дона пичоқ яшириб ва кўмиб қўйилган жойидан ашёвий далил сифатида олинган.

Юқорида кўрсатилган тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида видеокамера ва фотоаппарат қўлланилиб, уларнинг бориши тўлиқ видеотасвирга ва рангли фотосуратларга олинган.

Тергов давомида иш бўйича суд тиббий, суд биология, психиатрия, психология суд тиббий криминалистика каби экспертизалар ўтказилиб, уларнинг хулосалари олинди, ишга қўшилган.

Жиноят иши бўйича Х.Тешабаев ва М.Исроилов айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниб, уларга Ўзбекистон Республикасининг 1958 йилда қабул қилинган таҳрирдаги **Жиноят кодексининг 80-моддаси 6 ва 8-бандлари, 127-моддаси 2-қисми** билан айблов эълон қилинган.

Қонун билан белгиланган 1 ойлик муддат давомида тергов ҳаракатларининг ўтказилиши таъминланиб, жиноят иши айблов хулосаси билан вилоят судига юборилган.

Андижон вилоят судининг 2001 йил 31 январь кунги айблов ҳукми билан Х.Тешабоев **ўлим жазосига**, М.Исроилов эса **15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш** жазосига ҳукм қилинган. Вилоят судининг ушбу айблов ҳукми қонуний кучга кирган.

**Мысин
Владимир
Алексеевич**



Ўзбекистон Республикаси прокуратураси
криминалистика бўлимининг
етакчи мутахассиси
3 — даражали ҳуқуқшунос

Қисқача таржимаи ҳоли

В.А.Мысин 1956 йилда Россияда туғилган,
миллати рус, олий маълумотли ҳуқуқшунос.

1986 йилда Тошкент Давлат Университети
ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган.

Прокуратура идораларида иш фаолиятини 1977
йилдан бошлаб, 1977—1993 йилларда мутахассис
сифатида ишлаган.

1993 йилдан буён криминалистика бўлимининг
етакчи мутахассиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Замонавий криминалистика техника воситаларидан фойдаланишнинг аҳамияти

Ҳозирги кунда жиноятлар, айниқса, унинг оғир ва ўта оғир турлари кўпроқ мавҳум ҳолатларда содир этилмоқда. Бундан ташқари, айрим жиноятчилар томонидан замонавий техника воситалари қўлланган ҳолда жиноятлар содир этиш ҳолатлари кўп учрамоқда.

Шунинг учун ҳам жиноятларни фош этиш ва тергов қилинда, жазо муқаррарлиги тамойилининг амалда ижро этилишини таъминлашда фан ва техника ютуқларидан, замонавий криминалистика техникалари воситаларидан ҳамда илмий тавсиялардан кўпроқ ва самарали фойдаланишни тақазо этмоқда.

Республика прокуратураси раҳбарияти томонидан прокуратура идораларини замонавий криминалистика техника воситалари билан таъминлаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган.

Жумладан, **2000 йилда** марказий маҳкаманинг криминалистика бўлими ва қуйи тармоқ криминалист прокурорлар бир нечта ана шундай техника воситалари билан таъминланди. Хусусан, «**Следопыт-6**» русумли универсал криминалистика техника воситалари тўплами, «**Sony-M88**» русумли кичик ҳажмли

диктофон, «Зенит-6» русумли замонавий услубдаги фототўплам, «Night Traker» RC 1100 N» русумли аккумуляторли прожектор, «Night Traker» русумли автомобилда фойдаланиш учун мўлжалланган прожектор, «Mag Lite 4 Cell D» русумли фонардан иборат бўлган ёритиш воситалари тўплами «Мерседес – Бенц» русумли хизмат автомашинаси негизидга кўчма криминалистика лабораторияси таркибида ва криминалистика хоналарида хизмат доирасида фойдаланиш учун тарқатиб берилди.

Ҳозирги кунда прокуратура идораларининг криминалист прокурорлари ва тегишли мутахассис ходимлар ушбу замонавий криминалистика техника воситаларини қўллаган ҳолда вилоят ва унга тенглаштирилган ИИБ ЭКО ходимларининг ва бошқа мутахассисларнинг иштироксиз барча тегишли тергов ҳаракатларини ва бошқа тезкор тадбирларни ўтказиш имкониятига эга бўлдилар.

«Следопыт-6» русумли универсал криминалистика техника воситалари тўплами 2 та сумкадан иборат бўлиб, биринчи сумкада 27 та номдаги, иккинчисида эса 60 та номдаги замонавий криминалистика техника воситалари жамланган.

Мазкур универсал тўпламнинг биринчи сумкасида қуйидаги криминалистика техника воситалари жамланган:

1. Бирор буюм ёки нарсанинг қалинлиги ёки диаметрини ўлчаш учун мўлжалланган 1 дона 125 миллиметрлик штангенциркуль.

2. Ўраладиган тасма шаклидаги масофа ўлчаш учун мўлжалланган 1 дона 20 метрлик ўлчов воситаси («рулетка»).

3. Кичик масофаларни ўлчаш учун мўлжалланган 1 дона 5 метрлик ўлчов воситаси («рулетка»).

4. 4 миллиметрли ёғоч, темир, мис, алюминдан ясалган буюмларни кесиш учун мўлжалланган 1 дона қаламтарош пичоқ.

5. 1 дона металл қирқиш учун мосланган қайчи.

6. 1 дона оғирлиги 400 грамм бўлган болта.

7. 1 дона универсал омбур («плоскогубцы»).

8. Металл буюмларни кесиш учун мўлжалланган 1 дона ўткир тишли омбур («плоскогубцы»).

9. Кўздан кечириш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида «болт»ларни ечиб олиш учун мўлжалланган 1 дона универсал калит.

10. Ушлаш қисми ва алмаштириладиган қисмлардан иборат бўлиб, кўздан кечириш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида «шуруп»ларни ечиб олиш, буюм ва нарсаларда тешикча ҳосил қилиш учун мўлжалланган 1 дона отвертка.

11. Кўздан кечириш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида кичик

«шуруп»ларни ечиб олиш мўлжалланган 1 тўплам («отвертка»).

12. Темирдан ясалган буюмларни қирқишга мўлжалланган 1 дона қирқадиган қисми алмаштириладиган арра.

13. 1 дона 20 мм. лик искана.

14. Кўздан кечириш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида электр симларни, ҳар хил электр тарқатгич воситаларида электр токи бор – йўқлигини текшириб кўриш учун мўлжалланган 1 дона индикаторли «отвертка».

15. Ҳодиса жойида қолдирилган изларни олиш учун мўлжалланган 1 дона «зубило».

16. 1 дона «бородок».

17. Сув ҳавзасидан тупроқ ва бошқа намуналар олиш учун мўлжалланган 1 дона «керн».

18. 5 мм. гача қалинликда бўлган ойналарни кесиш учун мўлжалланган 1 дона мослама.

19. Оғиз бўшлигини кўраётганда тилни босиб туриш учун ишлатиладиган 1 дона 40 мм. лик мослама.

20. 1 жуфт техник қўлқошлар.

21. Ҳодиса жойида микрозаррачаларни қидириб топиш учун, хатлар ва имзолардаги ёзувларни, ёзув машинкасида чоп этилган ёзувларни, бошқа ҳужжатларни кўздан кечириш учун мўлжалланган 1 дона йиғма лупа.

22. Ҳодиса жойининг схемасини чизиш учун мўлжалланган 1 дона қалам.

23. Ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида қўлланиладиган 1 дона ён дафтарча.

24. Қон доғларни олиш, биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш учун мўлжалланган 1 дона бинт бўлаги.

25. Тиббий ёрдамни кўрсатиш учун мўлжалланган 1 дона спиртли йод.

26. Ер тўла, омборхона, томларни ва қоронғу пайтларда турар – жойларни, ёрдамчи хўжалик биналарини кўздан кечириш ҳамда уларда тинтув ўтказишга мўлжалланган 1 дона тунги ёритиш мосламаси («фонарик 2хАА»).

27. 1 дона қайд этилган воситалар жойлаштирилган букланма сумка.

**Мазкур универсал тўпلامнинг
иккинчи сумкасида қуйидаги
криминалистика техника воситалари
жамланган:**

1. Ҳодиса жойидан кўзга кўринмайдиган излар намунасини топиб олиш учун мўлжалланган 2 дона оддий, қора ва кумуш рангли дактилоскопия кукуни («порошок»).

2. Ҳодиса жойидан кўзга кўринмайдиган излар намунасини топиб олиш учун мўлжалланган 2 дона магнитли, қора ва кумуш рангли дактилоскопия кукуни («порошок»).

3. Иккинчи тўпلامда 10 варақдан иборат излар намунасини олиш учун мўлжалланган 13x18 см. лик ҳажмдаги қорамтир рангли дактилоскопия плёнкалари.

4. Икки дона 19x38 мм.лик ҳажмдаги очиқ рангли ўзи елимланадиган дактилоскопия плёнкалари.

5. Ҳодиса жойидан кўзга кўринмайдиган излар намунасини топиб олиш учун мўлжалланган 2 дона шиша идишларда жойланган дактилоскопик чўткалар.

6. Ҳодиса жойидан кўзга кўринмайдиган изларни темир порошокларни қўлаб қидириб топиш ва олиш учун мўлжалланган 1 дона магнитли дактилоскопик чўтка.

7. Ярим қурувчан, ҳар қандай юзада яхши жойланадиган хусусиятга эга бўлиб, излардан нусха қолип олишга мўлжалланган «Silmark Microsli» русумли силиконли компаунд аралашмаси.

8. Кимёвий моддаларни суяқ ҳолатга келтириш учун мўлжалланган аралашма.

9. 1 дона «пластилин».

10. Аралашма учун ишлатиладиган 1 дона «пластилин».

11. Қўл изларини олиш учун мўлжалланган 1 дона 5 см.лик ҳажмли силлиқ дактилоскопия валиги.

12. Қўл бармоқларининг изларини олиш учун мўлжалланган 1 дона дактилоскопия идиши.

13. Мурданинг қўлларида изларини олиш учун мўлжалланган восита.

14. Ҳодиса жойидан кўзга кўринмайдиган излар намунасини топиб олиш учун мўлжалланган 1 дона лупа.

15. Ер тўла, омборхона, томларни ва қоронғу пайтларда турар – жойларни, ёрдамчи хўжалик биноларини кўздан кечириш ҳамда тинтув ўтказиш жараёнида фойдаланиш учун

мўлжалланган 1 дона тунги ёритиш воситаси («фонарь полицейский»).

16. Хатларни, имзоларни ва бошқа ашёвий далилларни кўздан кечиришга мўлжалланган 1 дона кичик ҳажмдаги бинафша рангли ёритиш воситаси.

17. Ҳужжатлардаги имзоларни тасдиқлаш, пул бойликларини ва бошқа буюмларини кўздан кечиришга мўлжалланган 1 дона оқ рангли «4W» русумли алмаштириладиган люминесцентли трубоча.

18. Телескопик ушлагичи билан бирга бўлган 1 тўпلامдаги кичик кўзгу.

19. Ўткир тигли 1 дона «скальпель».

20. Ўткир тигли алмаштириладиган 1 тўпلامдаги «скальпель».

21. Ойна ва қоғоз бўлақларини, сигарета қолдиқларини, сочларни, микрозаррачаларни йиғиш учун мўлжалланган 1 дона 15 сантиметрлик анатомик «пинцет».

22. Ўқ отар қуроли қўлланилган ҳодиса жойидаги ўқ ва унинг бўлақларини, деворнинг ёриқларидаги, пол ва зинапоя оралиғидаги кичик ҳажмли турли хил нарсаларини олиш учун мўлжалланган 1 дона 20 сантиметрлик анатомик «пинцет».

23. Қоғозларни, картонларни, газламаларни, ипларни ва бошқа материалларни кесиш учун мўлжалланган 1 дона жарроҳлик қайчиси.

24. Оғиз бўшлиғини кўраётганда тилни босиб туриш учун мўлжалланган 1 тўпладан иборат тиббий «шпатель».

25. Бир дона игна.

26. Ҳодиса жойида шимол ва жануб йўналишини аниқлаш ва ҳодиса жойининг масштаби схемасида ҳамда режаларида қайд этиш учун мўлжалланган 1 дона компас.

27. Кичик масофаларни ўлчаш учун мўлжалланган 1 дона 2 метрлик ўлчов воситаси ва 1 дона 5 метрлик ўлчов воситаси («рулетка»).

28. Ҳар хил турдаги буюмларнинг ички ва ташқи ҳажмини, қалинлиги ёки диаметрини ўлчаш учун мўлжалланган 1 дона 125 мм ҳажмдаги «штангенциркуль».

29. 10 см. узунликдаги, миллиметрларга бўлинган ясси ва енгил металдан ясалган бўлиб, майдон ва ҳажмларни ўлчаш учун мўлжалланган 1 дона масштаби линейка.

30. 30 см. узунликдаги, миллиметрларга бўлинган ясси ва енгил металдан ясалган бўлиб, майдон ва ҳажмларни ўлчаш учун мўлжалланган 1 дона масштаби линейкаси.

31. Режаларни ёзиб олиш учун мўлжалланган 1 дона қора ва кўк рангли «авторучка».

32. Қизил рангли 1 дона «авторучка».

33. Схемаларни чизиш учун мўлжалланган 1 дона қалам.

34. Схемаларни чизиш учун ишлаталадиган 1 дона ўчирғич.

35. Ҳодиса жойидаги эшикларни муҳрлаш учун мўлжалланган 1 дона клей таёқча.

36. Ҳодиса жойидаги эшикларни муҳрлаш учун мўлжалланган 1 дона «фломастер — маркер».

37. Схемалар чизишда ишлатиладиган 1 дона ингичка кўк, қора рангли «фломастер».

38. Бир тўпламдаги бўр.

39. Ҳодиса жойининг схемасини аниқ чизишга мўлжалланган 1 тўпламдаги чизмачилиқда ишлатиладиган мосламалар («офицерская линейка») тўплами.

40. Схемаларни, режаларни ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш учун мўлжалланган 1 дона қоғозлар учун мўлжалланган жилд.

41. Ашёвий далилларни ўраш ва муҳрлаш учун мўлжалланган 1 тўпламдаги из олувчи юпқа тоза «этикетка»лар тўплами.

42. Из намуналарни ўраб олиш ва муҳрлаш учун мўлжалланган 1 тўпламдаги юпқа «этикетка»ларнинг рақамли ва кўрсаткичли тўплами.

43. Қоғоз қирқиш учун мўлжалланган 1 дона пичоқ.

44. Ёғоч, мисдан ясалган буюмларни кесиш учун мўлжалланган 1 дона букланма қаламтарош пичоқ.

45. 5 миллиметргача қалинликда бўлган ойналарни кесиш учун мўлжалланган 1 дона ойна қирқиш мосламаси.

46. Кўздан кечириш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида электр симларни, ҳар хил электр тарқатиш воситаларида электр токи бор — йўқлигини

текшириб кўриш учун мўлжалланган 1 дона отвертка — индикатор.

47. Универсал қисиш воситаси.

48. Ушлаш қисм ва алмаштириладиган қисмлардан иборат бўлиб, кўздан кечириш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида «шуруп»ларни ечиб олиш, буюм ва нарсаларда тешикча ҳосил қилиш учун мўлжалланган 1 тўпلامда ҳар хил мосламали алмаштириладиган универсал «отвёрка».

49. Бир жуфт резинали техник қўлқоплар.

50. Мурдани кўздан кечиришга мўлжалланган 1 жуфт резинали жарроҳлик қўлқопи.

51. Бир маротаба ишлатишга мосланган қўлқоплар.

52. Ҳодиса жойидан олинган ашёвий далилларни ўраш ва муҳрлаш учун мўлжалланган полиэтиленли ўрамдаги «пакет»лар.

53. Микрозаррачаларни ўраб олиш ва муҳрлаш учун мўлжалланган 1 тўпلامдаги қоғоз конвертлар.

54. Қадоклаш учун мўлжалланган пластмассалик идиш.

55. Бир тўпلامда жойланган қопқоқли пластмассалик идиш.

56. Бир тўпلامдаги пахта тампонлар.

57. Қон доғларини ўраб олиш учун мўлжалланган 1 дона бинт.

58. Бир дона «зажигалка».

59. Бир тўпلامда дезинфекциялаш учун мўложалланган «салфетка»лар.

60. Бир дона техник воситалар жойлаштириладиган сумкадан иборат.

Худди шунингдек, «Зенит 6» русумли замонавий услубдаги фототўпладан ҳар қандай шароитда (дала, кундузги, тунги об-ҳаво) фойдаланиш имконияти мавжуд. Унинг яна бир алоҳида эътиборли томони шундан иборатки, юқорида қайд этилган шароитларда, ҳодиса жойининг ўзидаёқ зарурият бўлган ҳолларда унинг фотоплёнкасини алмаштириш мумкин. Шунингдек, катта ҳажмдаги, яъни хоналарнинг кириш эшигидан, кўл, дарёлар, кўп қаватли бинолар, катта ҳажмли автотранспорт воситалари, кўп кишилик майдонлар ва бошқа шу кабиларни махсус объективда суратга олиш имконияти мавжуд. Узоқ муддатли ва кўп миқдорда фотосуратларга олиш учун фойдаланиладиган махсус мосламалар ҳам ушбу тўпламда мавжуд.

«Сони М 88» русумли кичик ҳажмли диктафондан асосан суриштирув ва тергов ҳаракатларини ҳамда тезкор-излов ишларини ўтказиш жараёнида фойдаланиш мумкин. Унинг қулай томони шундан иборатки, диктафон автоматик тартибда фақатгина сўзлашув жараёнидагина ёки ташқи эшитиладиган бошқа бирон овоз шарпасидагина ишлайди, холос. Агарда шу ҳолатлар содир этилмаса, диктафон ишламасдан туради, бу ўз ўрнида магнит лентаси ва батареяни тежайди.

«Night Traker» RC 1100 N» русумли аккумуляторли прожектор, «Night Traker»

русумли автомобилда фойдаланиш учун мўлжалланган прожектор, «Mag Lite 4 Cell D» русумли фонардан иборат бўлган ёритиш воситалари тўплами ҳодиса жойини кечаси кўздан кечириш, тинтув ўтказиш каби бир қатор тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида қўллаш учун мўлжалланган. Мазкур ёритиш воситаларидан электр чироғи бўлмаган жойларда тегишли тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳам мумкин. Чунки бу воситалардан уларни хизмат автомашинасида заряд олиш учун қўйган ҳолда бир неча соат давомида узлуксиз фойдаланиш имконияти мавжуд.

Юқорида кўрсатилган замонавий криминалистика техника воситаларидан тергов амалиётида тўғри фойдаланиш йўлга қўйилса, бу ўзининг ижобий натижа ва самараларини беради деган фикрдамиз.

**Прокурор—терговчилар, қўлида
«Тергов амалиёти» тўплами бўлган
хизматчи, илмий ходим ва талабалар
диққатига !**

«Тергов амалиёти» тўплами «Хизмат доирасида фойдаланиш учун» деб номланган руқн («гриф») асосида чоп этилаётганлигини эътиборга олиб, уларни хизмат ҳужжати сифатида хизмат жойи ва кутубхоналарда сақлаш, улардан тўғри фойдаланиш талабларига тўлиқ риоя этишларингиз талаб қилинади.

Мазкур тўплам оммабоп бадиий асар эмас, шунинг учун ҳам улар китоб дўконларида сотилмайди, оммавий ахборот воситалари тарқатиладиган муассасаларга берилмайди.

Ушбу тўпламларда чоп этилган мақолалар ва тергов ҳужжатлари ҳақидаги, унинг кейинги сонларида ёритилиши лозим бўлган дастлабки терговнинг долзарб мавзулари тўғрисидаги таклиф, фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

**«Тергов амалиёти» тўпламининг
таҳририят ҳайъати.**

**«Тергов амалиёти» тўпламининг
муштарийлари ва бўлажак
муаллифлари диққатига!**

«Тергов амалиёти» тўпламида чоп этиш учун тегишли мақолалар тергов очерклари ва бошқа ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилиши лозим бўлади:

«Тошкент шаҳри, 700047, академик Я. Ғуломов кўчаси, 66 – бино, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, криминалистика бўлими, «Тергов амалиёти» тўпламининг таҳририят ҳайъатига» деб ёзилиши керак.

**«Тергов амалиёти» тўпламининг
таҳририят ҳайъати.**

М У Н Д А Р И Ж А

Муаллиф ва мавзулар

Варақ

**Криминалистика ҳақиқат ва
адолат тантанаси хизмати
йўлида** 3-16

Х.Ў.Абдувоҳидов
Криминалистика бўлими ишини
ташқил этишнинг хусусиятлари 17—42

З.Б.Баймуҳанов
Жиноятларни фош этишда
жиноий рўйхатдан фойдаланиш 43—62

Б.Ҳ.Боқиев
Барча ҳолатларни атрофлича
текшириш қотиллик жиноятининг
фош этилишини таъминлади 63—74

А.Ф.Худояров
Одамнинг ташқи қиёфаси
белгилари ва уларнинг аҳамияти 75—88

Ҳ.Н. Ҳамроев
Содир қилинган жиноят учун
жазо муқаррардир 89—98

Ш.Х.Турсунов

Ёлланган қотил (ёки қасддан одам
ўлдириш жиноятининг фош 99 – 118
этилиши тафсилотлари тўғрисида)

М.Ж.Комилов

Ишнинг тўғри ташкил этилиши
натижасида қотиллик
жиноятининг фош қилинганлиги 119 – 136
тафсилотлари ҳақида

Н.Х.Юнусов

Ҳодиса содир бўлган жойнинг
сифатли кўздан кечирилиши ўта
оғир жиноятнинг тезда фош 137 – 148
этилишини таъминлади

Ғ.М.Қаҳҳоров

Терговчи топшириғининг
суриштирув идораси томонидан 149 – 170
бажарилиши тартиби

М.Кимсанов

Қотиллик жиноятининг 10 йилдан
сўнг фош этилганлиги 171 – 178
тафсилотлари хусусида

В.А.Мысин

Замонавий криминалистика
техника воситаларидан 179 – 191
фойдаланишнинг аҳамияти

Таҳририят ҳайъати эълонлари 192 – 193

**«Тергов амалиёти» тўпламининг
22-сони Ўзбекистон Республикаси
прокуратурасининг криминалистика
бўлимидаги «Sony» русумли шахсий
компьютерда «Windows-2000» махсус
компьютер дастурида 1000 нусхада
2001 йилнинг 20-28 июль кунларида
тайёрланган.**

**Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот комитасининг
рангли босма фабрикаси
Тошкент шаҳри, У.Юсупов кўчаси, 86 бино.
2001 йил август ойи**

